

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши Академияси
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази

Назира Абдуазизова

Ўзбекистон журналистикаси тарихи



“Академия” нашриёти
Тошкент
2002

Масъул муҳаррир: Н.Қ.ЖЎРАЕВ, сиёсатшунослик
фанлари доктори.

Такризчилар: Б.А.АҲМЕДОВ, академик,
тарих фанлари доктори, профессор
Н.К.КОМИЛОВ, филология
фанлари доктори, профессор.
Б.А.ДЎСТҚОРАЕВ, филология
фанлари номзоди, доцент.

Н.Абдуазизова. Ўзбекистон журналистикаси тарихи.
Тошкент, “Академия” 2002 й. 192 бет.

Мазкур монографияда Ўзбекистонда журналчилик тарихи,
унинг шаклланиши ва равнаки (XIX аср охири - XX аср) тас-
нифий муаммолари, маънавий-маърифий масалалари, улар-
нинг ҳозирги ҳолати ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар
ўз аксини топган.

Унда миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари
журналлар фаолияти орқали бир-бирига боғлиқ ҳолда ёритиб
берилган.

Монография матбуот тарихи билан шуғулланувчи мутахас-
сисларга, ўқитувчиларга, журналистика ва халқаро журна-
листика, тарих факультетлари талабаларига ҳамда ОАВ фао-
лияти билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

© “Академия” нашриёти, Тошкент, 2002й

Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафқурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур.

И.А. Каримов

МУҚАДДИМА

Истиқлол туфайли янгиланиш сари юз тутган жамиятимизнинг маданий тараққиётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, матбуот саҳифаларида ёритилаётган биргина фан ва маданият тарихига оид материалларнинг ўзиек ўзлигимизни англаш йўлида қўйилган улкан ва қутлуғ қадамдир.

Матбуот ватандошларимизни янгича фикрлашга даъват этиб, мустабидлик йилларида топталган кадриятларимизни тиклашга эътиборни қаратмоқда. Газета-журналларимиз саҳифаларида Туронзаминда туғилиб, вояга етиб, дунёга донғи кетган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Жалололидин Хоразмшоҳ, Жалололидин Румий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Камоллидин Беҳзод, Заҳириддин Бобур каби улуғ зотларнинг илмий-маърифий, бадий мероси тарғиботи кенг ўрин эгаллай бошлади.

Имом ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Юсуф Ҳамадоний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абдухолик Ғиждувоний, Ҳаким ота(Сулаймон Боқирғоний), Занги ота, Абу Мансур ал-Мотуридий, Хожа Бобои Самосий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Саид Амир Кулол, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аловуддин Агтор, Маҳдуми Аъзам, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Аҳрор Валий каби шу заминда етишган сон-

саноқсиз азиз инсонлар тўғрисида кетма-кет пайдо бўлаётган мақолаларни эса, матбуотимизнинг маънавиятимизни тиклаш йўлидаги улкан ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Бу ютуқларни фуқароларга эркин фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳлаш керак. Қолаверса, мустикаликдан сўнг республикамиз журналистикаси тарихида биринчи бор оммавий ахборот воситалари ва тахририятлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.¹ Натижада Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасида ҳам матбуотнинг йўналиши тубдан ўзгариб эскича нуқтаи назарлар, коммунистик мафқуранинг ҳукмронлиги рад этилди. Қўлингиздаги ушбу монография мамлакатимиз матбуоти тарихи билан яхшироқ танишиш, сўнгги юз йил мобайнида Ўзбекистонда турли йилларда чиққан журналлар халқ ҳаёти, онги ва тафаккурига кўрсатган таъсирни ўрганиш борасида қўйилган илк қадамлардандир. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар тарихий жараённинг муҳим жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Китобда Туркистонда нашр этилган дастлабки журналлар, уларнинг тарихий-тадрижий ривожланиш йўллари ва ҳаётнинг қайси соҳаларини ёритганлиги, ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”. 1992. XV боб. 67-модда. 21-бет. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: “Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 7 май. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 1996 йил 30 август; Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида”. 1997 йил 24 апрель; Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” 1997 йил 24 апрель; Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” 1997 йил 26 декабрь; Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Реклама тўғрисида”. 1998 йил 25 декабрь; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида”. 1999 йил 26 февраль; Қаранг: Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонуллари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Матбуотнинг янги тури ҳисобланмиш журналларнинг нашр этилиши Туркистон ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлди.

Чор Россияси даврида чоп қилинган Туркистон журналларининг фаолиятида икки асосий хусусият кўзга ташланади. Бир томондан, дастлабки журналлар ўлкамизга маърифат тарқатишининг яна бир шакли кириб келганлигини англатса; иккинчи томондан, бу журналлар тубжой аҳоли онига ёт дунёқараш, урф-одатларни сингдирувчи кучли таъсир воситаси сифатида намоён бўлди.

Нашрлар, айниқса, журнал типдаги адабий-бадиий даврий нашрларнинг умумий хусусиятларини қиёслаш, Ўзбекистон журналистикасида жамғарилган тажрибани умумлаштириш тарихнинг янги саҳифаларини очиб беради.

Афсуски, 20 йилларнинг иккинчи ярми - 30-йиллар бошларида партия адабиёти, партиявий журналистика тўғрисидаги гаплар турли догматик назариялар ҳамда адабиёт ва санъат ишига маъмурий аралашувни асослаш, мафкуравий қувғинларни оқлаш воситасига айланди.

Ўзбекистонда чоп қилинган журналларнинг тарихий таснифини бериш орқали турли типдаги журналларни қиёслаш, универсал ва алоҳида тарзда уларнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади.

I. Якка шахснинг қизиқишига кўра:

- а) касб-ҳунарга, айрим соҳаларга оид журналлар - “Корреспондент”, “Мухбир”, “Узбекский биологический журнал”, “Русский язык в школе”, “Медицинский журнал Узбекистана”, “Совет мактаби”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Сельское хозяйство Узбекистана”, “Гелиотехника”;
- б) адабиёт ва санъатга оид журналлар - “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик”, “Кино”, “Гулистон”, “Саодат”.
- в) илмий-маърифий журналлар - “Фан ва турмуш”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, “Жамият ва бошқарув”;
- г) у ёки бу соҳага оид махсус журналлар - “Строительство и архитектура Узбекистана”, “Химия природных соединений”, “Экономика и статистика”, “Ҳаёт ва иқтисод”.

II. Журналларнинг табақаланишига кўра:

Ҳар хил турдаги журналлар - партия, ҳарбий, деҳқон, ёшлар, касаба уюшмаси, тижорий, диний.

III. Тил хусусиятларига кўра:

ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозок, қирғиз, тожик, яхуди, татар, англиз, араб ва бошқалар.

Шундай қилиб, ҳар бир журнал тузилмасининг хусусияти унинг ўзига хослигига кўра аниқланади. Масалан, “СААПП” (“Среднеазиатская ассоциация пролетарских писателей”), “Советская литература народов Средней Азии”, “Курилиш”, “Ўзбекистон шўро адабиёти”, “Ўзбекистон совет адабиёти”, “Литературный Узбекистан”, “Литература и искусство Узбекистана” - булар “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларининг ўтмишдошлари ҳисобланади.

Вақти келиб араб алифбоси лотин, яъни роман алифбоси билан, роман алифбоси кирилл алифбоси билан алмаштирилди. Шу муносабат билан ўзбек журналлари яна бир бор ўзига хос тузилма хусусиятини касб этди.

Араб алифбосидан роман алифбосига ўтиш /1929-1930/ ва роман алифбосидан кирилл алифбосига ўтиш /1939-1940/, табиийки, аждодлар меросини ўрганишга салбий таъсир қилди. У кунларни зиддиятли дунёга қадам қўйиш, давр алмашуви билан ҳимоясиз қолган халқ тарихига назар ташлаш, дея баҳолаш мумкин.

IV. Алифбо хусусиятларига кўра:

Араб _____ роман _____ кирилл _____ роман

Журналлар ўз таснифий асосига эга бўлиб, шунга кўра у ёки бу журналнинг йўналишини баён қилиш мумкин.

Умуман журналлар:

- ижтимоий онг диалектикасини;

- илмий-техникавий тараққиётни;

- шахс маънавий камолоти ва интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Матбуот - давр ва замоннинг маънавий кўзгуси. Унда ҳаётнинг мураккаб ва долзарб масалалари худди кўзгудагидек акс этиши муқаррар ҳолдир. Демакки, матбуот тарихий тараққиёт ва жамият фалсафасидир.

Демак, ҳар қандай нашр соҳа, ихтисослиги, мавзу, йўналишидан қатъи назар, ўқувчи онги ва тафаккурига таъсир этиш орқали жамият руҳиятини белгилайди, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз йўналиши доирасида муносабатини билдиради. Бу нашрларнинг қандай соҳага дахлдорлигидан қатъи назар, унинг ижтимоий-сиёсий вазифасини белгилайди. Ана шу нуқтаи назардан ҳар қандай нашр - ижтимоий-сиёсий воқеликдир. Фақат соҳасига қараб у ёки бадиий, ёки илмий, ёки иқтисодий - ҳуқуқий соҳага тегишли бўлиши мумкин.

Мустақилликка қадар ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар ижтимоий ҳаёт муаммоларини ёритишда ҳам, турли воқеа-ҳодисаларни талқин қилишда ҳам ҳукмрон сиёсий мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш юритганлар. Аммо матбуотнинг энг кўп тарқалган турларидан бири саналмиш адабий-бадиий журналларнинг маънавий-маърифий соҳадаги ўрнини ҳам унутмаслик лозим. Зотан, бундай журналлар аввало миллий-адабий мерос сифатида кадрланмоғи лозим.

Журналлар тарихини ўрганишдан маълум бўлдики, биз ҳурриятни орзу этишдан, миллий истиқлол учун курашишдан чарчамаганмиз. Маслагимизни, наслу насабимизни унутмаганмиз.

Фашизм билан бўлган уруш даврида Ўзбекистонда нашр қилинган тўплам ва альманахлар Ватан тақдири, унинг келажаги тўғрисидаги юксак туйғулар билан йўғрилганлиги, уларда турли миллатлар маънавий бойликларига мурожаат этилганлиги, умуминсоний руҳ кучлилиги билан барча халқлар ўқувчилари учун ҳам бирдек аҳамиятга эга бўлди. Чунки аксарият альманах ва тўпламлар шу халқлар адибларига ўз саҳифаларидан жой берган ва ана шу тилларда чоп қилиниб, байналмилал характер касб этган эди.

Китобда миллий истиқлол даврида чиқа бошлаган журналларнинг компартия яккаҳокимлиги даври журналларидан фарқли жиҳатлари, мустақиллик йиллари журналларида истиқлол мафкураси, миллий маънавият муаммоларининг қай тарзда қўйилганлиги мисоллар билан қиёсланди. Айниқса, “Мулоқот” ва “Тафаккур” журналлари материалларини батафсилроқ таҳлил этдик.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журналлари тарихи фан тарихи, тафаккур ва маърифат тарихи билан ўзаро боғлиқ ҳодиса тарзида баҳоланди. Хуллас, китоб ўқувчига XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср давомида нашр қилинган адабий-бадий журналлар фаолияти ҳақида муайян тасаввур беради ва у Ўзбекистон журналистикаси тарихини янги саҳифалар билан бойитади, деб ўйлаймиз.

І БОБ. ТУРКИСТОН ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА АДАБИЙ-БАДИЙ ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Бугун янги Ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аждодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халкларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.

И.А. Каримов

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида мустамлакага айлантирилган Ўрта Осиёда Россия ҳукмрон доиралари ўз мавкеларини ошириш ниятида Туркистоннинг йирик шаҳарлари - Тошкент, Самарқанд, Фарғонада газета ва журналлар нашр этишга киришдилар.

Россиянинг мустамлакачилик сиёсати, унинг моҳияти ва мақсади, маънавийтимизга таъсири муаммолари тўғрисида кўп гапирилган, ёзилган. Аммо, табиий равишда: “Бу сиёсатда рус зиёлилари қандай ўрин тутганлар ва қандай йўналишни маъқул топганлар?” - деган савол кўндаланг бўлади. Бу саволга ишончли далиллар билан жавоб бериш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, журналлар - вақтли матбуотнинг энг кўп тарқалган турларидан бири сифатида чинакамига халқнинг маънавий йўлдоши бўлишлари мумкин. Халқ фикри, ақл-заковати ўз ифодасини топадиган журналлар ижтимоий ҳаётда маънавий-маърифий, тарихий мерос сифатида катта аҳамиятга молик муҳим манбадир.

Биз қуйида ахборотларни тарқатувчи, дунёда кечаётган турли-туман ижтимоий-сиёсий жараёнлар, реал воқеалар ҳақида хабар, янгилик ва маълумот берувчи оммавий ахборот воситаларидан бири журналлар фаолиятини ўрганувчи фан (илмий адабиётларда шу мазмунда қўлланилган)

журналистика¹ хусусида муҳим маълумотлар билан таништиришни лозим топдик.

Журналистика матбуот турларининг йиғиндисини ҳамда улар орқали оммага етказиладиган материалларни ўз ичига олади. Журналистика жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, инсонлар фаолиятининг барча томонларига доимий ва фаол таъсир кўрсатувчи ғоявий восита. Журналистика термини газета ва журнал пайдо бўлиши билан майдонга келиб, вақтли нашрлар мажмуи тушунчасини англаган XIX аср ўргаларида вақтли матбуотнинг ривожланиши билан мазмун доираси кенгайиб, кўп қиррали журналистик фаолиятни ҳам англата бошлади. Журналистика турли соҳа ва хилларга бўлиниб кетади: ижтимоий-сиёсий журналистика, илмий журналистика, иқтисодий ишлаб чиқариш журналистикаси, адабий-бадиий журналистика.

Журнал - французча journal-газета, (кундалик) деган маънони англатади.

Журнал-босма даврий (вақтли) нашр бўлиб, у газета сингари жамоатчилик фикрини ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Журнал ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда бир марта, йилда 4-6 марта, ҳатто ундан ҳам камроқ чиқади ва ҳажми, шакли, йўналиши билан газетадан фарқ қилади. Журналлар моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, ишлаб чиқариш-техника, фан соҳасига доир (тармоқ журналлари,) илмий оммабоп, илмий ахборот ва рефератив, библиографик, сатира, спорт ва аралаш мазмундаги журналларга бўлинади. Ўзбекистонда йўналишига қараб, болалар ва ўсмирлар учун, хотин-қизлар учун ва бошқа хил журналлар нашр қилинмоқда.

Журнал дастлаб XVI асрнинг 11 ярмида ғарб мамлакатларида пайдо бўлиб, ўша даврда газетадан қатъий ажратилмаган. Айрим мамлакатларда газеталар ҳам журнал деб аталган.

1853 йилда Кёльнда нашр этилган “Месрелационен” (“Messrelationen”), 1665 йилда Парижда чиққан “Журнал

¹ Очерки истории русской советской журналистики I том. (1917-1932); II том (1933-1941); М., “Наука” 1966, 1968.

де Саван” (“Journal des Seevans” - “Олимлар журнали”) моҳият эътибори билан дастлабки журналдир. Кейинчалик журналлар Англия, Германия, Италияда нашр этила бошлади. Полиграфия техникасининг ривожланиши билан расмий журналлар чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Туркистонда журнал типидаги нашрлар XIX асрнинг охирида пайдо бўлди.

Туркистонда биринчи журнал “Средне-Азиатский Вестник” (“Ўрта Осиё хабарчиси”, муҳаррири ва ношири - Г.Т.Смирнов) 1896 йилнинг март ойидан бошлаб нашр этилган бўлиб, 10 сони чиққан. 1896 йилнинг январь-февраль ойлари учун - (қўшма сон) “Средняя Азия” (“Ўрта Осиё” деб номланган альманах чиқарилди. Унда тарих, археология, география, топография, статистика, этнография, савдо ва саноат бўйича илмий мақолалар босилган. XX аср бошларида “Туркестанское сельское хозяйство” (“Туркистон кишлок хўжалиги”, 1906-1918 йй.), “За народ” (“Халқ учун”, 1907 й.), “Туркестанский скорпион” (“Туркистон чаёни”, 1907-1910 йй.), “Средняя Азия” (“Ўрта Осиё”, 1910-1911 йй.), “Туркестанский кара-курт” (“Туркистон қоракурти”, 1911 й.), (“Ойина” (1913-1915 йй.), “Ал-Ислоҳ” (1915-1918 йй), “Ал-Изоҳ” (1917-1918 йй.), журналлари “Степные миражи” (“Дашт сароблари”, 1914 й.) альманахи ва бошқалар нашр қилинган ҳамда улар асосан расмий доиралар ва маҳаллий буржуазия манфаати учун хизмат қилган. Октябрь тўнтаришигача Туркистонда 10 та журнал нашр қилинган. Ҳар бирининг тиражи 200-300 нусхадан ошмаган.

Ўзбек миллий матбуотида журналчиликка асос солган инсон Махмудхўжа Бехбудийдир.

Бехбудий асос солган “Ойина”нинг илк сони 1913 йил 20 августда Самарқандда чоп этилди. Унда Абдурауф Фитрат, Сиддиқий, Ҳожи Муин, Ақобир Шомансур, Муҳаммад Саъид, Саидризо Ализода, Саидахмад Васлий, Тавалло, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Ниёзий Ражабзодалар қатнашган. “Ойина” журнали Туркистон матбуоти тарихига юрт озодлиги ва ободлиги учун курашган нашр сифатида кирди.

Ўзбекистонда адабий-бадий журналистиканинг

тарихи, босиб ўтган йўлини ўрганиш ҳамда XIX аср охири - XX аср бошларида тўпланган ижодий публицистик тажрибаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб назарий жиҳатдан умумлаштириш матбуотшунослигимизнинг зарур масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ишнинг муҳим жиҳати шундаки, ўзбек адабий-бадий журналистикасининг тарихий ривожланиш йўлини тадқиқ қилиш илмий-назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, бу даврда йиғилган тарихий-ижодий тажрибаларнинг умумлашмаси ҳозирги пайтда фаолият кўрсатиб келаётган мавжуд адабий-бадий журнал нашрлари фаолияти учун амалий қўлланма характериға ҳам эгадир. Айниқса ижтимоий ҳаётда кейинги йилларда бўлиб ўтган улкан тарихий ўзгаришлар, партия яккаҳоқимлигининг тугатилиши, республикамизнинг давлат мустақиллигига эришуви ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши, ижтимоий тарихимизни шу жумладан матбуот тарихини ҳам қайтадан кўриб чиқишни, холис ва ҳаққоний илмий баҳо беришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида “Ойина” журналининг материалларини ҳозирги ўқувчиға тақдим этиш каби саъй-ҳаракатлар ҳам бу борадаги салмоқли ишларнинг дебочаси бўлди.¹ Мазкур ишимизда Ўзбекистондаги адабий-бадий журналлар босиб ўтган тарихий йўл XIX аср охири - XX аср бошларида ўлкамизда дастлабки журнал типидagi нашрнинг пайдо бўлиши, мустабид совет тузуми давридаги журналлар ва давлат мустақиллиги шароитида вужудға келган янги журналлар журналистика фани нуктаи назаридан тадқиқ этилади. Бунда биз Ўзбекистондаги адабий-бадий журналларнинг вужудға келиши ва ривожланиш тамойиллари, ғоявий-бадий йўналишлари, анъаналари ва янги омиллар ҳамда бошқа қатор муаммоларни кўриб ўтамиз.

Журналлар матбуотнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, тарих билан чамбарчас боғлиқ. Бу барча матбуот нашрлари қаторида адабий-бадий журналлар учун ҳам тааллуқлидир.

¹“Ойина” (1913-1915) Т. “Академия”, 2002.

Куйидаги мулоҳазалар Туркистонда нашр этилган журналларга тарихий-тадрижий тасниф бериш орқали амалга оширилади.

Барча матбуот органлари сингари ўзбек адабий-бадий журналлари ҳам халқнинг маънавияти, адабиёти ва санъати, миллий қадриятлари тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Зотан, ҳар қандай матбуот органи - хоҳ журнал, хоҳ газета бўлсин, - ўз даври тарихини ёзишга муайян хисса қўшади, халқ тарихининг айрим жиҳатларини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

“Средне-Азиатский Вестник” Ўрта Осиёдаги дастлабки журнал эди. “Туркестанские ведомости” газетаси ушбу журнал хусусида шундай хабарни эълон қилганди: “Смирновга Тошкент шаҳрида цензуранинг... ижозати билан “Средне-Азиатский Вестник” ойлик илмий-адабий журналини ва унинг “Новости дня” номли иловасини Гейер ҳамкорлигида нашр қилишга рухсат этилди”.¹

Редакция олдида мураккаб вазифа турарди: у илмий маълумотлар тўплаш, Туркистоннинг кундалик ҳаёти масалаларига оид далил ва илмий изланишларни умумлаштириш йўли билан ерли аҳолининг ўзига хос ҳаётдан олинган ёрқин, жонли манзаралар воситасида Ўрта Осиё тўғрисида аниқ равшан тасаввур бериши лозим эди.

Бу адабий нашр марказдаги рус матбуотининг ижобий баҳосини олди. “Баъзи соҳаларда Ўрта Осиё чекка ўлкаси, афтидан, Осиёдаги бошқа ўлкаларимизга нисбатан анча тез маданий муваффақиятларга эришмоқда. На Кавказ, на Сибир, на Амур ўлкаси рус тилида ўзининг маҳаллий илмий-адабий журнаliga эга”, - дейилади Рус археологик жамиятининг Шарқ бўлими ахборотида.²

“Средне-Азиатский Вестник” журнаli ҳақида кўп ўтмай империя пойтахти ва вилоятлар матбуотида ҳам, Россия манфаатлари нуктаи назаридан, ижобий фикрлар билдирилди. Чунончи, “Санкт-Петербургские ведомости” газетаси журнал “ёқимли таассурот”³ қолдирмоқда деб, “Русская

¹“Туркестанские ведомости”, 1896, №18.

²“Записки Русского археологического общества” Восточное отделение. Т.Х., 1896, стр. 203 - 205.

³ “Средне-Азиатский Вестник”, 1986, №10, стр. 139.

мысль” эса, “узоқ чекка ўлкаларда жиддий матбуот органи пайдо бўлгани” билан табриклаб, “У мамлакатни ўрганиш учун кўп иш қилиши мумкин”¹ деб ёзди.

Нашр этишга кеч рухсат берилганлиги сабабли журналнинг биринчи сони 1896 йилнинг мартда дунё юзини кўрди. Январь ва февраль ойларида журнал ўрнида, Ўрта Осиё тўғрисидаги мақолалардан иборат илмий-адабий тўплам чиқарилди.

“Ўрта Осиё” деб аталган илмий-адабий тўплам Тошкент шаҳрида Евгений Тимофеевич Смирнов таҳрири остида чиқарилган эди. Журналда билимнинг ҳамма соҳаларига, асосан, Ўрта Осиё тарихи ва археологияси, географияси ва топографияси, статистикаси ва этнографиясига оид илмий мақолалар, шунингдек, маҳаллий обзор, библиография ва эълонлар босиларди. Бирок, журналнинг асосий фазилати шундаки, у маҳаллий мусулмон аҳолисининг турмушини тадқиқ қилди ҳамда тарих ва археологияга оид мақолалар бериб борди. Е.Смирновнинг “Тошкент шаҳри атрофидаги қадимги жойлар”, Г.Андреевнинг “Туркистоннинг археологик жиҳатдан қизиқарли жойлари”, Н.Ликошиннинг “Туркистон таъсис этилгунга қадар археология ҳаваскорлари Туркистон ўлкасида олиб борган археологик кидиришлар тўғрисида очерк”, номаълум муаллифнинг “Рус отряди даштда”, “Хива юришидан эпизод”, В.Бартольднинг “Ўрта Осиёда орийлар маданияти тўғрисида бир неча сўз”, Н.Н.Касяновнинг “1873 йил майда Амударёдаги рус эшаккли флотилияси ва Хива юриши тўғрисидаги бошқа хотиралар” каби мақола ва очерклари шулар жумласидандир. Туркистон ўлкаси ҳаётидан олинган манзаралар беллетристик асарларда гоаят жонли тасвирланади. Журнал ижтимоий масалаларга муносабат борасида “жамоат фойдаси байроғи остида ўз шахсий фароғатини кўзлаб” иш кўраётган кишиларга қарши фикрларни илгари сурибгина қолмай, омилиги ва ғариблигидан азоб чекаётган қашшоқ кишиларга астойдил хайрихоҳлик ҳам билдиради. Мазкур журналнинг асосий мақсадлари ҳам бўлган. У Туркистонни “ўзлаштириш” билан боғлиқ бўлган муам-

¹Ўша жойда.

молар эди. Ўз вақтида В.Бартольд ушбу журнал хусусида куйидагича фикр билдирганди: “Ўзида кўплаб қизиқарли материалларни ёритаётган нашрлар, афсуски, ниҳоятда чекланган нусхада босилмоқда ва Петербургга деярли бутунлай етиб бормаётир”.¹

“Средне-Азиатский Вестник” журналида босилган материаллар Ўрта Осиё маҳаллий халқлари тарихини ўрганиш учун асосий материал бўлмаса-да, Туркистон халқлари турмушини дунёга танитишда муайян аҳамиятга эга эди.

Тарихий манба сифатида ҳам журналнинг ўз ўрни бор. Аммо унга танқидий ёндашиш лозим. Чунки журнал муаллифлари археологик маълумотларни умумлаштирар эканлар, тарихий жараённинг бориши ва моҳиятини рус императорининг ислоҳотларига мос тарзда талқин этдилар. Россия сиёсатини кенг тарғиб-ташвиқ қилдилар.

Журнал саҳифаларида Ўрта Осиё тарихи ва археологиясини ўрганиш соҳасида машҳур шарқшунос В.В.Бартольднинг (1869 - 1930 йй.) хизмати катта. Шарқ тилларини яхши билганлиги унга Ўрта Осиё тарихи бўйичагина эмас, балки мусулмон шарқи тарихи юзасидан ҳам жуда кўплаб асл манбаларни синчиклаб ўрганиш имконини берди. Унинг журналда босилган “Ўрта Осиёдаги орийлар маданияти тўғрисида бир неча сўз” мақоласи ўлка ўтмишини ўрганиш ишига қўшилган ҳиссадир.

“Средне-Азиатский Вестник” атиги бир йил чиқиб турди. Журнал асосан маърифатни тарғиб этиб, Туркистонда руслар томонидан олиб борилаётган маориф соҳасидаги ўзгаришлар хусусида алоҳида эътиборни тортадиган мақолалар эълон қилди. Журнал саҳифаларида “Мусулмонларнинг муқаддас Макка шаҳри”, “Мусулмонларда таълим масалаларининг қўйилиши”, В.Бартольднинг “Бир тарихий масала хусусида”, О.Шкловскийнинг “Ўрта Осиё кўчманчи аёлларининг аҳволи” каби йирик мақолалар ҳам босилди. А.Добромислов “Тошкент шаҳридаги ўқув юртлири” номли мақоласида руслар Тошкентда 1866 йили мактаб очиш ишларини бошлади, дея ахборот беради. Унда 1866

¹ В.В.Бартольд. “Отдельный оттиск из записок вос. отд. имп. русск. археологич. общ.”. Т. IX, стр. 203.

йил 1 июлда қизлар ва ўғил болалар учун биринчи умумий рус мактаби очилганлиги ҳам айтилади. Мақолада Туркистон ўлкасида Чор империясининг ўз таъсирини янада кенгайтириш борасидаги илк қадами ана шундай аксини топган эди.

Туркистонда рус тилида нашр этилган яна бир адабий-илмий журнал “Средняя Азия” эди. Бу ойлик журнал 1910 - 1911 йиллари А.Л.Кирснер таҳрири остида чикди (5-сонидан 8-сонигача муҳаррир ўрнига журналист Е.Ф.Баранов имзо чеккан).

Журналда тарих, география, этнография, мусулмончилик, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, адабиёт, чет эл ва ички ҳаёт шарҳи, библиография ва эълонлар бўлимлари мавжуд бўлиб, 156 саҳифадан иборат эди. “Средняя Азия” саҳифаларида Г.Андреевнинг “Туркистон лавҳалари”, В.Орловнинг “Ўшда сеп”, М.Коцюбинскийнинг “Миноралар аро” мақоласи, А.В.Алматинскаянинг “Афсона” шеъри, А.Сунгуровнинг “Ширин қиз” достони босилган.

В.Орловнинг “Ўшда сеп”, А.Сунгуровнинг “Ширин қиз” ривоят-достонларида халқ афсоналаридан жуда ўринли фойдаланилган.

Сунгуровнинг “Ширин қиз” достони ўзининг ёрқин образлари ва тили, инсонпарварлик ғояси билан ажралиб туради. Шоир афсонани ижодий қайта ишлаб, ақлли, доно малика Ширин образини халқ қандай яратган бўлса, ўшандай меҳр билан акс эттирган. Достондаги Фарход ва Хисрав образлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

“Ширин қиз” достонини рус адабиётида яратилган ўзбекона миллий ҳаётни ўзида ифодалаган яхши асарлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

1910 йил февраль - март ойларида журналнинг навбатдаги сонлари чоп этилиб, материаллари асосан сиёсий ва этнографик характерга эга эди. Ушбу мавзудаги материаллар Н.Остроумов қаламига мансубдир. Унинг мақолаларида Туркистон халқларининг аянчли аҳволи акс эттирилган.

Ив. Марк Омичнинг “Икки ҳаёт” (1910 й, 3-сон) хикоясида эса, озодликдан маҳрум этилган йигит ва ғамгин ёлғиз лайлакнинг озодлик ҳақидаги орзулари баён

қилинади. Ҳикоя сўнггида икки дўстнинг ҳалокати улар қайғуси орқали ифодаланиб, эзгулик тарафдорларининг қанотсиз ҳаёт ҳақида қайғуришлари, чуқур сукут саклай олишлари ва юрак-бағри тош кимсалар қиёфаси ёрқин тасвирлаб берилади.

Юқоридаги асарга ҳамоҳанг тарзда Г.Андреевнинг “Қайнота” ҳикояси ҳам эълон қилинган. Асар Шарқ аёлларининг қисмати тўғрисида бўлиб, унда Жаҳон образи орқали ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан хўрланган аёлнинг ўз қайнотасига нисбатан қаршилиги бадий ифодаланган. Дарҳақиқат, Г.Андреев “Средняя Азия” журналида Ўрта Осиё воқелигига доир долзарб мавзулардаги асарлари билан кўп бор қатнашган.

Е.Баранов “Чокунча” номли йирик бадий асарида подшо амалдорлари томонидан олиб борилган суд жараёнини, уларнинг мақтанчоқ ва тўнқалигини батафсил ёритиб беради. Бу асар журналнинг саккиз сониди, яъни 5-сонидан 12-сонигача босилган. Е.Баранов кишилар орасидаги қарама-қаршилиқ русларнинг ерли халққа “паст табақа” деб қарашларидан келиб чиқаётганлигини исботлашга интилади.

1911 йили ҳам “Средняя Азия” журналининг дастури ва йўналиши аввалги йилдагидек Ўрта Осиё тарихини ёритишга бағишланди. Асосий эътибор мусулмончилик масалалари, тарихий ва этнографик материалларга қаратилди, аммо журналда босилган мақолаларнинг барчасини ҳам беғараз ёзилган дейиш қийин. Масалан, “Средняя Азия” журналида чиққан “Тошкент сартлари ҳақида қўқонликларнинг латибалари” (1911 й, 2-сон), “Тарихий иқирчикирлар” (1910 й, 3-сон), Н.Будзинскийнинг “Тошкент сартларининг халқ шеърлари” (1910 й, 9-сон) каби мақолаларда тубжой халқ шаънига билдирилган ноҳолис фикрлар кўп учрайди. Булар ҳақида фикр билдирган “Туркестанские ведомости” (1911 й, 61-сонига илова) эса, журнал кенг омма орасига тарқалганлиги учун ўқувчини юлатиб қўя қолади.

Айни чоғда “Средняя Азия” журнали ўз саҳифаларидан ўзбек халқининг адабий меросига кенг ўрин берди. В.П.Наливкин, Н.П.Остроумов, Н.П.Васильев, В.В.Бартольд, Н.С.Ликошин каби шарқшунослар халқ орасида

бўлиб, ўзбек мумтоз адабиёти асарларини рус тилига таржима қилиб, журналда тарғиб этдилар. Журналнинг Шарк шеърляти намояндалари асарларига эътиборни қаратиши таҳсинга лойиқ, албатта. Масалан, “Девонаи Машраб”, “Сарт поэзиясининг гуллари” (Хувайдодан), Г.Андреевнинг “Туркистон лавҳалари”, Умар Хайём рубоийлари шулар жумласидандир. Баъзи шеърлар насрий таржима қилинган.

Қуйидаги “Сарт поэзиясининг гуллари” рукни остида босилган Хувайдонинг ғазаллари ва Умар Хайёмнинг рубоийларидан парчаларни ўқиган ҳар бир киши ўзининг маънавий дунёсини поклашга интилади, қалбидаги инсоний туйғуларини кўнгил таскини учун орзу ўйлари, кайфиятларини, ҳаёт мантиқини фалсафий теранлик билан илғаб, ғарб ва шарқ китобхонлари дилини овлаганига ишонч ҳосил қилади.

Хўжаназар Хувайдо ғазаллари

* * *

Ой юзунгни нурига шамъи шабистон ўхшамас,
Кўзларингни шавҳиға Мирриху Чўлпон ўхшамас.

Силкиниб, бир-бир босиб кирсанг гулистонлар аро,
Қоматингни нахлига сарви хиромон ўхшамас.

Гар табассум айласанг гулшандағи гуллар аро,
Лабларингни рангиға гулбарги хандон ўхшамас.

Кокилингни бўйиға шарманда эрур мушки Чин,
Тишларингга гавҳари дарёйи Уммон ўхшамас.

Бул Хувайдоға боқиб бир-бир такаллум айласанг,
Нарму ширин сўзингга тўтии хушхон ўхшамас.

* * *

Сани дардингни айтиб йиғласам жону жаҳон куйгай,
Фигонимдин фигон айлаб замину осмон куйгай.

Агар фарёд қилсам халқ аро дардим бўлур аён,
Агар дам урмасам, найлай, юрак бағрим ниҳон куйгай.

Ичибман захри ғамни шиддатидин кўз ёшим оқти,
Томузсам қатрасин ерга ҳама оби равон куйгай.

Гиребонимни чок айлаб юрусам кў-ба кў йиглаб,
Кўруб ҳолимға раҳм айлаб ҳама яхши-ёмон куйгай.

Кабоби дуди бағримдин Хўтан саҳросига тушса,
Ушалди кадри мушким деб кийик бағрида қон куйгай.

Санамни дардини пинҳон тутиб токай бўлай хомуш,
Демасам ўртонур жоним, десам кому забон куйгай.

Хувайдо дардини, эй дўстлар, сиз тутмангиз осон,
Бир охи субхгоҳимдин заминун осмон куйгай.

* * *

Ошиқ эрмас ул кишиким чашми хунбор ўлмаса,
Кўксида доғи муҳаббат лоларухсор ўлмаса.

Ҳеч ошиқ бемашаққат топган эрмас ганжи ишқ,
Ганж эмас ул ганжнингким остида мор ўлмаса.

Бемаломат ҳеч ошиқ бўлмағай хомуш бўл,
Ғунча хандон бўлмағай гар кўксида хор ўлмаса.

Осмони ишқ уза қўйғунг Масиҳодек қадам,
Меҳри дунёдин кўнгулга заррача бор ўлмаса.

Эй, Хувайдо, ёрға этсанг бўлур аҳволи дил,
Жон уйи хилват бўлуб олдингда ағёр ўлмаса.¹

* * *

Дунёни тарқ қилувчи уғбоға юз урғон киши
Жаннат ила хурни нетар мавло юзин кўрган киши,
Ким беҳабардур мавлодин мағрур эрур дунёйеға,
Дунёнинг мулкин найласин ондин хабар олғон киши.

¹Хувайдо. Танланган шеърлар. Т. 1961, 70,35,12-бетлар.

Фағфури қайсар мулкни бошига урсунму они,
Нетсун Сулаймон тахтини ишқ тахтига минган киши.¹

*(А.Гаврилов таржимаси “Средняя Азия”,
1910, №1, 17-бет.)*

Умар Хайём рубойларидан парчалар

Тур, гўзал, очилсин баҳри-дилимиз,
Жамолинг ҳал қилсин ҳар мушкулимиз.
Тупроғимиз кўза бўлмасдан бурун,
Бир кўза ичайлик, жўйсин кўнглимиз.

*(А.Гаврилов таржимаси “Средняя Азия”,
1910 й, №4, 97,98-бетлар.)*

Хайём, гуноҳим деб мотам нечун, хўш?
Фойдасиз, кўпми-оз бу ғам нечун, хўш?
Гуноҳни кечишга карами бор-ку,
Ҳеч гуноҳ бўлмаса, карам нечун, хўш?

* * *

Май нодонга ҳаром, донога ҳалол,
Ким-ла, қачон ичмак мумкин, билиб ол.
Шул уч масалани ҳал эта олсанг
Демак билимдонсан, сипқор бемалол

* * *

Хўрагимни май-ла тўқис-бут қилинг,
Қаҳрабо юзимни нақ ёқут қилинг.
Жаҳондан кўз юмсам, шаробга ювиб,
Ток зангидан менга бир тобут қилинг².

*(А.Гаврилов таржимаси “Средняя Азия”,
1910 й, №9-10, 164-бет.)*

¹Қаранг: Хўжаназар Хувайдо. “Роҳати дил”, Тошкент, 1994 й. 110-б.

²Қаранг: Умар Хайём. “Рубойлар”. Тошкент, 1981, 24,27,65,116-бетлар.

Ўрта Осиёда илмий изланишлар олиб борган рус зиёдилари халқимизнинг бебаҳо дурдоналари, Ўрта Осиёдаги таълим ва маориф масалалари тўғрисида мақолалар ёздилар. Бу мақолалар маънавиятимизнинг ўзига хос томонлари эътироф этилишига олиб келди. Масалан, журналнинг 1910 йилги сонларида босилган “Туркистонда кутубхона ва музей” (Тарихий очерк), “Тошкент матбуоти”, “Тошкентдаги ўқув юртлири”, “Тошкентда ярмарка (ёймачилик)” (А.Добромислов), “Туркистон ўлкасида халқ таълими тармоқлари” ва бошқа мақолалар шунга хизмат қилди.

“Средняя Азия” журнали фақат маданият, урф-одатлар, тарих, иқтисодиёт, этнография тўғрисидаги мақолаларнинггина босмай, балки Эдвард Холденнинг Турон ўлкасининг буюк давлат арбоби, саркардаси ҳақидаги “Темур Великий” (1910 й, 3 - 4-сонлар) асарини ҳам босиб чиқарди.

Албатта, бундай асарнинг босилиши ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Турон ўлкасига қизиқиш русларда катта хайратланиш туйғусини ҳам уйғотган эди. (Бу ҳақдаги фикримизни “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида “Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар” рукни остида босилган Ғ.Саломов ва Ҳ.Кароматовнинг “Соҳибқирон Темур фожеасининг сарчашмалари” (1990, 2-сон) мақоласи таҳлилида баён этамиз. 127 - 129-бетларга қаранг).

Шу ўринда яна бир фактга диққатни жалб этмоқчи эдик: таниқли муаррих Б.Аҳмедовнинг “Тарихдан сабоқлар” (“Ўқитувчи”, 1994) китобидаги “Олис асрлар садоси” боби академик В.В.Бартольднинг Тошкентда бўлишига бағишланган. 1893 - 1894 йиллари В.В.Бартольд “Туркестанские ведомости” ва “Окраина” газеталари билан яқиндан ҳамкорлик қилади, деб ёзади муаллиф. Бироқ, олимнинг “Средне-Азиатский Вестник” ва “Средняя Азия” журналларида босилиб чиққан асарлари ҳам борки, улар илм-фан муаммоларини кенг ёритишга хизмат қилган эди. В.В.Бартольд рус журналларида ўзбекларнинг маданий ҳаётини акс эттирар экан, тарихий қўлёзма асарлар ҳақида ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Туркистонда “Туркестанский скорпион” (1907 й.), “Туркестанский кара-курт” (1911 й.) сатирик журналлари, ўзбек тилида “Ойна” (1913 - 1915 йй.), “Ал-

Ислоҳ” (1915 й.) журналлари билан бирга “Ал-Изоҳ” (1917 й.) ва “Степные миражи” (1914 й.) номли альманахлар ҳам пайдо бўлди.

Туркистонда рус тилидаги вақтли нашрлар давр тақозосига кўра асосий ўринни эгаллади ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги журналлар чиқарилди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида нишона бериб, XX асрнинг аввалларида ўзининг катта тараққиёт йўлига чиққан жадидчилик ҳаракати Туркистондаги миллий-озодлик ва маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳамма вақт боғланиб кетган эди.

Дарҳақиқат, жадидлар - янгилик тарафдорлари маърифатпарвар, тараққийпарвар зиёлилардан ташкил топиб, феодал-монархия тузумининг қолоқликларига, саводсизлик, жаҳолат, хурофот, бидъатчиликка қарши демократик эркинликларни жорий этиш учун курашувчилар сифатида майдонга чиқдилар. Эскилик деганда улар ғафлатни, жоҳилликни, ўзлигини англамасликни кўзда тутардилар. Ана шу жиҳатлар “Ойина” журналида ўз ифодасини топди.

Жадидчилик ўзидан бирмунча олдинроқ юзага чиққан маърифатчилик замирида ўсиб-унди, кўп жиҳатлардан маърифатчиликнинг анъаналарини давом эттирди. Жадидлар ўз халқларининг тақдири билан боғлиқ ижтимоий масалаларни дадил ўртага ташладилар. Эркинлик ва мустақиллик шиорини кўтардилар. Айниқса, миллий маориф, миллий адабиёт ва миллий маданиятни яратиш, эзилган халқларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, кенг маънода ислоҳотчилик фикрларини майдонга қўйдилар. Мактаблар, театрлар очдилар, миллий матбуот асосларини яратдилар. Европа илмий-техника тараққиётини тарғиб қилдилар. Европа цивилизациясидан ўрганишга чақирдилар.

Жадидчилик ҳаракати ўз тараққиёти давомида бир неча босқичлардан ўтди. Жадидлар болаларни қулай, мақбул усулда ўқитишдан - ҳукумат олдига энг йирик ижтимоий-сиёсий талабларни қўйишгача ўсиб етишдилар. Ўтган замонларда жадидлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятларини ўрганишга ҳукмрон тузумлар тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб келдилар. Эндиликда мустақиллигимиз халқаро майдонда тан олинган бир шароитда жадидчилик тарихий ҳаракатини ўрганиш тамомила янгича босқичга

кирди. Бу хайрли боскич туфайли йирик тадқиқот ишлари майдонга чиқмоқда.¹

Ўша пайтлардаёқ “Туркистон вилоятининг газетаси” (1908 йил, 20 март) ёзганди: “Усули жаҳид надур? “Усули жаҳид” янги усул, демақдир. Янги усул деганда, усули ва эътиқод ва ибратда янгилик демак эмас, балки сўнг замонларда халқни(нг) фақирлиги сабабли бик қизғонч бир ҳолга тушган мактаб ва мадрасаларимизнинг керак идорасини ва керак таълим, тадрис кайфиятларини ислоҳ этмақдан иборатдир”.

Туркистон маърифатпарварларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий юрт, миллат тараққиёти йўлида ўзининг бор кучу ғайратини, илму амалини сарф этган халқимизнинг фидойи фарзандларидандир. У миллатнинг кўзини очмоқ, уни асрий куллик кишанларидан озод қилмоқ йўлида “Ойна” журналинини нашр этган. Журнал Туркистон мусулмонларини дунё аҳли аъмолидан хабардор қилди, тараққиёт ва озодликнинг ёрқин йўлларини кўрсатиб борди. Ўша давр мактаблари орасида янгилик саналиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонган усули жаҳид мактабларининг биринчи назариётчиси ва амалиётчиларидан бўлди.

Бехбудий 1913 йили асос солган “Ойна” журнали Абдулла Авлоний ёзганидек: “Бу журнал “Ойна” чиккунча чикқон журналларнинг энг биринчи ва энг яхшиси эди”².

Оми халқ орасида зиё тарқатмоқнинг яна бир катта ва қулай йўли, бу - кутубхона ташкил қилиш эди. Самарқандда кутубхона ташкил этиш каби хайрли ният туғилганлиги ҳақида “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1908 йилги 22 июль сониди Бехбудий имзоси билан “Об открытии мусульманской библиотеки читальни в Самарканде” - “Мутолаахона” деган мақола босилди.

“Бехбудий бу йўлда ҳам фаол ҳаракат қилиб, жаҳид мактаблари учун ўнга яқин дарсликлар яратди. Аянчли

¹ Қаранг: “Миллий Уйғониш”. Тошкент, “Университет”, 1993 йил; А.Жалолов, Х.Ўзганбоев. “Ўзбек маърифатпарварлик адабиётида вақтли матбуотнинг ўрни”. Тошкент, “Фан”, 1993 йил.

² А.Авлоний. “Ёш ленинчи” 1989 йил 18 июль 3-бет.

ахволдаги Абдулқодир Шакурӣ домланинг мактабини ўз ховлисига кўчириб келтирди. Мактабни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турди. Бехбудий илк бор Самарқандда “Бехбудия” нашриётини тузди, унда бир канча китоблар ва рисоалар чоп эттирди”.¹

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг усули жаҳид мактаби, муслмон кутубхонаси Октябрь тўнтаришидан кейин тўнтарувчилар, босқинчилар томонидан барча маънавий қадриятларимиз, маънавиятимиз бойлигига хизмат қиладиган маърифатпарварлик ҳаракатлари қатори таъқиб ва тазйиққа дучор бўлди, тугатилди.

Туркистонда ХХ аср бошида қудратли жаҳидчилик оқими вужудга келган эди. Шундай миллий ҳаракат вакиллари, Фитрат сўзлари билан айтганда, “ижтимоий ҳасталиқларимизга даво изловчилар “жаҳидлар” (янгилик тарафдорлари) дир. Жаҳидлар (янгилик тарафдорлари): миллатимиз, халқимиз бу даражада тубан қолувларига, шу мартабада ёмон кунларга тушувларина нодонлиғлари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм ва маърифатга ёпишув лозим, ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқтурсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансун”,² деб кураш майдонига чиқдилар.

Жаҳидлар мамлакатдаги қучларни бўғиб ётган империализм зулмига, миллий зулмга қарши уйғондилар, мустақиллик учун курашдилар. Шунинг учун ҳам мустақиллик учун бўлган кураш, асосан, тараққийпарварлик кураши, миллий-озодлик кураши эди.

Жаҳид адабиётининг ёрқин намояндаси Абдурауф Фитрат “Сайҳа”, “Мунозара”, “Раҳбари нажот”, “Баёни сайёҳи ҳинди” асарларида миллатнинг иқтисодий ва маданий ривожини йўлидаги фикрларни тарғиб этаркан, улар моҳиятини тараққиёт орқали мустақилликка, озодликка эришув мумкинлигини тўғрисидаги миллий-ижтимоий ғоялар ташкил этганлигини тушунтирди.

Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ёзади: “Ўртоқларим

¹ “Ойина” 1914, 27-сон, 522-бет. “Ойина” (1913-1915), Т. “Академия” 2002, 16-бет.

² Фитрат А. “Жоҳилона мутаассибга мисол”. “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил, 13-декабрь.

Сиддикий, Айний, Фитрат, Қурбий ва Ақобир махзум ва ўғилларим - Вадуд махзум ва Абдуқодир Шақурий! Сизларга васият қиламан: "...Туркистон болаларини илмсиз қўйманглар! Ҳар иш қилсангиз, жамият қилингизлар! Ҳамамага озодлик йўлини кўрсатинглар..."¹

1914 - 1915 йиллари Чўлпон мустамакка зулмидан халос этадиган, жаҳолат ботқоғидан қутултирадиган имконларни қидирди ва "Нажот йўли маърифатдадир" деган хулосага келди. "Дўхтур Муҳаммадёр" ҳикоясининг қаҳрамони буни шундай ифодалайди:

"Халқ ўз фойдасин англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунларига болаларин юборса, дўхтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис (инженер)лар чиқса - буларнинг ҳар бири ўз вазибаларида туруб, ишларин тартиби ила юрғузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!"²

У Туркистон ҳаётини тўғри йўлга солиб юбориш ҳақида қайғуради. Ана шу ғоялари билан Чўлпон Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло Хўжамёров каби маърифат даргалари сафидан ўрин олди.

Чўлпон фавқулодда истеъдод эгаси эди. Инқилобдан кейин у ижоднинг турли соҳаларида ғоят самарали фаолият кўрсатди ва ўзбек халқининг Миллий Уйғонишига буюк хисса қўшди.

"Ойна" журнали саҳифаларида Ҳамза ва Айний кибларнинг маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилдилар. Жумладан, "Ойна" журнали:

Газет ўқиб, журналлар, йўл излашайлик,
Мактаб очиб авлодга йўл бошлашайлик, -

деб ёзган эди.

Илм ва унинг хосияти зарурлиги ҳақидаги фикрлар "Ал-Ислоҳ" журналида ҳам учрайди:

¹"Инқилоб" журнали, 1922 й, 1-сон.

²Чўлпон. "Дўхтур Муҳаммадёр". "Шарқ юлдузи", 1992 й, 1-сон, 137-бет.

Кўй ондин-мундин хабар, эълон керосин ёзма кўп,
Исми журналу китоб, яхши романлардан гапир.

Х.Х. Ниёзий

1917 йил февраль ойида Россия империясида буржуа-демократик инқилоби содир бўлган кунларда Ҳамзанинг номи билан боғлиқ “Кенгаш” ва “Хуррият” номли журналлар пайдо бўлди. Бироқ маърифатпарварларнинг бу нашрлардаги иштироки қисқа экан. Чунончи, Ҳамза буржуа ҳукуматининг “хуррият” каломиде, сўз, матбуот ва ижод эркинлиги ҳақидаги ғоялари қуруқ гап эканлигини тушуниб етди ва бу ҳукуматни “янгидан бўлган истибод”, деб атади.

Дастлабки ўзбек адабий-бадиий журналларида кўплаб ёзувчилар - Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ғози Юнус, Тавалло... иштирок этдилар.

“Янги дунё”нинг “эски дунё” билан тўқнашуви бу журналлар саҳифаларида акс этар, иккиланишлар ҳам кўзга ташланиб турарди.

Хуллас, Октябрь тўнтаришигача Туркистон тубжой аҳолиси орасидан чиққан тараққийпарвар ёшлар гарчи ягона бир сиёсий маслакка эга бўлмасалар-да, келгусида ислохотлар рўй беришига ишонар, шундан умидвор эдилар. Шу боисдан ҳам улар халқнинг кўзини очиб, турли илмий-маданий, маънавий-маърифий йўллар билан келажак учун замин ҳозирлашарди. Бу борада, айниқса, вақтли матбуот, хусусан, илғор ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар муҳим ўринга эга эди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА ПАЙДО БЎЛГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ ЖУРНАЛЛАР

*Бизларнинг эндиги вазифамиз - маънавий
хаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини,
изланишларимизни эски мафкура қолип-
ларидан халос этиш, тафаккуримизни
мутелик исканжасидан фориғ қилишдан
иборат бўлмоғи зарур.*

И.А.Каримов.

Октябрь тўнтаришидан сўнг маънавиятимизнинг барча томонларини марксизм-ленинизм деган ғоя худди зарпечакдек чирмаб олиб, 74 йил ҳукмронлик қилди. Шу боис биз учун “Маънавият, - Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, - шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк ахамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги хам бўлмайди”¹.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993 й, 78-бет.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маданий меросимизни йўқотиш ва ўтмишимиздан маҳрум этишга киришилган машғум 20 - 30 йиллар, айниқса дин ва диндорларга бўлган ҳужумлар, мўмин-мусулмонларнинг ишонч-эътиқодларини топташ ҳоллари ўта аянчли тарзда кечди. Унинг илдизлари эса “Худосизлар” номли атеистик журналнинг динга бўлган муносабатида янада яққолроқ кўзга ташланди. Қолаверса, Сталин тоталитар-мустабид тузуми асорати туфайли кўплаб истеъдодли ижодкорлар таъқиб ва тазйиққа учради.

Мустақиллик даврида истиқлолимиз йўлида азиз жонларини фидо этган ўнлаб-юзлаб сиймолар тўғрисида ҳикоя қилувчи “Кафансиз кўмилганлар” (Шукрулло), “Қатлнома” (Набижон Боқий), “Отам ҳақида” (Х. Қодирий) каби асарлар яратилди. Ҳужжатлар асосида яратилган бу китоблар ўқувчини ларзага солади.

Айни чоғда маҳаллий зиёлилар ҳам 20-йилларнинг бошларига келиб тарбиявий, ташкилий, мафкура ишларини йўлга қўйишга киришдилар. Бу соҳада матбуотнинг аҳамияти катта эди. 1928 йили Ўзбекистонда умумий тиражи 92 минг нусха бўлган 24 номда журнал чиқарилар эди, шундан 19 таси ўзбек тилида нашр этиларди.²

1917 йил Октябрдан сўнг юртимиз маданий ҳаётида саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлиги, янги алифбога ўтиш, янги кишини тарбиялаш деб аталган масалалар билан боғлиқ махсус нашр этилган журналлар фаолияти совет мустамакчилигини ўрнатиш, ягона партия ҳукмронлигини омма онгига сингдириш билан узвий равишда боғлиқдир. Чунки бу масалаларнинг барчасини амалга оширишда ўлкамизда чиқаётган журналлар айнан марказий журналларнинг йўлидан борди. Зотан, бундан ўзга чора ҳам йўқ эди. Айниқса, бу ўринда “Худосизлар” журнали марказий “Атеист” ва “Антирелигиозник” нашрлари каби иш қўрди. (Китобимизнинг махсус бўлимида бу хусусда алоҳида тўхталамиз.)

Жадидларнинг матбуот органлари “Ал-Ислоҳ” ва “Ал-

¹ Кориниёзов Т.Н. “Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар”. Тошкент, “Фан”, 1956 й, 306-бет.

Изоҳ” 1918 йилнинг баҳорида барҳам топди. 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг ўзбек адабий-бадиий журналистикасини вужудга келтириш, Туркистондаги барча ижодий кучларни ўз атрофига тўплаш учун матбуот органи керак эди. “Инкилоб”, “Янги йўл”, “Ер юзи”, “Аланга”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Билим ўчоғи” каби адабий-бадиий журналлар шу тарзда юзага келди. Бу журналлар ўзбек миллий адабиёти ривожига, маънавиятимизга хизмат қилиш имконини яратди.

Шу ўринда ушбу илмий тадқиқотимизнинг ибтидоси хусусида қисқача тўхталиб ўтишни хоҳлардик. Биз илгарирок нисбатан кам ўрганилган, аммо жуда қизиқарли ва маънавий-маърифий муаммо саналмиш - Октябрь тўнтаришидан олдинги ва кейинги ўзбек журналистикаси таҳлилига бағишланган илмий монография ва мақолалар¹ ҳам эълон қилгандик. Унда 20-30-йиллар ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлари мисолида ўзбек миллий журналистикаси ривожига матбуотнинг ролини, турли типлардаги журналларнинг шаклланишини, уларни кенг жамият қатламига таъсир этишдаги амалий фаолиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган эди. Мазкур изланишимизда “Тонг”, “Маориф”, “Ишчилар дунёси”, “Ер юзи”, “Аланга”, “Янги йўл”, “Маориф ва ўқитувчи” “СААПП”, “Курилиш”, “Литература народов Средней Азии” каби журналларга кенг ўрин берилмаганлигининг сабаби шундаки, илмий изланишларимиз билан мутахассис журналистлар яхши танишлар.

Бу тадқиқот натижалари фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Москва (тарих фанлари докторлари И.В.Кузнецов² ва А.Л.Мишурис³) ва Ўзбекистон

¹Каранг: Н.Абдуазизова. Узбекская журналистика и культурное строительство в преобразованиях республике (на примере журнальной периодики Узбекистана). Вестник МГУ. Серия журналистика 1970, №5. и др.

²Каранг: И.В.Кузнецов. Для историков, теоретиков и практиков печати. “Корреспондент”, 1978, № II, 43-44-бетлар. ⁴ Каранг: А.Л.Мишурис. Октябрь и журналистика. “Корреспондент”, 1977, № II, 6-7-8-бетлар.

³ Каранг: А.Л.Мишурис. Октябрь и журналистика. “Корреспондент”, 1977, № II, 6-7-8-бетлар.

олимлари (тарих фанлари доктори, профессор К.Норматов¹, тарих фанлари доктори, профессор Х.Содиқов² ва бошқалар)нинг монографияга билдирган ижобий тақризлари бундан далолат беради.

Журналларда Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев каби кўзга кўринган давлат арбобларининг мақолалари бериб борилди. Таҳрир хайъати аъзолари ва фаол мухбирлар эса Шокир Сулаймонов, Собира Холдорова, Абдулла Авлоний, Эминжон Аббос, Жавод Ҳошимий, Хосият Тиллахонова, Манзура Собирова (Ойдин), Музайяна Алавия, Ҳамида Тожиева, Марям Сарқулова, Тожихон Шодиева, Фотима Ниёзова ва бошқалардан иборат эди.

“Инқилоб” - Туркистон коммунистик фирқасининг марказий комитети томонидан ойда икки марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий ва адабий ўзбекча журнал бўлиб, 1922 - 1924 йиллар мобайнида Тошкентда нашр этилди. Журналга “Инқилоб” номи ҳам тасодифан берилган эмас, ҳақиқий инқилоб, яъни тўнтариш маъносида англамоқ зарур.

Журнал жуда мураккаб бир шароитда, қизил империянинг буюк давлат шовинизми бош кўтарган, маданият жабҳамизда мафкуравий кураш авж олган, зиёлилар орасида ғоявий кураш кескинлашган бир даврда дунёга келган эди. У 2000 - 3000 нусха атрофида чоп қилинарди. Даставвал ойда икки марта чиқаришга мўлжалланган нашр матбаачилик ишлари қийин аҳволдалиги, ўша даврда матбуот кечираётган оғир шароит туфайли ойда бир мартадан чиқариладиган бўлди. Баъзан эса унинг сонлари оралиғидаги вақт икки-уч ойга ҳам чўзилиб кетарди.

Журнал ишини йўлга қўйиш ва унга муҳаррирлик вазифаси марказий комитет саркотиби Назир Тўракуловга топширилди. Таҳририят ишига тажрибали матбаачи ва журналистлар, ёш қаламкашлар жалб этилди. “Инқилоб”нинг дастлабки таҳрир хайъати таркиби Ҳоди Файзий, Шариф Бойчура, Бўлат Солиевдан иборат эди. Журнал материалла-

¹ Қаранг: Журналистика тарихидан монография. “Ўзбекистон маданияти”, 1978 йил 14-март.

² Қаранг: Х.Содиқов. Тарих саҳифалари. Дастлабки ойномалар. “Тошкент окшоми”, 1991 йил 3-май.

рини тил жиҳатидан таҳрир қилиш учун қотиб ёрдамчиси сифатида ёш ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий тақлиф этилади.¹

Биринчи сон нашри муносабати билан таҳририят ўз ўқувчиларини журнал ишида фаол қатнашишга чақириб, шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Шарқнинг инқилоби жаҳондан насибадор бўлмагини тилаб хоҳ адабиёт, хоҳ ижтимоиёт ва хоҳ сиёсий водийларида қалам тебратадиган қанча миқдордаги маслақдош бўлса, ҳаммалари бу олий ишга жалб этиладилар”.²

Таҳририят “барча маслақдош йўлдошлардан маълумот ва матлаблари билан ёрдамда бўлмоқларини ўтиниб, журналнинг мунташир ва маъруф мажалла бўлиб кетмагига” кўмак бермоқларини сўрайди.³

Нашр атрофига аста-секин Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг кўзга кўринган зиёлилари тўплана борди. “Бухородан Садриддин Айний, шоир Фитрат ва бошқалар эндигина ташкил этилган журнал редакциясига келиб туришарди, - деб эслайди “Инқилоб”нинг дастлабки сонларини чиқаришда иштирок этган татар журналисти Шариф Бойчура. - Бир пайт Файзулла Хўжаевнинг ҳам редакцияга келиб кетганлиги эсимда. Шунингдек, Тошкентнинг ўзида яшовчи зиёлилар ҳамда Фарғонадан, Самарқанддан ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардан қайси бири оврупоча кийинган, қайси бири эса миллий чопон кийиб, бошига салла ўраган ҳолда редакцияга келиб туришар эди”.

“Инқилоб” таҳририяти ўзбек зиёлиларининг энг яхши намояндаларини ҳамкорликка жалб қилган эди. Булар орасида ўзбек адабиёти ва журналистикаси тараққиётига баракали ҳисса қўшган А.Қодирий, С.Айний, А.Авлоний каби бадиий сўз усталари бор. Журналнинг мунтазам фаоллари бир қанча ёш ёзувчи ва шоирлар, журналист ва тадқиқотчилардан иборат эди.

“Инқилоб” саҳифаларида Назир Тўрақулов (“Дарвиш”, “Обнамак”, “Намақоб”), Георгий Сафаров, Абдулла Мус-

¹ Бойчура Ш. “Назир Тўрақулов ҳақидаги хотираларим”. “Шарқ юлдузи”, 1968 й, 11-сон.

² “Инқилоб”, 1922 й, 1-сон, 1-бет.

³ Ўша жойда.

тафоев (Беги), Исмоил Беришев, Бўлат Солиев, Абдурахмон Саъдий, Аъзам Аюбов, Вали Алломов, Ҳожи Муин, Боту, Олтой, Шокир Сулаймоновнинг мақола, тақриз, шеър ва ҳикоялари эълон қилиниб турарди.

“Инқилоб” ўзининг мундарижа-мавзулари бойлиги, босилган материалларнинг савияси жиҳатидан ҳам ўша давр журналлари ичида биринчи ўринда турарди, десак хато бўлмайди. “Сиёсат”, “Иқтисод”, “Адабиёт”, “Таълим ва тарбия”, “Миллат ва миллият”, “Туркистонда даври интибоҳ”, “Ислом дунёсида”, “Ижмоли сиёсий”, “Хабарлар” каби ўндан зиёд бўлимларда Туркистон сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир турли илмий, сиёсий, танқидий мақолалар бериб бориларди. “Фирка ҳаётидан”, “Истибдод даврида”, “Таржимаи ҳол”, “Матбуот”, “Тил масаласи”, “Осори бадиия”, “Театр ва санъат”, “Кулгуликлар”, “Ҳифзи сихат” кабилар эса журналнинг мунтазам рукнларидан ҳисобланарди.

“Инқилоб” сонларини варақлаганингиз сари, мунозара ва баҳсларга сабаб бўлувчи турли илмий-тадқиқотлар, нодир илмий-бадиий асарлар, тарихий обидалар ҳақидаги қизиқарли мақолаларга дуч келасиз. Абдурахмон Саъдий, Неъмат Ҳаким, Поливановларнинг ўзбек тилининг келиб чиқиши ва грамматикаси ҳақидаги илмий мунозаралари, Фахриддин Рожий ва Бўлат Солиевнинг тарихий ёдгорликлар ҳамда тарихий асарлар тўғрисидаги мақолалари шулар жумласидандир.

Журнал ўз саҳифаларида сиёсий, илмий мақолалар бериш билангина чекланиб қолмади. Биз унда публицистиканинг фельетон, очерк, ҳажвия, хабар каби турли жанрларига дуч келамиз. Роман, қисса, драма, дoston, ҳикоя ва шеър каби хилма-хил адабий жанрларнинг мавжудлиги эса адабиёт бўлимининг мавқеини кўтариб турибди.

“Инқилоб” айниқса хабар жанрига катта эътибор билан қарарди. Улар асосан “Ижмоли сиёсий” ва кейинчалик “Хабарлар” бўлимида бериб борилди. Бу хабарларда жаҳоннинг энг муҳим сиёсий воқеалари, Туркистонда ва Россиянинг бошқа бурчакларида содир бўлиб турган янгиликлар ҳақида ёзиларди. Бу бўлимда босилган хабарларнинг деярли ҳаммаси моҳир публицист Вали Алломов қаламига мансуб-

дир. Журналнинг “Ислом дунёсида”, “Ижмоли сиёсий” бўлимларида босилган материаллар Шарқ мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатлари ва кўзғолонларнинг ўзига хос йилномасига айланиб қолган дейиш мумкин.

“Журналимиз Оврупа ва Осиё қитъаларида воқе бўлиб турган инқилобий ҳаракатларни тасвир этиб, Шарқнинг ҳол ва истиқболи масалаларини умуминқилобия усули билан таҳлил ва таъмин этмақдир”, дейилади “Инқилоб” да.

Журналда ўтмиш адабий меросининг энг яхши намуналари бериб борилди. Ўша пайтларда бош кўтарган пролеткультчилар ва вулгар социологларнинг ўтмиш меросидан бутунлай воз кечиш керак, деган фикрларига қарама-қарши ўлароқ, нашр саҳифаларида ўтмишдаги файласуфлар, мумтоз адабиёт вакиллариининг илғор фикрлари тарғиб қилинди.

“Инқилоб” хотин-қизларни маърифатга чорловчи “Хотин-қизлар, ўқингиз: инсониятнинг энг ёвуз душмани жаҳолатдур!” - деган даъватларни майдонга ташлади.

Таҳририят миллий сиёсат тарғиботига айниқса, катта эътибор билан қаради. “Мустамлакачилик руҳи, мустамлакачилик табиати, ахлоқ ва одати бирдан йўқ бўлмас, - деб ёзади Назир Тўрақулов “Туркистон коммунистик партиясининг 6-конференцияси ва унинг берган натижалари” мақоласида, - балки батадриж, шул маҳкум бўлиб келган миллатлар ўзларининг маданий, сиёсий-ижтимоий ўсиши ва тараккий этиши билан озайиб, йўқолар”.¹ Бу мақола Туркистон меҳнаткаш халқининг маданий ҳаётини юксалтириш, унинг ижтимоий онгини ўстириш ишига диққат қилмоққа ундади.

С.Исфандиёровнинг “Янги иқтисодий сиёсат даврида миллий масала” номли мақоласида ўша давр миллий сиёсати ва унинг тугган бош йўли ҳақида гапирилиб, НЭП даврида туғиладиган энг катта қийинчиликлардан бири сифатида “миллат масаласи” кўрсатилади. Муаллиф буюк давлат шовинизми ва маҳаллий миллатчиликни қоралайди, уларга қарши муросасиз кураш олиб боришга чақиради.

Журналнинг 1922 йилги 7-8-сонларида босилган “Мил-

¹ “Инқилоб”, 1922 й, 3-сон, 5-бет.

лият масаласи” сарлавҳали мақоласида С.Исфандиёров миллат масаласига янада кенгрок тўхталади. “Буржуазиянинг миллият низосидан ҳеч вақтда чиқа олмасликларини ҳам кўрамиз”, - деб ёзади у. Мақолада миллат масаласида тугилган йўл даврларга бўлиниб, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади.

Муаллиф “диний масалаларда маълум эркинликлар”га ҳам йўл қўйганлигини кўрсатиб ўтган: “Аммо шундай йўл қўйишлар шул даража бўлиши лозимки, улар шўролар ҳукуматининг маҳкамланишига ёрдам қилсунлар”¹. У миллий сиёсатни фахр билан “мазлум миллатлар учун янги гап, янги яқинлик, йўл кўрғазадурган юлдуз”дир деб атайди.

“Миллий мухожиримиз Мустафо Чўқаев “Шўролар Туркистониди” сарлавҳали мақоласи билан бизнинг ҳозирги ҳаёт ижтимоийимиз ҳақида баёни фикр қиладир. Валинеъматлари бўлган Фарангистон ҳукуматига донус қилмоқ учун “Қизил байроқ” газетаси ва “Инқилоб” журналининг бир неча номерларидан ҳужжатлар излайди”. Бу мисоллардан ушбу нашрнинг Туркистон сиёсий-ижтимоий ҳаётида тутган мавқеи, яққол кўриниб турибди.

“Инқилоб” ўз даврида Туркистонда нашр этилиб турган бошқа журналлар ўртасида марксистик мавқедаги орган бўлгани учун ҳам катта эътибор қозонди. Туркистон компартиясининг марказий органлари - “Қизил байроқ”, кейинчалик “Туркистон” ва “Туркестанская правда” газеталари “Инқилоб” фаолиятига юкори баҳо бериб, Туркистондаги “ягона журнал”, дея таърифлашган эди. Албатта, бундай фикрлар давр нуқтаи назаридан билдирилганини эътиборга олиш даркор. Чунончи, “Инқилоб” журнали ўзининг атрофли ва тўлиқ мундарижалари, соф тили, адабиётга берган аҳамияти билан таҳсинга лойиқ бўлган бир мажмуадир”², - деб ёзган эди “Туркистон” газетаси.

Журнал ўз даврининг энг муҳим сиёсий, иқтисодий ва миллий масалаларини ёритар экан, ҳамиша ўз большевистик дастурига содиқ қолди.

¹ “Инқилоб”, 1922 й, 7- 8-сонлар.

² “Туркистон”, 1922 й, 29 сентябрь.

“Инқилоб”нинг 1922 йилги 3–4–сонларида Садриддин Айний “Бухоро жаллодларининг ўзаро мусохабалари” повестини эълон қилди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан парчалар илк бор шу журналнинг 9 - 10, 13 - 14–сонларида чоп этилди. Мазкур асарларнинг босилиши ўзбек адабиёти ва матбуотида миллий рухни кучайтирди. Умуминсонийлик рухи ўзбек адабий журналлари, хусусан “Инқилоб” саҳифаларидан кенг ўрин олди. Журнал қардош халқларнинг мумтоз адабиёт намуналари билан ўқувчиларни муттасил равишда таништириб борди. Унинг бундай фазилатлари ҳозирда чиқиб турган нашрлар учун ҳам хос хусусиятдир.

“Инқилоб”да Абайнинг “Оқин”, А.Тўқайнинг “Жайчи тонг”¹ асарлари, Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ шеърлари, Рабиндранат Тхакурнинг “Чироклар”² шеъри (Ўлпон таржимаси) ўша йиллари босилгани алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Журнал идораси: “Ўзбекчага яқин қардош козок, қирғиз, татар каби адабиётлардан намуна тарикасида баъзилар босилиб турар”³ - дея мурожаат қилган эди ўз ўқувчиларига. Бу эзгу юмуш - қардош халқлар адабиётларини тарғиб этиш, уларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилди.

“Инқилоб”да шоир Элбекнинг “Эрк куши”, Шокир Сулаймоннинг “Инқилоб”, Сайдалихўжанинг “Булоқ” шеъри ва лавҳалари босилган. Бу 20 - 30-йиллар журналлари учун типик ҳодиса саналарди.

“Инқилоб” янги кадрларни тайёрлади, уларни ҳукмрон мафкура ғояси билан қуроллантирди, оқибатда социализм утопиясига ишонишга кўмаклашди.

Ўз даври учун энг салмоқли нашр ҳисобланган “Инқилоб” ўз номи билан ҳақиқий тўнтариш руҳини талқин қилувчи журналларнинг тўнғичи бўлди. “Инқилоб” типигадаги “Билим ўчоғи”, “Маориф ва ўқитғувчи” журналлари бой материаллар билан чиқиб турди. Бу эса миллий зиёлиларни етиштиришга катта ёрдам берди. Биргина мисол.

¹ “Инқилоб”, 1922 й, 6-сон.

² “Инқилоб”, 1924 й, 13 - 14-сонлар.

³ “Инқилоб” , 1922 й, 6-сон.

Абдулла Қодирийнинг “Инқилоб”да ишлаши, ижтимоий ҳаётнинг энг қайноқ жойларида бўлиши, айна пайтда “Муштум”¹ тахририятида ходим ҳамда муҳаррир бўлиб хизмат қилиши, улардаги фаол иштироки унинг қаламини ўткир, тилини бурро қилди, фикр доирасини кенгайтди. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоблик билан муносабат билдиришга ўргатди. Ёзувчи воқеликнинг энг кичик ҳодисаларидан энг катта масалаларигача дадил, жанговар бир тарзда муносабат билдирди.

Абдулла Қодирийнинг журналистик фаолияти у катта жанрларда ижод қилишга ўтишида муҳим бир босқич бўлди, ҳаёт ҳодисаларини катта, жуда кенг кўламда бадиий ифода этиши, бинобарин, адабиётнинг катта йўлига чиқиб олиши ва улкан санъаткор бўлиб шаклланишига замин яратди.

“Ер юзи” ва “Янги йўл” каби адабий журналлар олдида халқ оммасининг дидини ўстириш, онгини ошириш, уни янги даврнинг янги-янги вазифалари руҳида тарбиялаш, хотин-қизлар озодлиги, маданий инқилоб каби масалаларни ёритишдек вазифалар турарди. Улар бу вазифаларни адо этишга киришдилар. Бироқ “Ер юзи” журнали ҳам Октябрь тўнтариши, коммунистик мафкура, унинг “даҳо”лари ғояларини халқимиз онгига сингдиришга “енг шимариб” киришганини айтиб ўтиш лозим. Бинобарин, 20-30-йиллардаги журналлар ана шундай материалларга мўллиги билан характерланади.

“Янги йўл” журнали эса ўз саҳифаларини ёш ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари билан безаб, мамлакатдаги ўзгаришларни турли мавзулар орқали тасвирлаганлиги, хотин-қизлар фаоллигини ошириш жараёнларини бадиий акс эттиришда кўп ташаббуслар кўрсатганини таъкидлаш даркор.

Кўпдан-кўп манбаларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда турли йилларда 1926 йили 26 та, 1933 йили эса 54 тагача журнал ва

¹ “Муштум”, “Янги йўл” ва бошқа яна айрим журналларнинг ўз тадқиқотчилари мавжудлигини ҳисобга олиб, биз мавзуимиз доирасида фикр юритдик ҳамда тилга олинмаган ва эътибордан четда қолган жиҳатларнигина ёритишга ҳаракат қилдик.

журнал типигаги даврий нашрлар чоп этилиб, 1937 йилга келиб, уларнинг сони 57 тага етган.

Шу ўринда рус тилида нашр этилган журналлар тўғрисида ҳам қисман тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган “Отклики” (1922 г.), бадий фикр ва театр журнали - “Искусство и жизнь”, Туркистон республикаси Халқ маорифи комиссарлигининг “Наука и просвещение” (1922 г.) ойномаси, “Туркестанская правда” газетасининг икки ҳафтада бир марта чиқадиган адабий-бадий “Костры” иловаси, “Правда Востока” газетасининг ҳафтада бир бор чиқадиган “Семь дней” иловаси (1926 г.), ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг органи, икки ҳафтада бир марта чиқадиган “Партработник” журнали, “Узбекистан на стройке” расмий ойномаси (1932 г.) ва бошқа нашрлар шулар жумласидандир. Улар миллий адабиётнинг ривожланишига ва ижодий кучларни бирлаштиришга муайян даражада туртки берганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

* * *

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистонда даврий матбуотнинг журнал типига, аввало, рус тилидаги хусусий нашрлар - “Средне-Азиатский Вестник” (1896-1897 гг.), “Средняя Азия” (1910-1911 гг.), “Туркестанский кара-курт” (1913 г.) кабиларнинг чиқиши билан асос солина бошлаган эди. Бу нашрлар умумий хусусиятлари билан ажралиб турарди. Бир йилдан ортиқ умр кўра олмаган мазкур нашрларнинг фаолияти, энг аввало, малакали ходимлар танқислиги, ўқувчиларда журналларга бўлган қизиқиш камлиги, молиявий жиҳатдан етишмовчилик сабабли тўхтарди. Бироқ кейинги йилларда рус сиёсий журналлари - “Заря” (1901 йил Штутгарт), “Мысль” (1910 йил Москва), “Просвещение” (1911 йил Санкт-Петербург) кабилар ўлкага келтириб махфий равишда тарқатиладиган бўлди ва бу соҳага муносабат ўзгарди.

Туркистонда илк дафъа миллий журнал нашр этишга жадидлар киришган эди. “Ойна” (1913 - 1915 йй.) аввал айтганимиздек, ўзбек тилида чиққан биринчи миллий жур-

нал бўлиб, унга Маҳмудхўжа Бехбудий асос солди. Бу нашрга ўз даврида Чўлпон “Туркистонда матбуот”, Абдулла Авлоний “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақолаларида юкори баҳо берган, Зиё Саид “Ўзбек матбуоти тарихига материаллар (1870 - 1927 йй.)” китобида тўхталиб ўтган эди. “Ойна” ўзбек миллий журналистикаси тарихида маданиятимиз, маърифатимиз, тилимиз, ижтимоий-маънавий тафаккуримиз ойинаси бўлиб қолажак.

Бу бобда тадқиқ этилган давр икки асосий хусусияти билан ажралиб туради. Бир томондан, дастлабки журналлар ташкил топиши ва турли йўналишда бўлиши ўлкамизга маърифат тарқатишнинг янги бир шакли кириб келганини англатса; иккинчи томондан, бу нашрлар маҳаллий аҳоли онгига ёт бўлган турли ғояларни сингдириш бўйича кучли таъсир этиш воситаси сифатида хизмат қилганини ҳам кўрсатади.

Ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар ижтимоий ҳаёт муаммоларини ёритиш, турли далилларни талқин қилиш, воқеа-ҳодисаларни ёритиш - бари-барини ҳам фақат ҳукмрон сиёсий мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал этган. Аммо матбуотнинг энг кўп тарқалган турларидан бири саналмиш журналлар маънавий-маърифий фаолият билан узвий боғлиқ бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Зотан, Ўзбекистонда чиққан ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар, аввало, миллий мерос сифатида қадрланмоғи, ўрганилмоғи лозим. Туркистонда ХХ аср аввали ўзбек журналистикаси тарихида жадидлар фаолияти билан алоқадор журналларни ўрганиш, уларнинг илмий тарихини тадқиқ этиш, умуман, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимиз тарихини яратишда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Октябрь тўнгаришидан сўнг чоп этилган янги журналлар - “Инқилоб”, “Аланга”, “Ер юзи”, “Янги йўл”, “Маориф ва ўқитғувчи”, “Отклики”, “Искусство и жизнь”, “Наука и просвещение”, “Костры”, “Семь дней”, “Ўзбекистан на стройке” каби ўзбек ва рус тилидаги ўнлаб нашрлар дунёга келди. Уларнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётнинг муайян муаммоларини атрофлича ёритишга хизмат қилган. Масалан, “Аланга” янги лотин алифбосини жорий этиш мақсадида саводсизликни тугатиш, “Янги йўл” -

“Хужум” кампаниясини авж олдириш, “Маориф ва ўқит-гувчи” маданиятимиздаги янгиликлар, “Инқилоб” тўнтариш натижаларини кўрсатиш, “Худосизлар” - динга муносабатини ифодалаш масалалари билан изчил машғул бўлган эди.

Октябрдан сўнги журналларнинг тўнғич вакили “Инқилоб” ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоблик билан муносабат билдирди. Октябрь ғоялари билан қуролланган бу нашр халқни социализм утопиясига ишонтиришга хизмат қилди...

Бу даврда журналларнинг асосан совет, партия, армия, ёшлар, деҳқонлар, касаба уюшмалари, кооператив ҳаёти каби масалаларни ёритувчи ва бошқа турлари нашр этилди.

Миллий журналистиканинг табақаланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки у аҳолининг барча қатламларини камраб олишни назарда тутарди.

Аёнки, замонавий ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадий журналларнинг тарихий йўли турлича ва мураккабдир. Чунки бу нашрлар ҳаётнинг ҳар хил муаммоларини ёритади, уларни ҳам фалсафий, ҳам сиёсий, ҳам иктисодий нуқтаи назардан талқин этади.

Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, 20 - 30-йиллар адабий-бадий журналистикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўзбек адабиёти назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғлиқлиги эди.

Умуман олганда, 20 - 30-йиллари Ўзбекистондаги адабий кучларни ривожлантириш, адабиёт ва санъатни кенг тарғиб қилиш йўли билан аҳолининг умумий маданий савиясини ошириш масаласи ўзбек ва рус тилларида чоп этилувчи ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадий журналларни ташкил этиш заруратини кун тартибига қўйди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўша давр журналларининг фаолияти ўзбек бадий адабиётини, маданиятини бойитди.

20 - 30-йиллар журналларининг ютуқларидан яна бири - ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда фольклор намуналарини тарғиб қилганлигидир. Зотан, миллий адабиёт ўз миллий адабий меросини ўрганмай, унинг энг яхши анъаналарини ривожлантирмай тараққий этиши мумкин эмас эди...

Дарҳақиқат, бу масалаларни ўрганиш, билиш, таҳлилу

тадқиқ этиш халқимиз мустақилликка эришган ҳозирги шароитда янада муҳим аҳамиятга моликдир. Зотан, “наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз хурриятни орзу этишдан, хуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик”.¹

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ АДАБИЙ-БАДИИЙ ДАВРИЙ НАШРЛАР

Вақт ўтгани сари даҳшатли уруш, оламшумул ғалаба ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга қизиқиш тобора ортиб бораверди. Уруш даври воқеалари юзлаб, минглаб адабиёт ва санъат асарларида бадиий-публицистик ифодасини топди, бироқ бу ҳақдаги улкан ҳақиқатни ифодалаш ҳали поёнига етгани йўқ. Бу мангу мавзу ҳали кўп йиллар илмий, фалсафий ва бадиий тафаккур учун битмас-туганмас озик беради.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ ўзбек адибларининг куйидаги мазмундаги мактуби эълон қилиндики, бу бежиз эмасди:

Фашизм жаҳон маданиятига ажал олиб келмоқда. Одамлик кифофасини йўқотган ёвузлар башарият тафаккурининг буюк обидаларини гулханда ёққани ёдимизда ҳануз фашизм чинакам эзгу санъатга ҳамроҳ бўла олмаслигини улар йиртқич ҳайвонларга хос сезги билан пайқаганлари учун ҳам шундай қилишди. Биз, Ўзбекистон ёзувчилари, мана шу даҳшатли уруш кунларида бутун халқимиз билан бир жон, бир тан бўлиб, ғалаба учун курашамиз, найза билан қалам бизнинг қуролимиз бўлади, дедилар адибларимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлисида сўзлаган бир нутқида шундай деганди:

¹ Каримов И.А. “Ижобий ишларимизни охирига етказайлик”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1994, 19-бет.

“Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари - Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих - бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса кўшганини ҳар доим катта фахр ва гурур билан айтамиз, намоён қиламиз”.¹

Чунки Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433230 киши сафарбар этилган эди. 1941 йили Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши бўлганини эсласак, республика халқи бошига тушган бу синов нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетганининг гувоҳи бўламиз. Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон сифатида қайтган. Бу машъум уруш туфайли энг камида 400 минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган.²

Ана шундай оғир йилларда ўзбек матбуотининг забардаст ёзувчи-публицистлари, жангчи шоир-журналистлари ва ўтюррак мухбирлари тиним билмай хизмат қилдилар. Халқнинг бутун куч-қудратини Ватан ҳимоясига сафарбар этишда шу даврда яратилган, фронт ва мамлакат ичкари-сидаги бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилган ҳаяжонли, жозибадор очерк, лавҳа, мақолалар орадан салкам 60 йил

¹ Каримов И.А. “Туркистон умумий уйимиз”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995, 12-13-бетлар.

² Ўша жойда.

вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам ўз ҳарорати, таъсир кучини асло йўқотган эмас. Уруш даврида нашр этилган қайси бир асарни ўқимайлик, вужудимизда туғён ураётган ватанпарварлик, инсонийлик каби ҳислар ўша давр матбуоти ходимларига бўлган ҳурматимизни оширади.

1941 йили Ўзбекистонда 183 газета ва 47 журнал чоп қилинар эди. 1938-1941 йиллари 48 миллионга яқин нусхада 4378 номда китоб чиқарилган бўлиб, бунга 260 миллион босма табоқ қоғоз сарф этилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек матбуоти, республикадаги нашриётлар ғоявий, илмий ва бадиий савия учун курашни янада кучайтиришди. Лекин бу улкан муҳораба шу соҳадаги ишлар одатдагича тараққий топиб боришига халақит берди. Кўпгина нашриёт ходимлари ва матбаа корхоналарининг ишчилари фронтга жўнашди. Бинобарин, китоб ва журнал маҳсулоти чиқариш камайди. Лекин шунга қарамай, уруш даврининг оғир шароитларида ҳам, масалан 1942 - 1945 йиллари 17 миллион нусха ва 1892 номда китоб нашр этилди, бунга 51 миллион босма табоқ қоғоз сарфланди.¹

Уруш муносабати билан матбаачилик соҳасида юз берган қийинчиликлар туфайли газета-журнал нашр қилиш жуда камайиб кетган бўлса-да, вилоят ва республика газеталари жанговар варақалар билан бир қаторда адабий тўпламлар - альманахлар чиқаришга катта эътибор берди. 1941 йилнинг июль ойидаёқ “Ўлим ёвга!”, “Ватан учун”, кейинроқ “Мард ўғил” (1942 й.), “Шонли Ленинград” (1942 й.), “Ўзбеклар” (1943 й.), “Ватан чакириғига жавоб” (1943 й.), “Ғазаб кўшиқлари” (1943 й.), “Армуғон” (1944 й.), “Ватан жонбозларига” (1944 й.), “Қасам” (1944 й.), “Ўзбекистон баҳодирлари” (1944 й.), “Зафар” (1945 й.) каби адабий-бадиий тўпламлар нашр этилди.

Уруш бошланганидан тамом бўлгунига қадар ўтган давр мобайнида матбуот саҳифалари ва тўпламларда Ғафур Ғулوم, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, К.Яшин, Миртемир каби бир қатор ёзувчи-

¹ Қориниёзов Т.Н. “Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар”, Тошкент, 1956 й, 317-бет.

шоирлар яратган асарлар ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтди.

Муҳорабанинг дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг фронт ва мамлакат ичкарасидаги ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги матбуотимизнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди.

Уруш йиллари ўзбек матбуотининг жанговарлиги янада ошди, ҳарбий мухбирлар сафи ёзувчилар, шоирлар, публицистлар ҳисобига анча кенгайди. Фронтлардаги ҳарбий қисмларда Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Парда Турсун, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Зиннат Фатхуллин, Ҳасан Саид, Илёс Муслим, Маъруф Ҳаким, Мумтоз Мухамедов, Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Шухрат каби ёзувчилар хизмат қилишди, ҳарбий мухбирлар сифатида жанг майдонларида бўлиб, жангчиларимизнинг беқиёс мардлигию фашистларнинг нақадар ёвузлигини, шафқатсиз қирғинлар натижасида жон берган ўғлонлар жасоратини ҳаяжонли, ҳаққоний лавҳаларда акс эттиришди.

Жангчи ўзбек публицистлари ҳамма жанрларда фаол ижод қилишди. Мақола, очерк, лавҳа ва хат кўринишидаги публицистика айниқса довруғ таратди. Етакчи публицистларимиз мамлакат ичкарасида ҳам, жанг майдонларида ҳам ана шу жанрлардан ғоят самарали фойдаланишди. Фашист босқинчиларига қарши олиб борилган урушнинг дастлабки кунлариданоқ ўзбек матбуоти инсониятни фашизм асорати ҳавфидан қутқазिश учун курашда унга қарши турган кучларнинг халоскорлик вазифасини кенг тушунтириб борди.

Матбуотимиз ўз саҳифаларида гитлерчилар фашизмининг босқинчилик мақсадлари ва талончилик моҳиятини фош қилди. Меҳнаткашларни душманга қаттиқ нафрат руҳида тарбиялаб, жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлигини, халқлар дўстлиги ва теран ватанпарварлигини мустаҳкамлашга ғоят катта аҳамият берди. Ўзбек матбуоти халқни фронтга фидокорона ёрдам беришга, республиканинг ички имкониятларини тўлиқ сафарбар этишга чақирди. Ўзбек халқининг жангчиларга ёзилган ва матбуот саҳифаларида босилган ҳаяжонли мактубларида, ота-оналарнинг фронтларда қон кечаётган фарзандларига мурожаат қилиб, уларни жасоратли бўлишга, сўнгги томчи қони қолгунча

- Ватанни ҳимоя қилишга чақирувчи қизгин ватанпарварлик топшириқлари янгради. Жумладан, мазкур хатларнинг бирида шундай сўзлар битилганди:

“Ўзбек халқининг шер йигитлари! Йигит кишининг уялгани -ўлгани, деган боболаримиз. Ўзбек халқининг номига иснод келтирувчи иш қилмангиз. Болалик чоғларингизда оналарингиз сизга алла ўқиб танитган пахлавонлар: Алпомишлар, Рустамлар, Равшанбеклар, Авазхонлар сизга ёр-мададкор бўлсин”.¹

Уруш даврининг талабига мувофиқ, ўзбек ёзувчи-публицистлари ҳам фронтларда ва мамлакат ичкарисидаги жанговар, оммавий-тарбиявий тадбирларда фаол қатнашишди. Фронт газеталари ташкил этиш, жанговар варақалар чиқариш ҳамда рисоалар битиш ишига катта ҳисса қўшишди. “Окно ТАСС”, жумладан “ЎзТАГ-ТАСС ойнаси” орқали тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, сатирик шеърлар ёзиш ва плакатлар чиқаришда иштирок этишди, агитбригадаларда ишлашди. Шунингдек, улар республика вилоят газеталарида ҳамда фронт матбуоти таҳририятларида мухбирлик қилишди.

Уруш йиллари мамлакат ичкарисида ҳам матбуот катта ишларни амалга оширди. Бу даврда унга хос яна бир муҳим хусусият - ранг-баранг жанрлардаги асарлар қўпайганидир. Яратилган ҳар бир асарда гоҳ публицистиканинг сиёсий ўтқир тиғи, гоҳ фелъетоннинг аёвсиз фош этувчи кучи, гоҳ шеърининг жанговар даъвати, нутқий жозибаси, гоҳ проза ва драматургиянинг фашизм балосининг афт-ангори, ижтимоий моҳиятини яққол очиб ташловчи қудрати ўз ифодасини топди. Шу асосда қаттол ёвнинг жирканч ва разил қиёфаси яратилиб, халқимизда унга нисбатан ғазаб ва нафрат туйғуси уйғотилди. 1941 йил июль ойининг биринчи ҳафтасидаёқ “Ўлим ёвга!”, “Ватан учун” тўпламлари нашр этилди. “Ватан учун”, “Мард ўғил” тўпламлари бир йилда икки марта қайта нашр қилинди. Тўпламларнинг мавзуи, йўналиши ва жанр хусусияти ҳам ҳар хил. Фронтдаги ижодкорларнинг “Жангчиларнинг шеърлари” (1943 й.), “Жанговар сахна” (1943 й.) драматик асарлари, қаҳрамонона

¹ “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1942 йил, 22 октябрь.

Ленинград мудофаасига бағишланган “Шонли Ленинград” (1942 й.) тўпламлари ўзбек ва рус тилларида чикди. Шунингдек, эстрада театрлари, кичик сахналар ва хаваскорлар тўғараклари учун “Ғазаб қўшиқлари”, “Қасам”, “Ўзбекистон баҳодирлари” номли шеърлар, ҳикоялар ва “Ўзбеклар” номли публицистик асарлар тўпламлари нашр этилди.

Уруш йиллари шиддатли жанг майдонларида сон-саноксиз қаҳрамонларнинг етишиб чиқиши муносабати билан ўзбек матбуотида очерк жанри кенг ривожланди. Воқеий ҳикоя ва ҳужжатли повестлар майдонга келди. “Мардлик” (1942 й.), “Саккиз ботир” (1943 й.), “Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар” (1944 й.) тўпламлари ана шундай асарлардандир. Ҳатто айрим қаҳрамонларнинг ўзига махсус бағишланган тўпламлар ҳам вужудга келди. Чунончи, “Мард ўғил” (1942 й.) тўплами Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муҳаммад Иброҳимов ҳақида бўлиб, ундан Ванда Василевская, Амин Умарий, Темур Фаттох, Ислом шоир, Мақсуд Шайхзода, Ҳасан Пўлат, Чустий каби ижодкорларнинг асарлари ўрин олган. Булардан ташқари, “Онт” (1944 й.), “Ватан жонбозларига” (1944 й.), “Армуғон” (1944 й.), “Зафар” (1945 й.) каби альманахлар нашр қилинди. Жангчилар ўзбек халқига ёзган бир “Хат”ида: “Рустам, Равшанбек, Авазхон, Алпомиш каби афсонавий ботирларнинг қаҳрамонликлари фашист газандаларига қарши олиб борилаётган жангларда бизларни илҳомлантирди” деб ёзгандилар. Дарҳақиқат, уруш даврида қаҳрамонлик руҳи билан тўлиб-тошган халқ дostonлари ва кўшиқлари кенг ташвиқ этилди. Қолаверса, “Гўрўғли” дostonлари туркумидан “Душманнинг тор-мор этилиши” (1941 й.), “Мардликни кўринг биздан” (1941 й.), “Мардлик майдони” (1941 й.), “Гўрўғли”, “Ботирлар”, “Тўлак ботир” (1942) тўпламлари, халқ ижодининг намуналарини ўз ичига олган “Ватанга муҳаббат кўшиқлари” (1941 й.), “Ашулалар” (1942 й.) каби мажмуалар кўп нусхада чиқарилди.

Уруш даврида ўзбек адибларининг таржималаридан тузилган тўпламлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. А.Твардовскийнинг “Фронт шеърлари” (1941 й.), Я.Коласнинг “Танланган шеърлар”и (1943 й.), К.Чуковскийнинг “Ўзбекистон ва болалар” китоблари, украин шоир-

ларининг “Ғазабли Украина” (1944 й.) тўплами ўзбек тилига ўтирилиб, чоп этилди.

Чет эл ва рус адабиёти намояндаларидан Иоханнес Бехер, Ондра Лисогорский, А.Ахматова, Н.Вирта, С.Городецкий, В.Державин ва бошқаларнинг Тошкентда яшаши ўзбек адабиёти ҳамда фани учун фойдали бўлди. Ўзбек китобхонлари, шу туфайли энг аввало, жаҳон ва рус, қардош халқлар адабиётлари намуналари билан яқиндан танишиш ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг немисфашизмини бир овоздан қоралаганини тўла ҳис қила олишди.

Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Ғафур Ғулумнинг “Шарқдан келаётирман”, Зулфиянинг “Ишонч”, Мақсуд Шайхзоданинг “Соз”, “Юрак гапирди” асарлари рус тилига таржима қилиниб, собиқ иттифок миқёсида жаранглади. Рус ижодкорларининг бевосита ташаббуси билан “Поэты Узбекистана” (1942 г.) ва “Поэты Узбекистана фронту” (1944 г.) тўпламлари нашр этилди. Шу ўринда қардош халқлар билан ўзаро ҳамкорликни кўрсатувчи “Ташкентский альманах” (1942 г.), “Мы победим!” (1942 г.), “Дар” (1944 г.), “Литературный Ташкент” (1945 г.) альманахларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айниқса, дастлабки икки мажмуа байналмилал руҳдаги тўпламлардир. Улардан А.Ахматова, Я.Колас, Н.Погодин, К.Чуковский, В.Луговской, А.Толстой, С.Ашендроф, А.Лохутий, Б.Рейх, П.Маркеш каби жуда кўплаб ёзувчиларнинг асарлари ўрин олган. Шундай қилиб, уруш йиллари чиққан даврий нашрлар фронт жангчилари учун ҳам, фидойи халқимиз учун ҳам ўткир кураш қуроли, мадаккор ва суянчиқ вазифасини ўтади. Уларда босилган ҳар бир шеър, ҳикоя ва публицистик асар фашист босқинчиларининг разил қилмишларини халқ кўзи олдида рўй-рост фош этиб бориши билан бирга, ўзбек жангчиларини ва турли миллат вакилларини ёвни батамом тор-мор қилиш учун қахрамонона курашга отлантирди, уларни сабот-матонатли бўлишга даъват этди.

Қисқаси, иккинчи жаҳон уруши йиллари чиққан журнал типидagi даврий нашрлар - тўплам(альманах)ларда Ватандан фахрланиш, унга нисбатан ғурур ҳиссини туйиш

ўз ифодасини топган. Аниқроғи, фашизмга қарши кураш йиллари ўзбек тилида чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий даврий нашрлар, яъни тўплам-жанрномалар кишиларда она Ватан тақдири, келажаги тўғрисида қайғуриш, сабот, матонат каби ижтимоий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва Ғалаба куни яқинлигига чуқур ишонч уйғотишга хизмат этди.

1941 - 1943 ЙИЛЛАР АЛЬМАНАХЛАРИ

Фашизмга қарши уруш даврида руҳлантирувчи, илҳомбахш куч сифатида адабиёт, санъат билан бирга фольклор ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўзбек халқ шоирлари анъанавий дostonларигаги Алпомиш, Гўрўғли, Ҳасанхон, Авазхон каби қаҳрамонларининг Ватан озодлиги, тинчлиги йўлидаги курашларини замона талабига ҳамоҳанг қилиб қуйлашди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқ оғзаки ижоди ўзининг асрлар давомидаги тараққиёти жараёнида ҳеч маҳал бу қадар кучли, фаол ижтимоий таъсир кучига эга бўлмаганди, ҳеч маҳал халқнинг орзу-умидларини бу қадар теранлик билан авж пардаларда қуйламаганди. Бинобарин, юксак жанговар руҳдаги “Ватан учун” (1941 й.) шеърлар тўплами Фозил Йўлдош ўғлининг “Армиям”, “Жаҳон тинглагай” термалари билан очилиши ҳам бежиз эмас.

Ватан учун урушмоқда йигитлар,
Жангда дадил от ўйнатар йигитлар,
Фашистларни тутиб отир йигитлар,
Ёв кўксига найза ботир йигитлар!

Ғайратда сен шерга ўхшаш армиям,
Ёв устига денгиздай тош армиям!

Бу тўпламда Ислom шоир Назар ўғли ҳам ўз термаси билан қатнашади. “Нарпайлик колхозчи Йўлдош ота, унинг учувчи ўғли Пўлат, ўқитувчи ўғли Темур ҳақида”, “Мудофаа фонди” каби термалар ҳозиржавоблиги, ижтимоий фаоллиги билан кучлидир. Ислom шоир ўзбек адабиётида

биринчилардан бўлиб ўз ўглини Ватан учун, адолат ва озодлик учун урушга жўнатаётган ота образини гавдалан-тирди:

Ариза бер кизил кўшин сафига...
Белинг маҳкам боғла халқнинг нафига.

“Мудофаа фонди” элнинг кунига яраган, Ватан ҳимоя-сининг жарчиси бўлган термалардан иборат:

Тек қараб турмоқлик номарднинг иши,
Ғайрат қилмоқ керак эл қари, ёши.
Бу жанг, дўстлар, озодликнинг талоши,
Ҳимматли эр ёрдам берар шу куни.

“Ватан учун” тўпламига Абулқосим Аҳмадзода Лоҳутий-нинг ҳам “Мададкормиз давлатимизга” шеърни киритилган:

Душманмиз зўравондир, найрангбоз, маккор,
Беномусдир, беҳаёдир, бевиждон, беор,
Аммо бизда қудрат ҳам бор, олий тадбир бор.
Бу салобат душманларнинг кучин йўқотур,
Тиғимизни бу бўрилар қонига ботур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уруш йиллари барча қардош адабиётларда фольклор мотивлари, сюжетлари, образлари, жанрлари, тасвирий воситалари ва усул-йўллари мурожаат этиш кучайди. Қахрамонлик ва ватанпарварликни чуқурроқ ифодалаш, асарларни янада халқчил қилиш, эстетик таъсирини ошириш, аввало халқнинг руҳи ва қалбига тезроқ, чуқурроқ кириб бориш учун халқ ижодининг ҳаётбахш анъаналаридан самарали фойдаланилди. Бу анъаналардан ижодий фойдаланган санъаткорлар қатта ютуқларни қўлга киритишди. Хусусан, А.Твардовскийнинг “Василий Тёркин” поэмасини, М.Исаковский кўшиқларини, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум ва Миртемир каби ижодкорларнинг асарларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Суронли йиллар халқ ижодига, мумтоз адабиёт ва

кардош халқлар адабиёти анъаналарига, қолаверса, ғалабани яқинлаштирувчи ҳар қандай маънавий бойликка кенг мурожаат этишни тақозо қилди. Бунинг устига, ўзбек халқининг тарихий курашлари, унда асрлар давомида камол топган озодликка интилиш, ватанпарварлик туйғулари ва бу каби қадриятларнинг халқ ижодида чуқур акс этганлиги нашрларимиз учун муҳим омил бўлди. Кўпчилик халқ дostonларида ўзбек халқининг босқинчиларга қарши кураши тасвирланган. Биринчидан, шу халқнинг маънавий ҳаёти ва руҳиятига сингиб кетган озодликка интилиш ва қаҳрамонлик туйғуси уруш йилларида ёрдамга келди. Иккинчидан, халқ ижодининг бой поэтик образлари ва мотивлари, жанрлари ғоят хилма-хил. “Уруш даври ўзбек адабиётининг тақдирида ҳам, халқнинг маънавий ҳаётида ҳам фольклор асарлари жуда катта ўрин тутди, - дейилади бу ҳақда “Ўзбек совет адабиёти тарихи”да. Конкрет олганда: а) бу даврда қаҳрамонлик ва озодликни улугловчи дostonлар нашр этилди; б) ёзма адабиётда фольклор сюжетларига асосланган асарлар пайдо бўлди (С.Абдуллаевнинг “Алпомиш” драмаси каби); в) халқ кўшиклари типидagi ашула ва лапарлар яратилди; г) фашизмни фош қилувчи янги афандилар ёзилди (Ғафур Ғулом Афандилари); д) халқнинг ажойиб фарзандлари ва қаҳрамонларига бағишланган драматик асарларда фольклордан мўл-кўл озиқланилди (“Алишер Навоий”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Муқанна” каби); е) фольклор қаҳрамонлари (Алпомиш, Аваз, Рустам каби), поэтик образлари, рамзлар ва бошқа тасвирий воситалар ёзувчиларга актив кўмакка келди”.¹

“Ватан учун” тўпламида шоир Ҳамид Олимжоннинг “Хат”, “Йигитларни фронтга жўнатиш”, “Ғалаба кўшиғи” шеърлари берилган. Ҳамид Олимжон ҳам фольклор анъаналарига аввало ҳаёт талаби, давр тақозоси туфайли ёндашади. Шоир шеърларининг лирик қаҳрамонларида, шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, Алпомиш ва Авазлар “товуши эшитилиб туради”, улар жасорати жўш уриб туради. “Хат” шеъри илгарироқ ёзилган бўлса-да, “Йигитларни фронтга жўнатиш” шеърининг давомига ўхшайди. Унда она худди

¹ “Ўзбек совет адабиёти тарихи”, II том. Тошкент, 1975, 103-бет.

халқ дostonларидаги меҳрибон оналар ва оталар, вафодор ёрлар каби ўз фарзандига насиҳатлар қилади. Она образи она Ватан рамзига айланади.

Ҳамид Олимжон “Алпомиш” ҳақидаги мақоласида Қалдирғочнинг Алпомишга қарата айтган:

Бир нечук номардга кўнгул бермагин,
Нодон кўнглунг ҳар хаёлга бўлмагин.
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Йўлда номардларни ҳамроҳ қилмагин, -

мисраларини келтирар экан, номардларга ҳамроҳ бўлмасликка, ботиру саботли бўлишга ундайди.

Шоир “Йигитларни фронтга жўнатиш” шеърида халқ ижодида гавдаланган она образига ҳамроҳанг образ яратди:

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси.
Билким, жангда билинади
Мард йигитнинг сараси.

Ҳамид Олимжон “Ғалаба кўшиғи” шеърида “Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди”, “Калхат билан олишгай осмонда зўр лочин”, “Қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди” каби мисраларда шер, лочин, тоғ образларини тинчликсевар кишиларнинг ва, аксинча, бўри, калхат, селни фашист босқинчиларининг рамзи сифатида ишлатади. Шоир шеърларида халқ дostonлари ва эртақларидаги қилич, қалқон, от образлари тез-тез учраб туради. Бу билан шоир ўқувчининг қалбига чуқурроқ кириб бормоқчи бўлади.

Урушнинг дастлабки давридаёқ фольклорга хос мотив ва тасвирлар, образлар шеърларда намоён бўлди. Масалан, шу тўпламдан жой олган Миртемирнинг “Отлиқ аскар” шеърида фронтдаги кизгин жанг тасвирини халқ дostonларидаги жанг тасвирига ўхшатиб тасвирлайди. Жангчилар арслонга ўхшатилади, анъанавий от образи ҳам қатнашади. Жанг майдони аланга, бўрон ичида қолади, арғумоқларнинг кишнаши, наъраси ҳаммаёқни тутати... Бунда гўё замонавий жанг ва техника йўқдай. Лекин бундаги тулпор

образи рамзий хусусиятга эгалиги билан аҳамиятлидир.

Шоирнинг “Ватан учун” тўпламидаги “Бу - менинг Ватаним” шеъри мавзу ва ғоя жиҳатидангина эмас, балки бадиий маҳорат жиҳатидан етуклиги билан ҳам қимматлидир.

Кузгун излар эмиш фақат вайрона...

Наҳот боғимизга қўнажак кузгун?

Равоми бемалол кезса бегона?

Жаннат ўлка, наҳот, бўлажак бузгун?

Уруш йилларидаги қаҳрамонона кураш икки майдонда - жанг майдони ва мамлакат ичкарасида - меҳнат майдонида кечди. Лекин икки майдонда ҳам бир мақсад учун - фашист босқинчиларини ер юзидан супуриб ташлаш учун жанг борарди. Турли миллат ва элат вакиллари душман устидан ғалаба қозониш йўлида бир тан, бир жон бўлиб ҳар икки майдонда кураш олиб борар ва табиийки, ҳар иккала жанг-гоҳ ўз қаҳрамонларини яратар эди.

Ўз ижодини халққа, халқнинг муқаддас курашига бағишлаган шоир Мақсуд Шайхзоданинг ҳам тўпламга фашизмга қарши уруш мавзуидаги бир неча шеъри киритилган. Ҳаётимиздаги энг муҳим мавзуларда қалам тебратиб, воқелигимизнинг ёруғ томонларини ёритиб келган шоир уруш даврида қаламини найзага айлантирди. Агар урушнинг илк кунларидаёқ Ҳамид Олимжон халқига “Қўлингга курол ол!” дея мурожаат этиб, жангга чақирган бўлса, Шайхзода бу муқаддас кураш - ҳаёт-мамот жангининг моҳиятини очиб берди.

Бу кураш - ҳаётнинг қонуни учун,

Бу чорак асрнинг якуни учун,

Бу кураш истиқбол машғали учун...

Шоир эркесвар халқини озодлик, тинч, саодатли ҳаёт ҳимоясига чақиради. Ўша суронли кунларда бутун ўзбек шеърияти сингари Шайхзода асарлари ҳам янгича ҳислатлар билан бойиди. Уларда нотиклик, публицистик руҳ кучли, сафарбарлик туйғулари алоҳида ўрин тутди.

Мақсуд Шайхзода ижоди ниҳоятда кўпқиррали эди.

Бу йилларда жўшқин шеърлар, жанговар очерклар, оташин публицистик мақолалар ва нутқлар ғалаба кунини яқинлаштиришга катта ҳисса қўшди. Чунки уларда бутун ўзбек ҳарбий поэзиясида бўлгани каби, мамлакатнинг ташвишлари, кишиларнинг фарёди, ишончи, қувончи, алами бор эди. Шоир ўзини жангга дахлдор деб билди ва ўз сўзи билан қатнашди. Ахир Буюк Ғалаба руҳнинг, эътиқоднинг ғалабаси бўлди! Шоир замон воқеаларига сезгирлик билан кулоқ солади, кун даъватига, талабига тез жавоб беради. Шайхзоданинг фикрича, бу ҳозиржавоблик, долзарб масалаларга қизиқиш хислатлари матбуот билан бирга ўсган шоирларга хосдир: “Мен ўзимни баъзан газетчи шоир деб атаганман, бу дегани юзаки ёзиш эмас, замон талабига тез жавоб бера олишдан келиб чиқади. Қалбга яқин нарса тез ёзилади. Газетачилик анъанаси шунга ўргатган”. Балки Шайхзода ҳарбий лирикасининг энг яхши намуналари бўлган “Капитан Гастелло” ва “Қондошлик” ана шундай тез яратилган асарлардир. Иккови ҳам газета хабари изидан ёзилган. Лекин бирида умр ва абадийлик, жасорат ва ҳаёт ҳақида шоир фалсафаси ифодаланса, иккинчисида буюк дўстлик, қондошлик баён этилади.

Жасур учувчи ёнаётган аэропланини душманнинг автомашиналари ҳамда бензин цистерналари тўпланган жойга қаратиб шўнғитади, ўнлаб немис машиналари ва цистерналари қахрамоннинг машинаси билан бирга портлаб кетади.¹ Бу хабар газетада босилиб чиққач, бутун халқ қаттиқ ҳаяжонланди. Мақсуд Шайхзода эса қахрамон Гастеллонинг образини зўр фахр билан яратишга, кишиларнинг ватанпарварлик, мардлик фазилатларини улуғлашга ҳаракат қилиб, “Капитан Гастелло” балладасини ёзади.

Шоир ўзининг бу шеърида: “Тиз чўкиб юз йил яшагандан кўра, мардона, қахрамонлик кўрсатиб, бир кун яшаш афзал”, деган фалсафий фикрни ижодий қайта ишлаб: “Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир”, дея бадиий кашфиёт яратиб, замонавий руҳ билан йўғиради. Гастелло сингари халқ фарзандлари кўрсатаётган қахрамонликни ўқувчи кўз ўнгида гавда-

¹ “Известия” газетаси, 1941 йил, 10 июль.

лантиради, ёшларни Гастелло сингари мард бўлишга чакиради:

Умрлар бўладики, тиригида ўликдир,
Ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир.
Мен яшамок истайман бир асрча муттасил,
Аммо ўлсам розиман, Гастеллодай мард, асил.

“Қондошлик” асари донорлар ҳаракати ҳақида. Бу ҳаракатни улуглаш учун шоир оригинал ва ҳаяжонли сўзлар, ташбеҳлар топа олади. Унда Шайхзода бир афсонани ҳикоя қилади, уни бизнинг кунимиз билан таққослаб, ажойиб хулосага келади. Қадим замонларда барча курашлардан ғолиб чиққан етти баҳодир бўлган экан, бунинг сабаби баҳодирларнинг ёрлари берган қон шишаларда тураркан. Агар қолдан кетаётган, қонсизланган ботир шу шишадаги қондан уч марта ярасига томизса, ўлимни енгар экан. Бу - бир афсона. Лекин бизнинг жангчиларимизга бутун халқ ўз қонини беришга тайёр. Шу туфайли жангчиларимиз енгилмайди, уларнинг дилида, юрагида халқлар қони бор!

Биз ҳамюррак, бир томирдошмиз,
Ҳамғоямиз, биз фикрдошмиз.
Қон юраклар ҳамжихат, бардам,
Бу юрак-ла енгармиз ҳар дам.

Тўпلامдаги шоир Темур Фаттоҳнинг “Ватанпарварлик марши” шеърида:

Бу уруш - ҳақ уруш, энг кескин уруш,
Олға бос, қир ёвни, чакнасин чакмоқ.
Бу юриш - ғалаба, зафарга юриш,
Порласин Берлинда қип-қизил байроқ! -

деган мисраларни учратасиз.

Темур Фаттоҳ ва бошқа шоирлар ўз асарларида давр руҳи, халқ ҳис-туйғуларини ифодалашнигина назарда тутмадилар, балки айни чоғда халқни кураш ва меҳнат майдонида жасорат кўрсатишга даъват этдилар. Айниқса, уруш йиллари Ўзбекистондаги барча ишлар аёллар

зиммасида бўлди. Хотин-қизларни меҳнат фронтига сафарбар қилиш муҳим вазифалардан эди. Ўзбекистон ёзувчилари ўзларининг сафарбар шеърлари, кўшиқлари билан бу ишда ҳам фаол кўмакка келдилар. Темур Фаттоҳнинг тўпламдаги “Ватанпарвар аёллар кўшиғи” ана шундай асарлардан биридир. Лирик қаҳрамон “Ватанга берилган ҳар грамм ҳосил душманнинг кўзига ўқ бўлиб ботиши”, “бир томчи қони қолгунга қадар Ватанни сақлаши”ни айтиб, онт ичиб, ўз дугоналарига мурожаат қилади:

Биз аёллар эрларнинг,
Жангга кирган шерларнинг
Ўрнин олайлик!
Шонли Ватан толмасин,
Дастгоҳлар бўш қолмасин,
Биз эгаллайлик!

Амин Умарийнинг “Олқиш оналарга, мардоналарга” шеъри эса бетакрор оҳангларга лиммо-лим кўшиқ:

Оналар мард, Ватан қаҳрамон,
Шунинг учун ўғиллар жасур.
Фарзандларин эмизган арслон
Доим ғолиб, ҳамма вақт зўр!
Олқиш оналарга, мардоналарга!

Тўпламдан шоир Ҳасан Пўлатнинг “Биз енгамиз”, Давроннинг “Ватан кўшиғи”, Ёркинойнинг “Жонлар фидо бўлсин, жонлар” каби фидойиликка, жасоратга чорловчи, халқ оғзаки ижоди руҳи билан йўғрилган асарлари ҳам ўрин олган. Уларда фронтдаги жанг манзаралари билан биргаликда, мамлакат ичкарасидаги меҳнат жасоратлари ҳаётий тасвирланган. Мардона ва жанговар оҳанг, ҳамкорлик руҳи “Ватан учун” тўпламининг мазмун-мундарижасини ташкил этади.

“Ўзбек ўғлонларига” тўплами 1942 йили нашрдан чиқди. У ўша даврнинг кўзга қўринган шоир ва ёзувчилари асарларини ўз ичига олган. Тўплам муҳаррири - Ҳамид

Олимжон. Константин Симонов - нашр бўйича маслаҳатчи. Бу альманах ҳақиқий байналмилал мажмуалардандир. Сабаби, унга киритилган асарлар ўзбек, рус ва украин тилларида эълон қилинган.

Альманахнинг русча нусхаси А. Тихонов таҳрири остида босилган бўлиб, украин тилига А. Бижанов таржима қилган. Мажмуа “Ўзбекистон меҳнатқашларининг ўзбек жангчиларига мурожаати” билан бошланади. Мактуб умуман ўзбек публицистикасининг, хусусан уруш даври публицистикасининг энг яхши намуналаридан бири бўлгани учун ҳам биз бу ҳақда муфассалроқ тўхталишни лозим топдик. Бу мурожаат республиканинг барча шаҳар-қишлоқларида, маҳалла-кўйларида митинг ва йиғилишларда ўқиб эшиттирилган. Халқ ўз фарзандларини суюб, ардоқлаб, уларга нури дийдаларимиз, азиз жигаргўшаларимиз, шоввозлар, ўзбек халқининг шер йигитлари, деб мурожаат этди. Вазият бениҳоя қалтис, оғир эканлигини тўғридан-тўғри, рўй-рост айтди. Бунинг учун мардларча курашиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиш кераклигини уқтириб ўтди: “Гитлер бизнинг савод ва қаламимизни, китоб ва ғазалимизни, ашула ва дуторимизни, шинам уй ва беқасам тўнларимизни, хотинларимизнинг ҳуснини, чолларимизнинг беғубор ва тинч турмушини, болаларимизнинг бахузур уйқуларини босиб олиб, ўғирлаб кетмоқчи. Масала шу тахлит экан, ҳеч қандай ўртача йўл бўлиши мумкин эмас. Ё ҳаёт ё асорат, ё ҳаёт ё ўлим, ё ўлим ё ғалаба!”¹ Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларида, айниқса, Сталинград, Шимолий Кавказ ва бошқа фронтларда барча халқларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлмоқда эди. Бу мурожаат хати наинки ўзбек халқи фарзандларини, айни вақтда, турли миллат халқларини душманга қарши янада шиддатлироқ курашишга даъват этди. Душманга нисбатан нафратини кучайтирди.

Мактубда ғалабага фақат биродарлик, иноқлик билангина эришиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Хат: “Бирлик - ғалабанинг гаровидир” деган жумлалар билан тугалланади.

¹ “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1942 йил, 22 октябрь.

Уруш даврида ўзбек адабиёти ва матбуотида энг ёш, безътибор соҳа бўлган бадиий публицистика, очерк жанри жуда тез тараққий қилди; очерк ва мақоланинг мавқеи ниҳоятда кўтарилди. Бу даврда публицистика ва очеркда, мақола ва хатто ҳикояларда ҳам аниқ далил ҳамда ҳужжатларга таяниш туфайли катта ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалалар ёритилди. Фикримизча, уруш йиллари публицистикаси ва очеркида икки нарса ғоят характерли:

бир томондан, уларда фашист босқинчиларининг ваҳший қиёфаси очиб берилиб, бутун эътибор халқда душманга қарши ғазаб ва нафрат ўтини алангалатишга, халқни ғанимга қарши мардона курашга отлантиришга қаратилса;

иккинчи томондан, фронт қахрамонлари ва мамлакат ичкарасидаги кишиларнинг жасорати, Ватанга содиқлигини кўрсатишга қаратилгандир.

* * *

Уруш йиллари коллектив бўлиб, ҳамкорликда ижод қилиш кучайди. Шоирлар гуруҳи томонидан бир қанча ҳикоялар, очерклар, китоблар, шеърӣй тўпламлар нашр этилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбек шеърӣяти халқимиз жасорати ва дўстлигини куйлади. Лирика билан публицистика бир-бири билан узвий кўшилиб кетди. Шеърӣятда талай сюжетли, воқеабанд шеърлар, балладалар, дostonлар ҳам пайдо бўлди. Бу ҳол Ҳамид Олимжон ижодида яққол кўринади. “Ўзбек ўғлонларига” тўпламида шоирнинг “Сени соғиндим”, “Ўзбек ўғлони”, “Шарқдан Ғарбга йўл олган юртдошимга” каби шеърлари ва “Жангчи Турсун” балладаси жой олган.

Ҳамид Олимжон асарларида Ватан туйғуси дўстлик ва инсонийлик фазилатлари билан уйғунлашиб кетган. “Оташин ватанпарвар шоир толмасдан ишлади, - деб ёзган эди Ойбек - деярли ҳар уч кунда у қахрамон фронтга ёки мамлакат ичидаги меҳнат эрларига яна бир шеър совға этди. Бу шеърлар душманга ғазаб ва нафрат, ватанимизга муҳаббат, зафаримизга чуқур ишонч билан товланади. Худди ватан уруши йилларида шоир ўз талантининг бой имкониятларини оча бошлади. Бадиий сўзни йиртқич душманга

бўлган ўтли ғазаби билан тоблади. Унинг сўзи қилич дамидай ўткир, найзадай кескин бўлиб қолаверди... Сиёсий-ташвиқий шеърнинг устаси салобатли, тўла, жўшқин овози билан куйлади”.¹

Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърисида бирлик ва қардошлиқ туйғулари душман босиб олган ҳудудлардан кўчириб келтирилган болаларнинг ўзбек оилаларида тарбия топиши мисолида улуғланади. Шоир ватанпарвар оилалардан бирида ўсиб, тарбияланаётган гўдакка мурожаат этиб, барча миллат оилаларининг қардошлиги, дўстлигини таъсирли мисраларда тасвирлайди. “Бу илиқ, меҳрибонлик сатрларини ўқигач, уруш йилларида 14 болани ўз тарбиясига олган тошкентлик ишчи - темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг хотини, шафқатли, меҳрибон она Баҳри Акрамовалар оиласидек минглаб совет оилалари кишининг кўз ўнгида гавдаланади”.²

Ғафур Ғуломнинг машҳур “Кузатиш” шеъри ҳам “Армуғон”га киритилган. “Ғафур Ғулом шеърини чуқур ҳаёт фалсафаси, фаол кураш диалектикаси билан суғорилган ва шу билан ажралиб туради. Шоир ижоди шу билан улуғвордир, шу билан том маънода замонавий ҳамда жанговардир. Бундай фалсафий теранликда Ғафур Ғулом бизнинг ҳозирги адабиётимизда ҳамон бекиёсдир. Бу масалада шоир ўз халқининг янги адабиётида ўзига хос бир мактаб яратди.

Айтиш мумкинки, Ғафур Ғуломнинг, хусусан, “Вакт”, “Соғиниш”, “Сен етим эмассан”, “Мен яҳудий” ва бир неча бошқа асарлари фалсафий мазмундорлик ва бадиий комиллик жиҳатидан ҳозирги замон илғор жаҳон поэзиясининг дурдоналаридандир”.³

Шоира Зулфиянинг “Ўғлим, сира бўлмайди уруш!” шеъри даставвал “Ўзбек ўғлонларига” альманахида босилиб чиққан. Шеърда жангда ёридан жудо бўлган аёл қисмати тасвирланади. Муаллиф шеърда ўзгаларнинг шодлиги ва ғамини ўзиникидек хис этади. Шоира ўз тақдири, ҳис-туйғуларини ўзгаларнинг руҳи ва тақдирига ҳамоҳанг, ту-

¹ “Армуғон”. Тошкент, Ўздавнашр, 1944, 185-бет.

² “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки”. Тошкент, 1961 й.

³ Зоҳидов В. “Ҳаётбахш бадиият тароналари”, Тошкент, 1975 й.

таш тарзда ифодалайди, ўзгалар эса шоиранинг қалб кўзгусида ўзларини кўргандек бўладилар.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Бу шеърдаги она уруш хавфидан ғзабга келган барча оналарнинг умумлашган образидир. Шунинг учун ҳам шеър тинчлик гимни сифатида жаранглайди.

Халқнинг фашистларга нафратини кўрсатишда Уйғун “Назир отанинг ғзаби” шеърисида маҳорат билан қалам тебратган. Шоир ўз қахрамонининг душманга чексиз ғзабнафрати кучини ифодалаш билангина чекланиб қолмасдан, Ватанни душмандан сақламоқ учун курашмоқ, жанг қилмоқ шарт эканини яхши билади. Уйғун бу ғояни Назир отанинг: “Тумшуғингга тепиб алла қилмасам, мозорингга бориб ялла қилмасам... отимни бошқа қўяман”, деб қасам ичишини тасвирлаш билан беради”.¹

Уйғуннинг “Қалб тафти” шеъри ҳам “Ўзбек ўғлонларига” тўпламидан ўрин олган асарлардандир. Умуман, бу даврда ижод этган шоир ва ёзувчиларимиз душманга зарба бериш, халқимизни ғалабага илҳомлантириш учун барча имкониятлардан фойдланишга интилардилар.

Журналист, шоир Шароф Рашидовнинг халқни Ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, жонажон юрт мудофааси учун тайёр туришга чакирувчи публицистик мақолаларида халқнинг туғени, тинчликка бўлган ишончи ўз аксини топган. “1942 йили Шимоли-Ғарбий фронтдаги ўқчи бригаданинг йигирма беш яшар сиёсий раҳбари Шароф Рашидов жангда оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади”.²

Шароф Рашидовнинг “Кўрқоқ мушти” публицистик мақоласи ўқувчи қалби ва туйғусига кучли таъсир этади. Дастлаб “Правда” газетасида босилиб чиққан бу асар,

¹ “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки”, 1961, 239-бет.

² Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, 1996, 87-бет.

ҳеч шубҳа йўқки, газетхонни ҳушёрликка, доимо сергак туришга чақирган, ижодий яратувчилик меҳнатига чорлаган, башариятнинг нияти - эркинлик, тинчлик билан яшашга, адолат, ҳақиқат учун курашга даъват этади.

Фронтчи ёзувчи, журналистлар ўзларининг очерк ва публицистик мақолаларида Ватан ҳар нарсадан азизлигини, уни жондан ортиқ севмоқ буюк бахт эканини зўр эҳтирос билан тасвирлайдилар. Улар Ватан деб фақат Ўзбекистонни эмас, балки бутун Совет Иттифоқини тушунганлар ва шундай деб тушунтирганлар...

Кураш қурбонсиз бўлмайди. Фашизмга қарши уруш майдонларида ҳаёт-мамот учун жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар қаторида ўзбек ёзувчилари, журналистлари ҳам бор эди. Султон Жўра, Ш.Абдулла, А.Абдурахмонов, Н.Абдуллаев, А.Ҳотамов, З.Шамсутдинова каби фидойилар шундай қурбонлар бўлди.

Бундан ташқари, “Ўзбек ўғлонларига” тўпламида М.Қориев, Ойбек, Ҳ.Ғуломов ва бошқа фронтнинг олдинги маррасида бўлган ижодкорларнинг шеър, очерк ва хотиралари ҳам берилган.

Умуман олганда, бу тўплам байналмилал ғоялар кишилар онига нақадар чуқур сингиб кетганлигининг бир далилидир. Ўз даври учун ижобий хусусият касб этган “Ўзбек ўғлонларига” тўплами уч тилда чоп қилинганди. Мажмуа Ватанга муҳаббат, тинчлик, севги-вафо, мардлик, халқлар дўстлигини тараннум этди, душманга нисбатан нафрат-ғазабни оширди.

“Шонли Ленинград” тўплами 1942 йили Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан 10000 нусхада босиб чиқарилган. Уруш даврида ўзбек жангчилари рус кишилари билан ёнма-ён туриб, Ленинградни ҳимоя қилдилар. Бундан ташқари, ўзбек халқи Ленинград ҳимоячиларига озиқ-овқат, уст-бош ва қурол-яроғ жўнатиб турди. Ўзбекистон ҳукумати делегацияси қаҳрамон шаҳар Ленинградга бориб, шаҳар ҳимоячиларига далда бериб келдилар: “Сизнинг делегациянгиз келиши шаҳар меҳнаткашлари ва Ленинград фронтининг жангчилари учун жуда катта хурсандчилик бўлди. Бу делегация бизга ўзбек халқининг совғаларини олиб келди. Сизларнинг меҳрибонлик билан юборган салом ва

табрикларингиз ленинградликларнинг кўнгилларини ғоят кўтариб юборди. Ленинград меҳнаткашлари номидан сизларга шахримизни севганингиз учун, химоячиларимизга қардошларча ғамхўрлик қилганингиз учун самимий ташаккур билдирамиз”, дейилади Ленинграддан “Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашларига” ёзилган мактубида.

Мактуб кириш сўзи сифатида ушбу тўпلامдан жой олган. Унда Ленинград қамали химоячиларига бағишлаб, ўзбек шоирлари томонидан ёзилган “Ленинград” (Уйғун), “Ленинград қаҳрамонларига салом” (Ислом Шоир), “Муҳаббатимиз чексиз” (Ойбек), “Ленинград ҳақида олти рубой” (Мақсуд Шайхзода), “Ленинград йўлида” (Амин Умарий), “Қалъа” (Ҳамид Фулом), “Баҳодир шаҳар” (Раъно Узоқова) каби шеърларда, ленинградликларга душманга қарши курашда сабот ва матонат тилаш, келажакка нисбатан катта умид туйғулари самимий ифодаланган.

Ислом Шоир “Ленинград қаҳрамонларига салом” термасида қалб истагини шундай изхор этади:

Биродарлар, зое кетмас ишингиз,
Қийинчилик - бахтдан нишондир мудом.
Сизни дея ишлар қари-ёшимиз,
Матонатли ботирларга кўп салом.

Ўзбекистон делегацияси Ленинградга 1942 йилнинг апрелида борган. Ўзбекистон совғасини элтиш учун борган делегация таркибида тўпلامда асарлари эълон қилинган шоир Амин Умарий ҳам бор эди. Унинг “Ленинград - Ўзбекистон” шеъри шу воқеанинг поэтик тасвиридир.

Амин Умарий Тихвинда “Ер”, “Булбул” шеърларини ўқиб беради. Ҳар бир шеър мазмунан, шаклан мустақил бўлса-да, ғоя, композиция жиҳатидан ўзаро алоқадор. “Ер” шеърида фашистлар харобазорга айлантиришга қасд қилган муаззам сайёра “ўз гарданида” оғир жароҳат сезади. Душманни улоқтириб ташлаган жангчиларимиз эса, табиб сифатида уни даволашга киришадилар...

Иккинчи шеърдаги булбул фақат сайроки қуш эмас, айни пайтда босқинчига нафрат, ғалаба, тинчлик ҳақидаги қарашларни лирик ифодалашда восита ҳамдир.

Амин Умарий ўз ҳарбий лирикаси ва публицистикасида миллийлик билан умуминсонийликни ўзаро уйғунлаштира олган шоирдир. Унинг шеърларида миллийлик тимсоллар, манзаралар ва этнографик белгиларгина ифодаланиб қолмай, балки миллий ифтихор туйғуси билан ҳам бўртиб туради. Бу хусусият шоирнинг фашизмга қарши уруш қаҳрамонларини олқишлаб ёзган шеърларида яққол кўрилади. Шоир ўз халқидан етишиб чиққан паҳлавонлар билан гурурланади.

Шоир Ленинград қамали пайтларида умидсизликка қарши неқбинликни фольклор асарларидагидек бор овоз билан куйлади. Ўша пайтлари Ойбек “Зафар бизники”, деб дадил чиққан бўлса, Ғафур Ғулом “Тонг яқин”, дея тинчлангирди. Амин Умарий эса “гулхан ўрнида гулшан пайдо бўлишини” башорат қилди: босқинчиликнинг моҳиятини фош этди, ёвнинг тайёрлигини ҳисобга олиб, уни бир ёқадан бош чиқармай енгиб бўлмаслигини, халқларнинг мустақкам дўстлиги дунёда фашизмни тор-мор келтиришга қобил бўлган бирдан-бир куч эканлигини айтди.

Бугун кетаётirman
Қонли жанг майдонига,
Жонимни пайванд қилай
Довжорақлар жонига.

Амин Умарийга Мақсуд Шайхзода жўр бўлади
 (“Ленинград ҳақида 6 рубой”). У бир рубойида:

Жанубдан салом, Шимол пойтахти,
Сен билан жўр эдик ашула вақти,
Энди кўямизми сени ёп-ёлғиз?
Сеники дўстларнинг ҳаёти - нақди, -
дейди.

Тўпламда “Ленинград хотиралари” туркумидан Амин Умарийнинг “Ғалаба наъраси”, “Инсон муҳаббати”, “Мерган қурувчилар” номли очерклари берилган. Уларда Тихвин, Волков манзаралари, 4-завадда Ўзбекистон совға-

саломини топшириш пайтидаги учрашувлар, “икки оёқли йиртқичлар” келтирган вайронагарчиликлар, Ленинград химоячиларининг кўтаринки рухи мохирона чизилган. Бу асарларда фашизмнинг ёвузликлари фош этилган, қахрамон жангчиларимиз улуғланган.

Уруш йилларида Ўзбекистон жуда кўплаб ёзувчиларнинг иккинчи хонадонига айланди. Анна Ахматова, Алексей Толстой, Корней Чуковский, Владимир Луговской, Якуб Колас ва бошқа кўпгина ёзувчилар бу юртда ўз уйларидагидек ижод қилдилар. Бу ҳол уларга бир-бирини яқиндан билиш, ўзбек адабиётини ўрганишга имконият яратди. Шуниси диққатга сазоворки, тўпламдан Корней Чуковский, Николай Тихонов, Всеволод Иванов, Виктор Гусев ва Александр Прокофьевнинг очерк ва шеърлари ҳам ўрин олган. Корней Чуковский “Ленинград дўстлари” номли очеркида Ўзбекистон билан Ленинграднинг дўстлиги ҳақида гапирди.

Чуковский Ўзбекистонда яшаб ижод этар экан, ўзбек халқининг меҳрибон, бағрикенг эканлигига қойил қолади. Шарқда шундай зўр ишончли дўстлари борлигидан фахрланади: “Ленинградликлар ўзлари учун, болалари учун, умумий галабамиз учун бу ерда - Ўзбекистонда нималар қилинаётганлигидан мумкин қадар кўпроқ хабардор бўлишлари керак. Бу уларни курашга қанотлантиради. Бу уларнинг кучларига ўн баравар куч қўшади...”. “Шонли Ленинград” тўпламида ёзувчи Всеволод Ивановнинг “Ёшлик онти” публицистик асари босилган. Унда ёзувчи ўзи туғилиб ўсган Ленинград, ленинградликлар билан фахрланади: “Ленинград мудофаанинг пўлат деворини қурди. У ўзининг энг яхши фарзандларини мана шу мудофаа деворига юборди. Душманнинг автоколонналарини, ўт очиш нуқталарини, танкларини қақшатаётган кишилар, душман аскарларини кириб ташлаётган, фашистларни Болтиқ осмони, шамоли ва тумани остида шармандалик ва разиллик гўрига тикаётган кишилар Ленинграднинг азаматларидир. Оталар станоклар ёнида туриб тўп ва снарядлар ясайдилар. Хотин ва қизлар душман ўқи остида жонларини аямай ярадор жангчиларни жанг майдонидан олиб чиқади-лар. Кўпгина аёллар эса олдинги сафдаги ярадорларнигина

эмас, ҳатто дружиначи Елена Ивановна каби жанг ўлжаларини ҳам олиб чиқмоқдалар”.

Тўплам сўнггида Александр Прокофьевнинг “Ленинград химоячилари ашуласи” берилган. Шеърни ёш шоир Ҳамид Фулом ўзбек тилига таржима қилган.

Фашизмга қарши уруш йилларида ўзбек адабиётида инсоний муҳаббатни жўшқин сатрларда талқин этиш кучайди, лириканинг мавзу доираси кенгайди. Ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва рашк, хижрон ва висол, ёвга нафрат, Ватанга садоқат, ғалаба ишқи билан яшаш каби туйғулар тасвири лириканинг марказий масалалари бўлиб қолди. Бу даврда кишиларимизда дўстлик, бир-бирига самимий муносабат, ҳурмат, ҳамкорлик, ҳамнафас бўлиш энг зарурий фазилатлар сифатида ривож топди. Бу мавзуларда битилган лирик шеърлар фронтда ҳам, мамлакат ичкарасида ҳам қўлма-қўл бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб тарқалди.

Уруш мавзуи Уйғун ижодида катта ўрин тутади. Шоир шеърларидаги лирик қаҳрамон тиш-тирноғигача қуролланган фашистларга қарши ватан мудофааси учун ҳаёт-мамот жангини олиб бораётган вазиятда намоён бўлади. Уйғуннинг лирик қаҳрамони жангда - жангчи, мамлакат ичкарасида - меҳнат қаҳрамонидир.

“Ғазаб ва муҳаббат” тўплами (1943 йил, тиражи 5000 нусха, муҳаррири - Зулфия Исроилова) Уйғуннинг илгариги тўпламларига қараганда ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан анча мукамалдир. Гарчи бу мажмуа алоҳида бир шоирга тегишли бўлса-да, аммо ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журнал типига яқин туради. Шу боисдан ҳам уни тадқиқот манбаи қилиб олдик. Тўпламга шоирнинг кичик шеърларидан ташқари йирик шеърини асарлари ҳам киритилган. Уларда муқаддас ватан мавзуи ҳамда ватан учун қаҳрамонларча жанг қилаётган азамат фарзандлар зўр эҳтирос билан қуйланади. Уйғун бутун истеъдодини фронт қаҳрамонлари - “бахт посбонларига” ва “эл меҳрибонлари”га бағишлайди. “Севги” шеърининг лирик қаҳрамони (жангчи) она диёрдаги ёридан хат олгач, қизга жавоб мактуби йўллайди, хатда оловли йилларда тобланган севгимуҳаббат абадий ва мустаҳкам бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Ўзбек шоирлари халқни ёвга қарши фаол курашишга

чакирар эканлар, халқнинг юрагини алангалатадиган ва жангга отлантирадиган далиллар келтирадилар, ҳаёт ва тарих оқимининг ички моҳиятидан келиб чиқиб, уруш фалсафасини тушунтириб берадилар, уруш келтирган талофат ва кулфатларни рўй-рост тасвирлайдилар. Бунда эса поэтик ижоднинг ранг-баранг воситаларидан моҳирона фойдаланадилар. Уйғун “Муҳаббат ва ғазаб” шеърисида: “Бир қўлимда қилич, бир қўлимда бахт. Бахтимни сақлайман қиличим билан”, деб халқни ўз бахтини ҳимоя қилишга чақиради.

Шоирлар халқда немис-фашистларга қарши кучли нафрат уйғотиш, уни ёвдан ўч олишга ундаш, жанг майдони ҳамда мамлакат ичкарасида қаҳрамонлик кўрсатишга даъват этар эканлар, фашистларнинг бутун разилликларини очиб ташлашга алоҳида эътибор бердилар. Улар яратган ҳар бир асарда сафарбарликка, қаҳрамонликка чорловчи жанговар ва оташин публицистик руҳ етакчилик қилади. Қаровчисиз қолган ва ўтда куйдирилган гўдақлар, ер билан яксон қилинган шаҳару қишлоқлар ҳақида қўплаб асарлар вужудга келди. Уйғун “Лолалар” шеърисида лолалар образи орқали фашизм оёғи теккан ерда ҳаёт ўлганини - лолалар ўрнини қон, булбул овози ўрнини ўқлар товуши эгаллаганини жуда таъсирли тасвирлайди. Шоир бу кўриниб турган “лола эмас”, балки “лахта-лахта қон эрур улар”, дейди.

Тўпламдаги “Севги”, “Сурат”, “Эслаш”, “Икки энлик хат”, “Ҳаёлим сенда”, “Ваъда”, “Мени койима”, “Анор” каби ўнлаб лирик шеърлардаги образларни шоир ватанимизнинг гўзал табиат манзаралари билан уйғун қилиб тасвирлайди. Анор ўзбек шеърлятида янги образ бўлмаса ҳам Уйғун шеърисидаги анор образи ҳаёт гўзаллигининг ўзига хос рамзига айланди. Шеърда тасвирланишича, Гуландом томонидан юборилган бир дона анорда жангчи она тупроғини - “Фарғонанинг гўзал боғларини”, “Шабнам ўпган гул япроқларини”, “Амунинг кумуш жилвасини” кўради. Шунинг учун ҳам севгилиси томонидан юборилган анор жангчининг душманга қарши нафратини яна бир қарра кўзғатади.

Шоирнинг “Сурат”, “Ваъда” каби шеърларига мумтоз шеърлятимизнинг аънавий образлари, айниқса, тасви-

рий воситалари мохирлик билан сингдириб юборилган. Шоир ўз қахрамонининг мукамал қиёфасини яратишда - қиз тасвирини тўла қизишда табиатдан қиёс ахтаради ва топади ҳам. Натижада инсон ва табиат гўзаллигининг уйғунлигини кўз-кўз қилувчи гўзал шеър дунёга келади. “Сурат” шеъри уруш даври ўзбек лирикасининг дурдона асарларидан бири бўлиб қолди.

Атокли рус шоираси Вера Инбер Уйғуннинг “Сурат” шеъри ҳақида гапириб: “Ҳозирги замон истеъдодли ўзбек шоирлари классик адабиёт образларидан усталлик билан фойдаландилар ва ҳозирги кун фойдасига муваффақиятли ишлата олдилар”,¹ - дейди.

Шоир “Эслаш” шеърида муҳаббатнинг ниҳоятда эзгу ва гўзал ҳис-туйғу эканини ватан ишқи, она юртнинг дилрабо манзараларини тасвирлаш билан боғлайди. Лирик қахрамон табиатнинг ҳар бир кўринишини томоша қиларкан, ёрини эслайди.

Уйғун, айниқса, лирик қахрамонларнинг руҳий ҳолатини тасвирлашда табиат тасвирларидан ўринли фойдаланади. У уруш йиллари ҳамкасб дўстлари Комил Яшин, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла билан бирга драматургияга муайян ҳисса қўшди. У “Она”, “Ўзбекистон қиличи”, “Алишер Навоий” (И.Султон билан ҳамкорликда) каби драмалар ва Иззат Султон, А.Спешнев, В.Шкловский билан биргалликда “Алишер Навоий”, “Ватанга совға” каби киносценарийлар яратди.

Умуман олганда, 1941 - 1943 йиллар тўпламлари уруш йилларида ўзбек адабиёти ва матбуотида лирика билан публицистика бир-бирига узвий боғланиб кетганлигини кўрсатади.

1944 йил нашр этилган адабий-бадиий тўпламлар - альманахлар тематикаси, йўналиши ва жанр хусусиятлари жиҳатидан ўзбек матбуоти тарихида катта ўрин тутади. “Армуғон” деб аталган навбатдаги тўплам фронт шоирларининг шеърлари, очерк ва публицистик мақолаларини, халқ оғзаки ижодига мансуб дoston ва мақолларини ўз

¹ Вера Инбер. “Поэзия ҳақида баъзи фикрлар”. “Шарк юлдузи”, 1954, 9-сон, 82-бет.

ичига олган. 185 бетдан иборат бу мажмуа 1944 йили “Ўзбекистон” давлат нашриёти томонидан нашр этилган. Ундан назмий, насрий асарлар, халқ оғзаки ижодидан намуналар ўрин олган. “Армуғон” тўпламига киритилган асарларнинг деярли ҳаммаси фидойи жангчилар, меҳнат қахрамонлари, садоқатли ёр, ўғлига оқ йўл тилаб қолган оналар ҳақида ҳикоя қилади. “Армуғон”ни Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор ва Ҳомил Ёқубов тўплаган. Қуйида “Армуғон” тўплами ва унга киритилган баъзи шеърлар, романдан парча, очерк, публицистик мақолалар ҳақида фикр юритамиз.

Уруш йиллари қонли жанг майдонларида сон-саноксиз қахрамонлар етишиб чикди. Шу боис ўзбек адабиётида очерк жанри кенг ривожланди, воқеий ҳикоя ва публицистик мақолалар майдонга келди. Тўпланда газета билан бирга улғайган Ойбек, Ғафур Ғулум, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир сингари шоир-журналистлар томонидан яратилган асарлар муносиб ўрин олган.

Публицистиканинг ҳаққоний сўзлари, оташин чақириқлари, ҳаяжонли ҳайқириқлари душман учун ҳар қандай пулемёт ва замбарак ўқларидан хатарлироқ ва даҳшатлироқ эди. Матбуотимиз кенг тарғиб қилган меҳнат кишиси образлари ҳам халқимизни колхоз, совхоз далаларида, корхоналарда янги-янги зафарларга етаклашда зўр тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. “Эри билан бас бойлашган хотин” очеркида Ғафур Ғулум пахтадан юз центнердан ҳосил олиш учун курашиб, Фарҳод курилишида донг қозонган, эри Болтабой билан мусобақа боғлаган Иноятхон образи орқали оддий оилалардан бирининг ҳаётини ҳикоя қилади. Ғафур Ғулумнинг публицистик мақолалари орасида кўпчиликни ҳаяжонлантирган “Момои гису набурида” (“Сочи қирқилмаган момо”) ҳам “Армуғон”дан жой олган.

Фашистлар бошлаган уруш барча халқлар бошига қанчадан-қанча мусибат ва кулфатлар келтирди. Муаллиф мақолани узоқ тарихга мурожаат этган ҳолда бошлайди. Золим хонлар, амирлар томонидан таҳқирланган халқ, фозила ва лобар аёлларимизнинг азиз бошлари оёқости қилингани, ноҳақдан-ноҳақ, ҳеч қандай сабабсиз қатл этилганликлари ҳақида сўзлайди.

Ғафур Ғуломнинг бу асари дастлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида (1944 йил 30 июль) босилиб чиққан ва анчамунча шов-шувга сабаб бўлган. Замона ўзгарди, одамларнинг бир-бирига муносабатлари ҳам Гитлерчиларнинг ватинимизга бостириб кириши кишилар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни синаб кўрди. Истилочиларга қарши бораётган қонли жангларда халқимиз ўғлонлари кўкраklarини қалқон қилиб, мушфиқ оналару, масъум гўдаклар, кекса момоларимиз таҳқирланишига йўл қўймади. Ғафур Ғулом худди шу даврда фидокор, қалби севги-вафо, мухаббатга тўлиқ хотин-қизлар ҳақида ғурурланиб сўзлайди. Уларнинг фазандларига ҳам она, ҳам ота бўлиб, далада эрлари учун ҳам фидокорона меҳнат қилаётганликларини ҳаққоний тасвирлайди.

Оғир тарихий синовлар пайтида ҳам халқ кучига, ғалабанинг муқаррарлигига ишонч туйғуси Ойбекни бир дақиқа ҳам тарк этмади. У фашизмга қарши уруш йилларида урушдан аввал бошлаб қўйган “Навоий” романини ёзиб тугатиш билан бирга оташин публицистик мақолалар ёзди, бадиий очерклар ва шеърлар яратди.

“Армуғон” тўпламида “Қуёш қораймас” романидан парча босилиши ўзбек матбуотининг ривожланишига катта хисса қўшган санъаткор ёзувчи Ойбек ўзининг ижодий анъаналарига уруш йилларида ҳам содиқ қолганлигини кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари оддий ўзбек йигити онги ва аҳвол-руҳиясида рўй берган ўзгаришларни ёзувчи мазкур асарда ишончли акс эттирган. Романининг бош қаҳрамони Бектемирни аввало тоғлар, ҳосилдор ер, кенг дала ва меҳнат кизиқтиради. У акалари сингари шаҳарга бориб ўқишни истамайди, лекин ёзувчи бу билан Бектемирни камситмоқчи эмас. У мактабда таълим-тарбия олган зийрак йигит. Жисмоний ишни яхши кўриши унинг ўзига хос хусусиятидир.

Ҳеч қандай уруш кўрмаган Бектемир кўп жангларда ўзини ожиз ҳис қилади. Бироқ дала зарбдори сифатида бу заифликка бўйсунма олмайди. Ожизлик ва забунлик унинг тажрибаси камлигидан келиб чиққан ўткинчи бир ҳис эди. Ёзувчи Бектемир аҳвол-руҳиясидаги ижобий куч

- йигитлик гурурининг устун келишини ишонарли кўрса-
тади.¹

У уруш даҳшатини кўп эшитган, урушга бағишланган кинокартиналарни қизиқиш билан томоша қилган. Аммо бу даҳшатни эшитиш, картиналарда томоша қилиш бошқа, кўз билан кўриб, унда иштирок этиш бошқа. Даҳшатли урушнинг дастлабки дамлари қанчалик оғир бўлмасин, ҳали унга “томошадек” сезиларди. Батальон станцияда бомбардировкага учраганда “вагонларнинг гулдурос билан ағдарилиши, парчаланган рельсларнинг чиллақдай учиши, дод-вой, тутун, тупрок” - Бектемирнинг илк “кўргуликлари” шундай бўлган.

Дарҳақиқат, инсон боласининг табиати шундайки, у даҳшатлар ҳақида қанча эшитган бўлмасин, уни шахсан ўзи “татиб” кўрмагунча, ҳар қандай даҳшат ҳам қандайдир бир томошадек сезилади. Уни “татиб” кўргач, ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлади. Шу боис ёзувчи ўз қаҳрамонини уруш даҳшати ичига олиб киради. Бектемир душман самолётларининг ҳужуми остида қолади. Унинг кўзи олдида “ер зилзиладай титради, хавони туташ қандайдир ваҳший, даҳшатли гулдирама қоплади. Гўё аллақандай сирли куч тоғларни бир-бирига уриб ағдаргандай... Ер уюмлари фиғон билан чирмашиб, гирдоб каби кўкка кўтарилди”. Бу урушнинг оддий ҳақиқатларидандир.

Бектемирнинг фронтда қисқа муддат ичида босиб ўтган ҳаёт йўли - унинг оддий бир чўпондан онгли жангчига айланишини тасвирлаш орқали Ойбек миллий характернинг шаклланиши тарихини кўрсатишга муваффақ бўлган моҳир ёзувчи эканлигини намоиш қила олган.

Адибнинг бу романи халқларнинг уруш йилларидаги жасорат ва матонатини акс эттирувчи салмоқли асардан ҳисобланади. Умуман, Ойбек романда ўз олдига аниқ ғоявий ва эстетик вазифани қўйган ҳамда уни маҳорат билан адо этган. Уруш даври ўзбек насри ғоят оғир шароитда яратилди. Мамлакат ичкарасида ҳам, жанг майдонларида ҳам аҳвол бирдек оғир эди. Шундай бўлишига қарамай,

¹ Қаранг: М.Қўшжонов. “Ойбек маҳорати”. Тошкент, 1955 й, 227- бет.

адиблар ўз замондошларининг мардлик ва қаҳрамонликларини, ватанга ва халққа чексиз садоқатини, пўлат иродаси ва бекиёс фидокорлигини бадиий пишиқ сатрларда ифода қила олдилар. Шундай асарлардан бири Абдулла Қаҳҳорнинг “Хотинлар” ҳикоясидир. Ҳикояда янги касб эгаллаган, фронтга кетган эрларининг ўрнини босган хотин-қизларнинг умумлаштирилган образи - Собирахон образи яратилган. “Мен сизга айтсам, отахон, урушдан илгари биздан хомлик ўтган экан: уй қилибмиз, рўзгор қилибмиз, ўртоғим катта-катта топиб келганига, мен яхши-яхши тик-канимга, пиширганимга хурсанд бўлиб юра берибмиз. Шу билан уй қизи бўлиб қола бердим...” - дейди Собирахон. Уни қишлоқ советининг раиси Комила хола МТСга ишга киришга даъват этади. Собирахон илғор тракторчи бўлиб етишади. Ҳикояда Баҳри ва унинг севган йигити - бир солдат орасидаги ёзишма ҳам тасвирланади ҳамда илғорлар каторида меҳнат қилиб мукофотланган Баҳрихоннинг ички кечинмалари берилади. Асарда Комила хола, Собирахон ва Баҳри образларига салбий образ - Умри қарама-қарши кўйилади. Енгилтабиат Умри жангчи эридан бир ярим ой чамаси хат келмагач, вафосизлик йўлига кириб кетади. У асардаги ижобий персонажлар тили билан ҳам фош этилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг уруш йилларидаги ижоди ҳақида адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубов шуларни ёзганди: “Абдулла Қаҳҳорнинг уруш йилларида ёзилган ҳикояларида услуб жиҳатидан ўзгариш майдонга келди, уларнинг бир қисмида (“Асрор бобо”, “Хотинлар”) сатира ва салбий юмор ўрнини аллақандай жиддий ва салмоқдор ўйланиш, ҳаётнинг қийинчилиги, қайғу ва дардларини чуқур туйиш ишғол қилди. Булардан ёзувчи тайёр характернигина чизиб кўя қолмасдан, энг оддий кишининг руҳига киради, уларнинг кечинмаларини кўрсатади, дард ва аламларини очади”.¹

“Армуғон” тўпламига Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳужум” мақоласи ҳам киритилган. Бу асарда ўзбек йигити Аҳмаджоннинг жангларда кўрсатган жасорати ва мардлиги, қаҳрамонона кураши ҳақида гап боради.

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1946, 4-сон, 117-бет.

Буюк синов йиллари минглаб журналистлар, ёзувчилар фронт, армия, дивизия газеталарида мухбирлик қилдилар. Ҳам қалам, ҳам найза билан манфур душманга қарши курашдилар. Улар ўз мухбирномаларида турли халқлар жангчиларининг жасоратларини мадҳ этиш, жангчиларни юрт озодлиги йўлида янги қаҳрамонликларга руҳлантириш учун хавф-хатар ва ўлимни писанд қилмай олға босдилар.

“У жангларда чиникди” публицистик мақоласи журналист Тўғон Эрназаров қаламига мансуб. Бизга маълумки, Т.Эрназаров фашизмга қарши урушда жангчи-алоқачи бўлиб, Сталинграддан Прагагача бўлган жанговар йўлни босиб ўтганлардан. У ана шу жанговар йўлдан борар экан, айти пайтда қаламини ҳам қўлдан қўймай, оташин публицистик мақолалар, очерклар ва жанговар шеърлар ёзди. Унинг асарлари фронт газеталарида муттасил равишда чоп қилиниб турган.

“У жангларда чиникди” публицистик мақоласи қирчиллама киши кунларида жангчиларнинг урушда кўрсатган жасорат ва мардликлари, турли миллат фарзандларининг бир-бирларига оға-инилардек муносабатлари, эзгу-ниятларининг бирлиги ва душмандан қасос олишдек юксак фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Асар “Карпат тоғларининг этагида”, “Қасос”, “Днепр кечаси” каби кичик-кичик сарлавҳачаларга ажратилган, уларда жанг майдонларидаги турли хил тасодифлар ва душман ўқидан қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитлар ҳақида сўз юритилади.

Фашизмга қарши уруш йиллари ўзбек матбуоти ва адабиётининг катта ютуқларидан бири, шубҳасиз, насрнинг тараққиётидир. Бадий публицистика, очерк жанрида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Амин Умарий, Назир Сафаров, Назармат, Саид Аҳмад каби ёзувчилар фаол ижод қилдилар. Уларнинг фронтчилар ва мамлакат ичкарисидаги қайноқ меҳнат кишилари ҳаётини ёритувчи жуда қўшлаб очерк ва мухбирномалари айниқса диққатга сазовордир.

Жанг бораётган мислсиз қийинчилик кунларида ёзувчилар бирор жанр доираси билан чегараланиш одатидан воз кечдилар. Адиблар шеър ва дostonлар, драматик асарлар

яратдилар. Уруш йиллари айниқса очерк жанрига деярли ҳамма ёзувчилар кўл урди. Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Темур Ғаттоҳ каби шоирлар ҳам очерк ёзди. Ойбек, Ойдин, Абдулла Қаҳҳор каби ҳикоянавислар ҳам меҳнат, fronti қаҳрамонлари ҳақида кўплаб очерклар ижод қилишди.

Таниқли адиба Ойдин шиддатли уруш йилларининг синовидан муваффақиятли ўтганлардан ҳисобланади. Унинг бу даврда яратган асарларида публицистик ва ташвиқот руҳи чуқурлашганини кўриш мумкин. Адабиётшунос С.Мамажонов бу ҳақда “Ойдиннинг уруш даврида ёзган барча асарларида маъюслик, руҳий тушқунлик, фожиа йўқ, аксинча, уларда жасурлик, ижодий фаоллик, кўтаринкилик, ғалабага қаттиқ ишонч руҳи жаранглайди”,¹ - деб ёзади.

Ойдиннинг “Армуғон” тўпламидан жой олган “Баланд кўллар”² публицистик мақоласида мамлакат ичкарисидаги кишиларнинг фидокорона ва қаҳрамонона меҳнати ҳақида гап боради. Оғир ва машаққатли шароитларда айрилик, ғам-аламни сабот-матонат билан енгган ота-оналар, хотин-қизлар улуғланади.

Бугунги кундаги Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад уруш йиллари уста ҳикоянавис сифатида танилган. У ҳам бошқа ёзувчи-шоирлар сингари очерк жанрида кўп қалам тебратган. Адибнинг ушбу тўпланда босилган “Фарҳод тоғининг этакларида” очерки дастлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида (1943 йил 6 март) чоп этилган. Мамлакат ичкарисидаги кишиларнинг ватанпарвалик фазилатларини кўрсатишга бағишланган бу асар ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, давр учун ниҳоятда қимматли воқеалар ва янгиликларни умумлаштира олган.

Очеркда Андижон вилояти меҳнаткашларининг Сирдарёни бўғиб, тўғон қуриш ишларида кўрсатаётган фидокорликлари ва улар ўртасидаги дўстлик муносабатлари тўғрисида гап боради. Унинг биринчи қисми “Гвардиячи Пирмат

¹ Мамажонов С. “Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти”. Тошкент, 1975.

² “Армуғон” тўплами, 71 - 74-бетлар.

ака” деб номланган. Ватанпарварлик ва инсоний бурчни хис қилган кишиларнинг бош тўғонда олиб бораётган курашлари, тиниб-тинчимас халқнинг нақадар катта куч экани 75 ёшли Пирмат ака образи орқали кўрсатиб берилган.

“Армуғон”дан Ҳамид Олимжон, Ислом Шоир, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Темур Ғаттох, Миртемир, Зулфия, Султон Жўра, Туроб Тўла, Ўткир Рашид, Зафар Диёр, Мирмуҳсин, Ёнғин Мирзо, Шухрат, Холид Расул, Саид Назар, Аширмат, Назармат, Пўлат Мўмин, Маннон Ғаниев, Муҳаммаджон Қўшок, Ш.Шоназар, Қурбон ота каби шоирларнинг ватанпарварлик, халқпарварлик руҳи билан йўғрилган шеър ва дostonлари ўрин олган.

Тўпламга киритилган асарларнинг ҳаммаси, жумладан, Ҳамид Олимжоннинг “Роксананинг кўз ёшлари” балладаси, Шайхзоданинг “Оқсоқол” портрет-дostonи, “Жалолиддин Мангуберди” тарихий-романтик драмаси, Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романидан парчалар, Абдулла Қаҳҳорнинг “Хотинлар”, Саид Аҳмаднинг “Фарход тоғининг этакларида” очерклари ҳам дастлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилиб чиққан эди.

Ҳамид Олимжоннинг мазкур тўпламга кирган “Севги”, “Сен туғилган кун”, “Ғазаб”, “Роксананинг кўз ёшлари” шеърлари шоир илҳоми бу даврда бениҳоя жўш ургандини кўрсатади. Шоир ижодида лирикасининг руҳли, хуш садоси борган сари тоза жаранглаган, шеърларида инсон руҳи ва сезгиларини баралла қуйлашга интилиш бор.

Бу ҳақда Сарвар Азимов шуларни қайд этгани: “Ҳамид Олимжоннинг уруш даври лирикасини кўздан кечирсак, унинг катта ижодий муваффақиятларини кўрамыз, шоир хат жанридан муваффақиятли фойдаланиб уруш лирикасининг нодир намуналарини яратган”. Унинг “Хат”, “Нихол”, “Севги”, “Яқинлик”, “Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой”, “Сен туғилган кун” ва “Учрашув” каби шеърлари шулар жумласидандир.

“Роксананинг кўз ёшлари” балладасида халқлар ўртасидаги дўстлик тараннум этилади, дўстлик фалсафаси украин қизи Роксана, ўзбек қизи Сора ва нуроний чол тимсоллари орқали очилади. Ҳамид Олимжоннинг “Армуғон” тўплами-

даги шеърлари ўзининг самимий, кўркам ва рангдорлиги билан ажралиб туради.

“Армуғон” тўпламида шеърятга кенг ўрин берилганини Ислом Шоирнинг “Яша, эй Москва”, “Жаҳон янчар гитлерчини беомон”, “Колхоз чўпони” каби фашист босқинчиларига чексиз ғазаб-нафрат, ғалабага бўлган ишонч-ни ифодаловчи шеърларидан ҳам кўриш мумкин.

Қахрамон ўғиллар, ботир фарзандлар,
Азиз манглайингиз бўлсин ярқироқ.
Оталик шафқати, ўғит ва пандлар
Онанинг сутидай бўлсин сизга оқ.

Бу сатрлар ўзбек адабиётининг энг йирик намоёндаларидан бири, шоир ва ўткир публицист ҳисобланган Ғафур Ғулом қаламига мансубдир. “Шоир, академик Ғафур Ғулом ўзбек поэзиясининг ўзига хос ва мислсиз ҳодисаларидан биридир. Унинг поэзияси миллий традицияни Маяковский традицияси билан ажойиб бир тарзда боғлайди. Энг латиф лирикадан ораториягача - унинг диапозони ана шундай. Унинг шеърлари ҳамиша зўр фикр ва теран туйғулар билан суғорилгандир. У том маънода чинакам ва катта совет шоиридир” (“Армуғон” тўплами, 30 - 33-бетлар).

Уруш йиллари Мақсуд Шайхзода учун ҳам етилиш ва ижодий имкониятларнинг очилиши йиллари бўлди. Унинг “Оқсоқол” портрет-достони йирик давлат арбоби Йўлдош Охунбобоевга бағишланган.

Булутга қарар у деразадан:
“Баҳор кўп танноз, сўлимдир кўшиқ.
Шу ёр Ватанга бўлмайми ошиқ?..
Шундайми? - дея сўрар мирзадан. -
Душман янчилур, яшнар яна эл,
Ерга ўғитдир у аблах ғаним,
Тошлик тоғларни йиқитолмас сел,
Ўша кунни тез кўрмак армоним!”

“Армуғон” дан ўрин олган бу дoston Йўлдош Охунбобоевнинг халққа бўлган муносабати, унинг оддийлик,

самимийлик, инсонпарварлик каби фазилатларини поэтик тилда таъкидлаш билан бирга, мамлакат ичкарасидаги қаҳрамонона меҳнат fronti ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Уйғуннинг бадиий равон, содда, самимий асарларидан айримлари ҳам тўпламдан ўрин олган. Унинг “Келади”, “Қанча йироқ кетса, шунча тез келар”, “Соғинган бўлсанг”, “Ой ва мен”, “Қиз кўшиғи”, “Айрилиқ шомиди”, “Айлагил бардош”, “Қуёш йўли”, “Тасаввур” каби шеърларида ўз ёрини ва қардошларини соғинган кишиларнинг сиймосини кўрамиз. Тўпламдаги шеърларда ғазаб ва муҳаббат давр симфонияси сифатида баралла жаранглаган. Она Ватан тақдири, келажаги тўғрисида қайғуриш туйғуси худди ана шу йиллари шоир ижодида янада кучайган. У халқимиз қалбидаги қудратли кучни, бекиёс мардлиги, бардоши, садоқатини кўриб, ғалабанинг, улуғ айём кунларининг яқинлигига чуқур ишонади.

Фашизмга қарши уруш даврида бетакрор овозга эга бўлган адиблардан яна бири Зулфиядир. “Уруш йиллари камолот даври бўлди, - дейди у ўз ижодий изланишлари тўғрисида сўзлаб, - ақлли гапларни ўйлаб топишга, ясама дард ёки завқ-шавқни куйлашга ўрин қолмади, турмушнинг ўзи қатъият билан ҳаққоний сўз талаб қилди: беихтиёр равишда ёки бировнинг тажрибасига мурожаат қилиш натижасида, асл сўзлар ўз-ўзидан куйилиб келавергандан кейин уларни ўрни-ўрнига жойлаштириш, бир-бири билан боғлаш йўлини топар экансан”.¹

“Армуғон” тўпламига Зулфиянинг бахтиёр аёллар ғурурини ифодаловчи, хотин-қизлар иродаси ва мардлигини очувчи, уруш даври ижодида ҳижрон туйғуларини ифодалаб ёзилган “Ҳижрон”, “Ҳижрон кунларида”, “Кўлимда курол-у, устимда шинель”, “Кўзларингда борми юлдузинг”, “Сенинг мафтунинг” каби шеърлари киритилган.

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!

Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.

Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор -

Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи.

¹ “Шарк юлдузи” журнали, 1971, 10- сон, 210- бет.

Шоира хижрон тасвири орқали халқ жасорати, иродаси ва ғалабага бўлган қаттиқ ишонч туйғусини ифодалабгина қолмасдан, айти пайтда бу хижронлар ўткинчи эканини билдиради.

Мазкур тўпламга Султон Жўранинг “Соғинчли салом” шеъри ҳам киритилган. Ушбу асарнинг лирик қаҳрамони ўз оиласига шеърий мактуб жўнатади. “Энди сизларни ҳам, ўзимни ҳам Ватанга топширдим. Мен учун қайғурмангиз. Асло қўрқмангиз. Биз ғолиб чиқамиз”, - дейди у. Шеърнинг иккинчи қисмини шоир “Қонли кўйлакча” деб номлайди. Бу ерда ҳам у фашистларнинг кирдикорларини қаҳр-ғазаб билан тасвирлайди, болаларнинг вахшийларча ўлдири-лаётганини айтиб, улар учун қасос олишга қасамёд қилади:

Шу жаллод немислардан
Жон учун жон оламан,
Қон учун қон оламан.
Хуллас, фашист ёвларни
Тор-мор этиб батамом,
Сўнгра, жигарбандларим,
Ёнингизга қайтаман!

Султон Жўра 1942 йилнинг февраль ойидан умрининг охиригача фашизмга қарши фронтларда жанг қилди ва 1945 йил 15 ноябрда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Шеърятда урушнинг дастлабки кунларидаги сафарбар-лик мавзуи ғалабага ишонч мавзуи билан бир бутунликни ташкил этади. Бу хусусият мазкур даврдаги бутун ўзбек матбуоти учун ҳам хос бўлиб, тўпламдаги кўпчилик шеър-ларда ҳам акс этган.

Ёзувчи ва шоир Аширматнинг “Украин дўстларимга”, Назарматнинг “Соғиниш”, Саид Назарнинг “Висол ва хижрон”, Холид Расулнинг “Рубойлар”и ва “Қримдан хат”, Шухратнинг “Мен тирик”, Мирмуҳсиннинг “Қўбуз-чи”, “Бўса” каби асарлари ҳам тўпламдан ўрин олган. Бу асарларда халқнинг фашизмга қарши оммавий кураши акс этган, бу ғоя шеърларнинг ҳар сатридан сарлавҳасигача сингиб кетган.

Юқорида қайд этилган асарларни ўқир экансиз, уруш йилларидаги ватанпарварлик, сабот ва матонат, ижтимоий-ахлоқий фазилатлар, айна вақтда ватан тақдири - инсон тақдири эканини чуқур тушуниб етиш билан бирга буюк ғоялар тараннум этилганига гувоҳ бўласиз. Тўпламда ўзбек шеърляти ўзининг янги, ажойиб фазилатларини намойиш қилган.

Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” аса-рида тасвирланишича, Султон Муҳаммад Аловиддин ҳам, Самарқанд ҳокими, шоҳнинг куёви Амир Бадриддин ҳам, бошқа сарой аҳллари ҳам мўғулларнинг ҳужумига қарши курашиш ўрнига мамлакатни, халқни ўз ҳолига ташлаб, кочиб кетишди. Драматург ҳокимият тепасида турганлар-нинг мана шундай сотқинлигини, айна чоғда улар ўртасида тахт учун бўлаётган пинҳона курашларни ҳам кўрсатиб берган.

Адиб шоҳнинг ўғли Жалолиддин, кизи Султонбегим, Хўжанд ҳокими Темурмалик, Элбарс тимсолида ватан хи-мояси, мустақиллиги, халқнинг эрки, озодлиги учун қаҳ-рамонона курашувчилар сиймосини кўрсата олган. Халқни душманга қарши курашга отлантирган, она Ватан учун ўз ҳаётини бахшида этган паҳлавон, зукко, мохир қўмондон тимсолини Шайхзода Жалолиддин образида мужассам этган.

Асарни ўқиган киши Жалолиддин улуғвор шахс эка-нига ишонч ҳосил қилади ва худди ана шу тимсол орқали ўз мустақиллиги, номуси ва шарафи, эрки учун кураш олиб бораётган Ватан ўғилларини кўради. Бинобарин, бу асарни Ойбек ва Ғафур Ғулом: “Жалолиддин” давримиз-га ғоят ҳамоҳанг... Улуғ Ватан уруши йилларида, совет халқининг қаҳрамонлиги мислсиз гуллаган даврда ботир аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билан тўлдиради, томирларда яловбардорлик туйғуларини мав-жлантиради, қонли, чиркин фашизмни яксон қилиш учун муаззам курашимизда янги зафарларнинг шонли чўққисига илҳомлантиради”,¹ - дея баҳолаган эдилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида газета, журналлар

¹ Ойбек, Ғафур Ғулом. “Жалолиддин” драмаси ҳақида”. “Кизил Ўзбекистон” газетаси, 1945 йил, 18 февраль.

нашр этиш қисқариб кетди. Бироқ уларнинг вазифасини, муайян даражада, адабий-бадий тўпламлар бажарган. Албатта, бу борада матбуот жонкуярлари, етук журналистлар, ёзувчи ва шоирларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

“Армуғон” тўпламида халқ оғзаки ижодига ҳам муносиб ўрин берилган.

Мажмуанинг бадий қиммати унинг тўпловчилари бўлмиш Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Ҳомил Ёқубов ва Мақсуд Шайхзоданинг хизматлари билан боғлиқдир.

Иқроор бўлиш керакки, матбуот ишининг қўлами ниҳоятда кенг. Унда кўтариб чиқиладиган ҳар бир масала ёки муаммо журналистнинг кичик бир хабарида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Бунинг учун турмуш воқеаларини теран тушуниш, замон нафасини чуқур идрок этиш зарур.

Ана шу жиҳатдан “Армуғон” тўпламига киритилган ҳар бир асар масъулиятини ҳис қилган ҳолда ёзилгани билан эътиборга моликдир. Шуни эътироф этиш керакки, уруш давридаги журналлар ўрнига чиқарилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий тўпламлар ҳақида Салоҳиддин Мамажоновнинг “Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти” (1975 й.) китобида ахборот берилганини ҳисобга олмасак, “Армуғон” тўпламига оид ҳеч бир манбада батафсил тўхталинмаган. Бундан кўринадики, ҳаёт-мамот жанглари олиб борилган йиллари нашрдан чиққан тўплам(альманах)ларнинг бадий қимматига шу пайтгача атрофлича баҳо берилган эмас. Албатта, журнал типидagi ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий нашрларини чинакамига ўрганиш пайти келди, ушбу тадқиқот эса, бу борада қўйилган илк қадамдир.

Иккинчи жаҳон уруши фронтлари бўйлаб кенг тарқалган, окопдан-окопга, бир жангчининг қўлидан иккинчисининг қўлига ўтган, аскар ва зобитларни ғалабага отлантирган альманахлар орасида “Ватан жонбозларига” тўплами ҳам алоҳида ўрин тутди. Китобдаги асарларни шоир Туроб Тўла тўплаган бўлиб, у 1944 йили нашр этилган. Ҳажм жиҳатидан унчалик катта бўлмаган бу китобчага кенг, фалсафий маънога эга бўлган шеърый асарлар киритилган.

Тўпламда ўн олтита шоирнинг бир-биридан гўзал

шеърлари ўрин олган бўлиб, 74 саҳифадан иборат. “Ватан жонбозларига” мажмуасидаги барча шеърлар ўзининг ўткир публицистик руҳи ва нафаси билан ажралиб туради. Унга Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Темур Фаттоҳ, Туроб Тўла, Саид Назар, Зулфия, Чустий, Ҳамид Ғулом, Шайхзода, Собир Абдулла, Ҳаким Зоҳид, Раъно Узокова, Ёнгин Мирзо шеърлари киритилган.

Фафур Ғуломнинг “Соғиниш”, “Сув ва нур”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” шеърлари ўзига хос услубда ёзилган. Ҳамид Олимжоннинг “Сен тузилган кун”, “Интизорлик”, “Учрашув”. Зулфиянинг “Палак”, Собир Абдулланинг “Фронтдаги ўртоғимга”, Мақсуд Шайхзоданинг “Икки шеър”, Уйғуннинг “Жангчи дўстимга” каби асарлари ғалабага ишонч туйғуси билан тўлиқ. Боиси, аввало, шоирлар тарихнинг тараққиёт қонунини, халқимиз ақлзаковати ва кўплаб халқларнинг бир тан, бир жон бўлиб немис босқинчиларига қарши олиб бораётган кураши қанчалик адолатли эканлигини чуқур тушуниб етганликларидадир.

Бундан ташқари, мазкур тўпلامдан Уйғуннинг “Қуёш йўли”, “Сураг”, “Ернинг орзуси”, “Эслаш”, “Бинафша очилди”, “Қиз кўшиги”, Собир Абдулланинг “Бўйруғингга зормен”, Миртемирнинг “Олег ва ўртоқлари”, “Кўзларим йўлингда”, Зулфиянинг “Гуллар очилганда”, “Кўлимда қурол-у, устимда шинель”, Чустийнинг “Ўйнаб учган кабутар”, “Салом сизга”, Ҳамид Ғуломнинг “Днепрнинг ул юзига Санобардан хат”, Темур Фаттоҳнинг “Ёкут юлдузлар”, Туроб Тўланинг “Маъшуканинг қиссаси”, Саид Назарнинг “Қанотли дўстга”, Ҳаким Зоҳиднинг “Мард бўлинг, мохир бўлинг”, Раъно Узоқованинг “Офарин”, “Қайда менинг қорақўзлим”, Туроб Тўланинг “Қуёшлар симфонияси” каби ўткир публицистик руҳ билан суғорилган оташин шеърлари ҳам ўрин олган.

“Уруш йиллари давомида, - дейди Ҳамид Олимжон, - яхши ният туйғуси, муваффақият қозонишимизга бўлган ишонч ҳисси, ғалабамизга бўлган ишонч туйғуси халқимизнинг доимий йўлдоши бўлди”.

Зулфиянинг “Палак” шеърисида кишиларимизга хос кўтаринки руҳ, чуқур оптимизм ўзига хос равишда ифода-

ланган. Муаллиф икки дилнинг чуқур психологик кечин-маларини, уларнинг галабага қаттиқ ишончи ва ушбу кунни ниҳоятда интизорлик билан кутаётганликларини тасвирлайди:

Ёвни тамом қилиб, сен қайтсанг ғолиб,
Ишқда бирга тепгай биздаги юрак.
Сени қаршилагай қуёшдай ёниб,
Йўлингга кўз тутиб мен тиккан палак.

Бу даврда, юзаки қараганда, мавзу торайиб, асосан уруш ва инсон масаласи биринчи ўринга қўйилган бўлса-да, лекин ижодкорлар ҳаётни турли хил бўёқларда ранг-баранг тасвирлай олганлар. Масалан, Уйғуннинг уруш даври шеърлари руҳи ва образлар оламига назар ташлайлик. “Сурат” севишганларнинг бир-бирига ёзган “хат”и шаклида яратилган асарлардан биридир. Бу шеърда муаллиф ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига содиқ қолиб, қизнинг ўз ёрини қаҳрамонликка чорлаганини жуда самимий, нафис, хароратли мисраларда тасвирлаб беради. Қиз фронтдан жавоб хати олади, ёри соғиниб суратини сўрайди. Қиз эса, мана бундай жавоб беради:

Юзларимни кўрмоқ истасанг,
Ё ойга бок, ёки кунга бок.
Сочларимни кўрмоқ истасанг,
Уйқудан кеч, ойсиз тунга бок.
Қошларимни кўрмоқ истасанг.
Кўкка қара, чиққанда ҳилол.
Кўзларимни кўрмоқ истасанг,
Назарингни юлдузларга сол.
Ёноғимни кўрмоқ истасанг,
Сахрога чик, лолазорга юр.
Лабларимни кўрмоқ истасанг,
Сахар туриб ғунчага юз бур.
Тишларимни кўрмоқ истасанг,
Ҳавасингни марваридга айт.
Гар ўзимни кўрмоқ истасанг,
Ёвни енгиб, зафар билан қайт.

“Бу ерда ой, тун, хилол, юлдуз каби образлар қизнинг гўзал сиймосини чизишда бўёқ вазифасини ўтамоқда”¹. Бу билан қиз ўзини мактамоқчи эмас, аксинча, шеърда самимий, камтарона рух ҳукмрон. Қиз ўз сиймосини йигит тасавурида яна бир бор гавдалантириб, ошуфта қалб билан ўз ёрини жасорат майдонига етаклайди. “Гар ўзимни кўрмоқ истасанг, ёвни енгиб, зафар билан қайт!” - дейишининг ўзидан қизнинг нияти, севгилисига ўтинчи ва ғалабани зориқиб кутиши сезилиб турибди.

Раъно Узоқованинг “Офарин” шеърида ҳам хат жанрига мурожаат этилган бўлиб, унда шоира она тилидан шундай дейди:

Она сугин оқлар ўгил сараси,
Кўшин юрса титрар тоғлар дараси,
Фашистнинг йўқ кочиб борар марраси,
Мард ўғлоним, битта қўймай қир барин!

Онанинг ўғлига мактуби орқали шоира халқ ўғлонларини душманни тезлик билан тор-мор этишга, буюк ғалаба билан уйга қайтишга чорлайди.

Умуман, уруш даври шеърияти кўтаринки рух, умуминсоний фазилатлар билан йўғрилган эди. Тўпламдаги ҳамма шеърлар ўткир публицистик руҳдаги жанговар поэтик асарлардир. Бу рух уларнинг ҳатто сарлавҳасигача сингиб кетган. Талантли журналист, қалами ўткир публицист-шоирларнинг хизматлари таҳсинларга лойиқ ва унутилмайдир. Алангали йиллар оловида тобланиб дунёга келган жанговар, сиёсий-публицистик руҳда ёзилган оташин шеърлар ҳали-ҳали ўз қиммати ва ҳароратини йўқотган эмас. Улар халқимиз қаҳрамонлигини улугловчи, ёвузлик ва урушни лаънатловчи қадриятлар сифатида биз учун ҳамиша табарруқдир.

“Ватан жонбозларига” тўпламидан ўрин олган асарларнинг баъзилари ҳақида адабиётларда қисман тўхталинган бўлса-да, лекин уруш даврида журналлар ўрнига чиқарил-

¹ Мамажонов С. “Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти”. Тошкент, 1975, 75- бет.

ган, ўзбек матбуотида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий тўпламлар, жумладан, айнан “Ватан жонбозларига” мажмуасига оид алоҳида фикрлар билдирилмаган. Бундан кўринадики, суронли уруш йилларидаги нашрлар ҳали теран ўрганилмаган, батафсил очилмаган соҳадир.

Мазкур тўплам ҳақида яна шуларни айтиш лозимки, давр талаби, замон нафасини чуқур ҳис қилиш, халққа бўлган чексиз муҳаббат каби фазилатлар билан йўғрилган асарлар ҳамиша ўз ўқувчисини топади. Шу ўринда ушбу мажмуанинг тўпловчиси шоир Туроб Тўланинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олиш жоиздир.

“Армуғон”, “Ўзбек ўғлонларига” ва “Ватан жонбозларига” тўпламларига киритилган ҳар бир асарда замон нафаси сезилиб туради. Айнан ана шу хусусият бизнингча, ушбу мажмуаларнинг биринчи ютуғидир. Иккинчидан, тўпламлардаги ҳоҳ назмий, ҳоҳ насрий асар бўлсин, улар муаллифлар томонидан масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёзилган. Ёзувчи, журналист, шоирларимиз хусусида гап кетганда эса, уларни бу даврда ёзувчи ёки шоир деб эмас, балки публицист-шоир, журналист-ёзувчи деб аташ жоиздир. Сабаби, бу вақтда ҳоҳ ёзувчи бўлсин, ҳоҳ журналист, ҳоҳ шоир - уларнинг барчаси шеър ҳам ёзди, очерк ҳам яратди, матбуотда оташин публицистик мақолалар билан ҳам қатнашди. Буни матбуотимиз ва унинг жонкуярлари оғир уруш йилларида эришган ютуқлар деб ҳисоблаш мумкин.

“Ўзбек ўғлонларига”, “Ватан жонбозларига”, “Армуғон” каби бу уч тўпламга киритилган публицистик мақолалар фашизмга қарши уруш даври публицистикасининг кичик бир қисми, холос. Улуғ жанг ва жанг қаҳрамонларига бағишланган публицистик асарлар эса тарихда ўчмас из қолдиражак.

Суронли уруш даврида Ўзбекистонда таржимачилик айниқса тараққий этди. А.Твардовскийнинг “Фронт шеърлари” (1941 й.), Якуб Коласнинг “Танланган асарлар”и (1942 й.), В.Маяковскийнинг мудофаа мавзуидаги “Маяковский ҳайқиради, Маяковский чақиради” (Максуд Шайхзода таржимаси), Н.Тихоновнинг “Ленинград

хикоялари ва шеърлари” (1943 й.), Лев Шапиронинг “Учинчи ўғил” киноповести (Абдулла Қаҳҳор таржимаси), Корней Чуковскийнинг “Ўзбекистон ва болалар”, М.Терещченконинг “Сўз ва шон”, Ю.Арбатнинг “Ҳиммат” асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Ўзбек тилида чиққан “Ғазабли Украина” (1944 йил, тиражи 10000 нусха) тўпламига эса, украин адабиётининг Павло Тичина, Максим Рилский, В.Сосюра, Микола Бажан, Микола Терещченко, Леонид Первомайский, Андрей Малишко, Михайло Стелмах каби 15 яқин таниқли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари киритилди. Бундан олдинроқ Пабло Неруда, Рафаэл Алберти, Антонио Мачадо, Иоганнес Бехер, Эмил Мадарас, Андор Габор, Ондра Лисогорский, Владислав Броневский ва Радуйе Стиенский каби жаҳон антифашист шоирларининг шеърларини ўз ичига олган “Қилич ва қалқон” (1942) тўплами ўзбек тилида нашр қилинган эди. Шунинг таъкидлаш жоизки, хорижий адабиётларнинг намояндалари ҳамда А.Ахматова, Н.Вирта, С.Городецкий, В.Гусев, В.Державин, А.Дейч, К.Зелинский, В.Иванов, А.Квитко, Я.Колас, А.Толстой, К.Чуковский ва В.Ян каби 30 га яқин рус ва қардош халқлар ёзувчиларининг Ўзбекистонда яшаши, Е.Э.Бертельс, Ш.И.Векслер, В.М.Жирмунский, Б.С.Мейлах, Д.Д.Благой каби олимларнинг ижод қилиши ўзбек адабиёти, фани учун жуда аҳамиятли бўлди.

Бу йиллари немис босқинчиларига қарши курашда “Ғазабли Украина” тўплами катта аҳамият қозонди. Украин шоирларининг ўзбек тилига таржима қилинган шеърлари фронтнинг ҳамма ерида бирдай жаранглаб, жангчиларимизга мадад берди. Мехнатқашлар қалбида фашистларга нисбатан ғазаб, ғалабага нисбатан ишонч уйғотди.

“ЗАФАР” - ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Фашистлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг 1945 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси томонидан “Зафар” номли адабий альманах нашр этилди. Унда Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Темур

Фаттоҳ, Уйғун (масъул муҳаррир), И.Икромов (рассом) каби ёзувчи ва ижодкорлар бевосита ҳамкорлик қилганлар (тиражи 8000 нусха).

Альманах ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарларидан ташкил топган. Унда Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романидан парча, Уйғуннинг шеърий туркуми, Абдулла Қаҳҳорнинг “Олтин юлдуз” қиссасидан парчалар, Миртемир, Темур Фаттоҳ, Чустий, Ғайратий, Зулфия, Саида Зуннунова, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Назармат, Ўткир Рашиднинг ғалабага бағишланган шеърлари ҳам кенг ўрин олган.

Болалар адабиёти бўлиmidан ёзувчи Шукур Саъдулланинг “Афсона яратган қиз” эртаги ва бир неча шеъри, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий каби шоирларнинг болаларга бағишлаб ёзган “Тўққизинчи май”, “Хўроз билан қирғовул” (эртақ), “Капалак билан асалари”, “Қизил гул” сингари шеърлари ўрин олган. Булардан ташқари, драматургия, халқ оғзаки ижоди, хат ва мулоҳазалар бўлиmlарида ҳам ўша даврда Ўзбекистонга келиб яшаган ва ижод қилган рус олимларининг ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек фольклори ҳамда замонавий ўзбек ёзувчилари асарларининг тахлилига бағишланган тадқиқотлари берилган. Е.Э.Бертельснинг “Бедил ҳақида мулоҳазалар” деган мақола-си мумтоз адабиётимиз ҳақидаги муҳим тадқиқотлардандир.

Тўпламга кирган шеърларида Миртемир халқ кулфати, дарди, ҳижронинигина эмас, унинг ғурури ва сурурини ҳам ифодалайди. Шоирнинг “Мард йигит, ёринг бўлай!”, “Ер”, “Боғ кўчада” каби шеърлари ғоятда теран ва қуйма мисраларга бойдир.

Альманах саҳифаларида шоира Зулфиянинг “Йигитлар келганда”, “Ҳижрон” шеърлари босилган. Уруш йилларидаги ўзбек аёлининг ватанпарварлиги, меҳнати, муҳаббат ва садоқати маҳорат билан ифодаланган, бу шеърларда акасини, отасини, қариндош-уруғини, сеvimли ёрини фронтга кузатиб, унинг ўрнида ғалабани тезлаштириш, висол айёмини яқинлаштириш учун меҳнат қилган, ҳижрон дардини мардона енган, севгисига содиқ ўзбек аёлларининг умумлашган сиймоси яратилади. “Ҳижрон” шеърида шундай дилбар мисралар бор:

Куз окшоми эди. Булутли окшом.
Ойдан тўкилмасди кумуш каби нур.
Азамат тераклар сафи хаёлчан,
Кўкка чўзган эди бошини мағрур.

Барглари сарғайган гуллар, дарахтлар
Окшом туманида сокин боққан чоғ,
Ёрим, севар ёрим жўнади жангга,
Менинг юрагимга тушди хижрон - доғ.

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!
Ишқ доим эрк учун хижронга рози.
Бу хижрон мангумас. Висоли ҳам бор -
Қаҳратон кишларнинг бўлгандай ёзи.

Бу шеър ихчамлиги, деталларнинг аниқлиги, фикран теранлиги билан эмас, чинакам ҳаётий ҳисларга бойлиги билан ҳам ўқувчини мафтун этади.

Бу хусусиятлар ёзувчи Ойдиннинг “Келинчак” ҳикоясида ҳам учрайди. Унда хижронга мардона дош бераётган аёл образи тасвирланади, қаҳрамоннинг “ишқ, эрк учун хижронга рози” эканлиги ҳаётий воқеалар орқали очилади, ёрини фронтга жўнатган ёш келин ва у билан бирга ишлайдиган бригада қизларининг ҳаёти акс эттирилади.

Уруш даврида ўзбек шоирлари мумтоз адабиёт ва фольклор анъаналаридан кенг фойдаланишди. Бу қаҳрамонлик, дўстлик, инсонпарварлик, айниқса, вафо ва садоқат каби мавзуларни ёритишда, мактуб–ғазал, рубоий, қасида сингари жанрлардан фойдаланишда, Гўрўғли, Авазхон, Равшанхон, Фарход образларига мурожаат этишда, тасвирда кўтаринкиликка интилишда кўринди. Мисол тариқасида тўпلامдан жой олган Чустий ғазалларини келтириш мумкин. Унинг “Севгим келди”, “Фарходлар Фарходи”, “Келдилар” каби ғазалларида жанг майдонидаги қаҳрамонларнинг мардлиги, уруш тугагач дунё уларга тасанно ўқиши куйланади. Хусусан, “Келдилар” ғазалида:

Эй гўдак, беҳад қувон, эй оналар, ўғлингни ўп,
Оқ сутинг оқлаб сени, айлаб ризолар келдилар.

Боди сапсар энчи бўлсин ер юзин тўйга чақир,
Чустий фарзандлар, жигарлар, ошнолар келдилар,-

дея ғолибларни олқишлади, шарафлади.

Альманах саҳифаларида Ҳамид Ғуломнинг Собир Раҳимов хотирасига бағишлаб ёзган “Алвидо” шеъри берилган. Шеърда машҳур ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг жасорат ва матонати мадҳ этилган.

Мажмуада, юқорида айтганимиздек, Шукур Саъдулланнинг “Афсона яратган қиз” эртаги ҳам берилган. Жангга кетган акасини соғинган қиз дийдор кўришиш учун афсонавий жасорат кўрсатади.

Она юрт, кулоқ бер менинг додимга.
Сирингни оч, етай мен муродимга.
Қийнама, қизингман, ўн тўртда ёшим,
Билакда кучим бор, ғайрат - йўлдошим.

Ёзувчи меҳнат фронтида жавлон урган қизни шамол ва бўронлар билан тўкнаштиради. Лекин қиз шунча қийинчиликларни енгиб далада пахта етиштиради, юқори ҳосил олиб, катта Ғалаба байрамига боради. У қаҳрамон акасини шу байрамда учратиб қолади. Акаси ҳам синглиси каби ва унинг бахти учун тўрт йиллик оғир жангларда афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатган эди. Шундай қилиб, қиз ўз меҳнати туфайли акаси билан дийдор кўришади.

Зафар Диёрнинг “Тўққизинчи май” шеъри узоқ кутилган Ғалабанинг шоирона ифодасидир:

Бугун пойтахт мардлар шаънига
Бир минг тўпдан йўллади салом!
Тушундингми ўғлим бу нега? -
Қонли уруш бўлибди тамом!

Зафар Диёр уруш даврида ёзган шеърларнинг кўпчилигида халқимизнинг мамлакат ичкарасидаги фидокорона меҳнати, жангчиларига кўрсатган ҳурмат ва ҳиммати болалар тилидан ҳикоя қилинади. Меҳнатсевар хотин-қизларнинг, саховатли чол-кампишларнинг, тиниб-тинчимас, сер-

гайрат болаларнинг эсда қоларли, жонли образлари чизилди. “Поезд кетар фронтга” шеърида вагонларда Ғарб томон олиб кетилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, ўқувчининг онаси командир учун тикиб юборган пахталик, жангчиларга мадад бериш учун ўзи йўллаган китоб ва совға-саломлардан ҳар бири алоҳида таърифланади.

Қуддус Муҳаммадий эса, турли хил паррандалар, ҳашаротлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина шеър ва эртаклар ёзганки, улар ҳам болаларга манзур. Шоирнинг “Капалак билан асалари”, “Болари”, “Ипак қурти”, “Ўргимчак ва ипак қурти хангомаси” асарлари фикримизнинг ёрқин далилидир. “Капалак билан асалари” шеърида иккала ҳашаротнинг суҳбати берилади:

Ари деди: - Оғайни, бизларда катта рўзғор.
Бола-чака ўсмоқда, ҳар бирига уй даркор.
Ҳадемай қиш ҳам яқин, тайёргарлик керак пича,
Дам олиш ҳам ёмонмас, чарчайсан уча-уча.

Капалак:

- Ўйин-кулгу ҳамма вақт,
Вақтинг бўлса қочмайди.
Қиш - совуқ-изғиринда
Ҳеч ким эшик очмайди.

Капалак ўйнаш учун
Гулзор томон йўл олди.
“Энди сизга хайр” деб,
Ари ҳам жўнаб қолди.

Юқорида тилга олинган шеърларида Қуддус Муҳаммадий болаларга катталар меҳнатини ҳар тарафлама ёритиб беради. Ёшларга меҳнатсиз ҳаёт қанақа-ю, меҳнат қилиш қандайлигини ўргатади. Ҳаёт меҳнат ва курашдан иборат эканлигини бадий тасвирлаб беради. Шеърларнинг қаҳрамонлари ўз меҳнатсеварлиги билан ёш китобхонда ижобий хусусиятларни шакллантиради.

Тўпламнинг драматургия бўлимида Собир Абдулланинг

“Алпомиш ва Ойбарчин” асари (музикали драмадан икки сахна) берилган. Ўзбек халқининг машхур “Алпомиш” қахрамонлик достони асосида яратилган. Бу асар ўзбек жангчиларининг немис-фашистларга қарши курашида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Альманахдан “Қирқ қиз” номли қорақалпоқ қахрамонлик эпосидан парчалар ҳам ўрин олган. Қурбонбой бахши Тожибой ўғлидан 1939 йили ёзиб олинган.

Достон эрксеварлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Унинг бош қахрамони Гулойим қирқ дугонаси, ошиғи Арслон билан бирга Эрон шоҳи Нодиршоҳ ва қалмоқ хони Суртойши хужумига қарши юрт ҳимояси учун отланади. Гулойим жангга киришдан олдин ўз ҳамроҳларига беҳуда қон тўкмасликни уқтиради. Юртни озод қилиб қорақалпоқ, туркман, ўзбек ва қозоқ халқлари вакилларида иборат давлат тузади. Достондаги Гулойим, Олтиной, Ўтбосган, Арслон, Сарвиноз каби образларда жасурлик, ватанга садоқат, инсонийлик, душманга шафқатсизлик ғоялари ифодаланган.

Достоннинг сюжет чизиғи Тўмарис, саклар маликаси Зарина ҳақидаги ривоятларга ўхшаб кетади. Тўпلامда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Чамбил” достонидан (“Гўрўғли” достонлар туркумидан) парчалар берилган. Унда тасвирланишича, Гўрўғли Ҳасанхонни ўғил қилиб олиб келиш мақсадида Ваянганга кетади. Бундан хабар топган Ширвон шоҳи Райхон араб Чамбилга қўшин тортади. Юнус пари билан Мисқол пари Чамбил хотин-қизларини мамлакат мудофаасига отлантиради. Жанг пайтида Гўрўғли ҳам йигитлари билан етиб келиб, Чамбилни душман хужумидан ҳимоя қилади. Достон мамлакат мудофаасида хотин-қизларнинг ўрни катта эканини кўрсатиши билан характерлидир. Унда душманга нисбатан нафрат, халқ олдидаги бурчни шараф билан адо этиш ғоялари улуғланади.

Шуни таъкидлаш керакки, фашизмга қарши уруш даврида тарихий мавзуга катта эътибор берилди. Ўтмишимиз ва унинг машхур намояндалари - тарихий шахслар ҳақида ўша йиллари яратилган кўпгина асарлар адабиётшунослигимизда ўзининг муносиб баҳосини олди. Шулар жумласига Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Ойбекнинг “Маҳ-

муд Торобий”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин”, Садриддин Айнийнинг “XX аср Чингизхони”, “Уруш ва зафар киссаси”, “Муқанна исёни” каби асарларини кири-тиш мумкин.

Инсониятни фашизм асоратидан кутқариб қолиш учун хаёт-мамот кураши кетган ўша оловли, жанговар йиллардан тобора узоклашиб бораётирмиз. Урушнинг сўнгги тўп овозлари эшитилган пайтдан бери орадан салкам 60 йил вақт ўтди. Вақт ўтгани сари ўша дахшатли уруш, оламшумул Ғалаба ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Бу мавзуда жилд-жилд асарлар яратилди, бироқ, у кўплаб илмий, фалсафий, бадиий асарлар учун битмас-туганмас манба бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 мартда чиқарган Фармони билан 1941 - 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов шундай қалб сўзларини изҳор этди: “Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу байрам бизга, бизнинг халқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга қалбларимизни изтиробга солади.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, беғубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамыз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ватанимизнинг тўрт юз минг фарзанди, жанг майдонларидан қайтмаганларни, шаҳид бўлганларни, умри хазон бўлганларни чуқур изтироб билан эслаймиз, уларнинг халқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, фронт орқасида меҳнат қилган фидойи юртдошларимизни, “қора хат” юрагини доғлаган ота-оналарни, гулдай умри хазон бўлган келинчақларни, ота меҳ-

рига тўймаган етим-есирларни эсламасдан иложимиз йўқ.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиздаги яралар янгиланади. Чунки юртимизда урушдан жафо чекмаган бирорта хонадон, оила йўқ.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш - барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак”.¹

Хулоса қилиб айтганда, фашизм билан бўлган уруш йиллари нашр этилган ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий тўпламлар ватан, халқ, байналмилал дўстлик ҳақидаги ёдномалардир. Бу тўпламларга асарлари жамланган забардаст журналист-публицистлар, ёзувчиларнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Бироқ уларнинг публицистикаси, шеър, ҳикоялари ғалабага қўшилган муносиб тухфа бўлди. Зеро, бундай асарлар маданий-маънавий меросимизнинг тарихий, адабий-бадиий намуналари бўлиб, ўз вақтида алоҳида аҳамият касб этган эди.

1941 йил... таҳқирланган, ҳақоратланган, топталган, кули кўкка созурилган, вайроналар ичра забардаст қадам ташлаб, “Ватан учун” Берлин остоналаригача етиб борган “Зафар” кучган “Ўзбек ўғлонлари” мангу барҳаётдир.

1945 йил... ғалаба йилида “Ватан жонбозлари”га, озодлик қурбонларига бағишланган мадҳиялар бадиият вакиллариининг “Армуғон”ида ҳам янграб туради. Чунки Ватан - бахт, иқбол манбаи. Ҳақиқий бахт - озодлик ва мустақилликда.

Бу умри боқий мавзулар ҳозирда Президент И.А.Каримовнинг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деб номланган китобларида яна ҳам теранроқ ифодалаб берилган. Ватан тақдирига бефарқ қарамаслик келажакка яхши умидлар билан боқаётган республикамиз меҳнаткашларига Ватан тақдири, келажак тўғрисида қайғуриш туйғуси “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” эканлигига ишонч уйғотишда ҳам юқорида номлари баён этилган тўпламлар мудом ҳамқадам ва ҳамнафас бўлади.

¹ Каримов И.А. “Диёримиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин”. “Тошкент окшоми” газетаси, 1995 йил, 12 май.

Уруш йиллари ҳамкорликда ижод қилиш кучайди. Тўпламларда лирика ва публицистика бир-бири билан узвий боғланиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларда уруш даври зиддиятлари фожиавийлиги билан акс этган. Урушдаги инсон тақдирини, шу орқали уруш моҳиятини очиб кўрсатишга бўлган интилиш бирмунча устувордир. Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши даврида газета-журналлар нашр этиш қанчалик қисқариб кетган бўлмасин, уларнинг вазифасини ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий тўпламлар муайян даражада бажарган. Бинобарин, фашизмга қарши уруш йиллари даври “Ўлим ёвга”, “Ватан учун”, “Мард ўғил”, “Шонли Ленинград”, “Ўзбеклар”, “Ватан чақириғига жавоб”, “Ғазаб кўшиқлари”, “Армуғон”, “Ватан жонбозларига”, “Қасам”, “Ўзбекистон баҳодирлари”, “Зафар” коллектив адабий-бадиий тўпламлар чоп қилингани билан ҳам адабиётимиз ва матбуотимиз тарихида ажралиб туради.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ АДАБИЙ-БАДИИЙ ЖУРНАЛЛАР

Фашизм билан бўлган урушдан кейинги йилларда ҳам илғор фикрли кишиларни сургун қилиш, йўқотиш давом этди. Бошқача фикрловчи одамларни қатағон қилиш ВКП(б) Марказий комитетининг 1946 йил августда чиққан “Звезда” ва “Ленинград” журналлари тўғрисидаги, 1947 йил март ойида қабул этилган шу руҳдаги бошқа қарорларидан сўнг янада кучайди. Аниқроғи, сиёсий тазйиқларнинг янги босқичи бошланди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз уктириб ўтганларидек: “Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга - ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик - халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид...”

Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торождлар кечмади”.¹ Чунончи, 1949 - 1952 йилларда

¹ Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994 йил, 118-бет.

кўплаб машхур ўзбек ижодкор зиёлилари ўринсиз равишда айбланиб, қатагон қилиндилар. Ўзкомпартия МКнинг 1949 йил 25 июндаги Бюро мажлисида бир гуруҳ ёзувчилар миллатчиликда, эски феодал маданияти олдида бош эгишда, ўтмишни идеаллаштиришда айбландилар.

1951 йил январида миллатчиликда айбланган Ойбек, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Ёнғин Мирзо ва бошқа ижодкорлар ҳибсга олиниб, бир йилдан кейин ҳар бири 25 йилга ҳукм қилинди. Бир қанча олимлар, жумладан, файласуф В.Зоҳидов буржуа миллатчилигида, тарихчи А.Бобоҳўжаев пантуркчиликда, иқтисодчи М.Аминов буржуа миллатчилари билан алоқада бўлганликда айбланиб, партия сафидан ўчирилди.

Москванинг партиявий-маъмурий тазйиқи¹ остида Ўзкомпартия марказкоми 1968 йил 9 октябрда “Ўзбекистон ёзувчилар жамоасининг ўз матбуот органларига раҳбарлиги тўғрисида”² қарор қабул қилди. Унда “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналлари ва “Ўзбекистон маданияти” газетасининг фаолияти қаттиқ танқид остига олинди.

Партия томонидан қўлланган бундай жазолар КПССнинг XXVIII съездига қадар давом этди, десак хато қилмаган бўламиз. Жумладан, 1982 йили КПСС МК “Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида”³ қарор қабул қилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу қарорда журналларнинг бошланғич партия ташкилотлари дунёқараш соҳасида таҳририят жамоалари ролини оширишлари зарурлиги, ижтимоий ҳодисаларни аниқ синфий позицияларда туриб талқин этиш шартлиги каби жиҳатлар кўрсатиб берилганди.

1982 йилдаги “Шарқ юлдузи” (Ҳ.Абдусаматов), “Звезда Востока” (Александр Удалов) каби журналларнинг бош муҳаррирлари, журналлар ҳақидаги гапларнинг ҳаммасини

¹ Постановление ЦК КПСС от 11 мая 1967 г. Записка Отдела пропаганды ЦК КПСС об ошибках редколлегии узбекского литературно-художественного журнала “Звезда Востока”.

² Из протокола № 45. III Заседания секретариата ЦК КП Узбекистана от 9 октября 1968 г. “О руководстве печатными органами”.

³ КПСС МК “Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1982 йил 6 август, 1-бет.

худди “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”га айтилгандек қабул қилдик. Қарорда кўрсатилган журналларнинг ютуқ ва нуқсонлари ушбу журналларимизга ҳам тўла тааллуқлидир”,¹ деб ёзгандилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, истиқлолимиз шарофати ўлароқ “Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг қад ростлашида сезиларли қадамлар кўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда. Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қуряпти”.²

Ўзбекистон мустақиллик арафасида жуда катта ўзгаришлар яратишга қодир эканлигини намоиш этди. Бунинг ёрқин далили сифатида Ўзбекистоннинг йирик журналлари - “Шарқ юлдузи” ҳамда “Фан ва турмуш” саҳифаларида чоп этилган маданий ҳаётимизга доир мақолаларни кўрсатишимиз мумкин.

Журналларимиз маданий ҳаёт муаммоларини ўзгача тарзда қўя олдилар. Миллий ғурурни тиклаш ҳаракати билан давр садолари уйғунликда янграй бошлади. Ҳолбуки, Ўзбекистонда нашр этилиб турган журналларда фашизм билан бўлган урушдан сўнгги йиллари ўзбек миллий қадриятларини тарғиб қилиш у ёқда турсин, ҳатто бу муаммо мавжудлиги ҳақида умуман лом-мим дейилмаган эди.

Ўша йиллар журналларининг тарихий-тадрижий ривожига ҳақида гап кетганда, аввало шунга айтиш керакки, хусусан, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари 1947 йилнинг май ойигача икки сони бир китоб ҳолида босилиб келди. Нашр ишларида кўпгина қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийларидан бири босмаҳоналар моддий-техника ускуналари билан етарли даражада таъминланмаганида эди. Бирок, урушдан сўнгги дастлабки йилларданок журналларимиз ҳам ташкилий, ҳам ғоявий-сиёсий, ҳам илмий-назарий жиҳатдан янгилана бошлади.

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1982 йил, 6 август.

² Каримов И.А. “Ҳалоллик ва фидойилик - фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин”. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1994 йил, 7-бет.

Тиббиёт, биология, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид журналлар билан бир қаторда, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” каби ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналларда ҳам янги-янги рукнлар ташкил топди. Масалан, “Шарқ юлдузи” журналида “Социалистик меҳнат қаҳрамонлари”, “Ёшлар саҳифаси”, “Болалар адабиёти саҳифаси”, “Тинчлик ва демократия учун”, “Публицистика”, “Халқаро тинчлик мукофотининг лауреатлари”, “Консультация”, “Қардош республикалар адабиётидан” каби янги рукнлар очилди. Бирок, ўтмиш маданий мероси, унинг маънавиятимиз ривожини учун зарур томонлари тўғрисида баҳс юритувчи рукнлар ташкил этилмади.

Бу даврдаги ўзбек адабий журналларида рус адабиётшунос олимларининг илмий-назарий тадқиқотлари тез-тез босилиб турди. Уларда умумсовет адабиёти, коммунистик ва байналмилал ғоя улуғланди, шу мафкурага хос турли миллат қаламкашларининг ўзаро бирлашишлари ва ижодий ҳамкорликлари хусусида жўшиб сўзланди, баҳслар юритилди.

“Шарқ юлдузи” журналида проза бўйича тахминан эллиқдан ортиқ роман ва повесть эълон қилинди, уларнинг қирқдан ортиғини таржима асарлари ташкил этади. Улар орасида Максим Горький ва Владимир Маяковскийнинг асарлари билан бирга А.Фадеевнинг “Ёш гвардия” (О.Рахимов таржимаси, 1947 й.), М.Шолоховнинг “Улар Ватан учун жанг қилдилар” (М.Ҳаким таржимаси, 1946 - 1947 йиллар), С.Бабаевскийнинг “Олтин юлдуз кавалери” (М.Ҳаким таржимаси, 1949 йил), “Ер устида нур” (М.Ҳаким таржимаси, 1950 йил), В.Ажаевнинг “Москвадан узоқда” (Мирзакалон Исмоилий таржимаси, 1950 йил), П.Павленконинг “Бахт” (Ҳ.Назир таржимаси, 1953 йил), Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” (Кибриё таржимаси, 1953 йил), В.Поповнинг “Пўлат ва шлак” (М.Ҳаким таржимаси, 1951 - 1952 йиллар) асарлари бор.

Журнал саҳифаларида таржима повестлар ҳам кўп босилди. Жумладан, А.Н.Радищев, Н.В.Гоголь, А.П.Чехов асарлари. И.Гуронинг “Оқ йўл” (Мирзакалон Исмоилий таржимаси, 1948 йил), В.Авдеевнинг “Подалар йўлларда” (Зумрад ва Кибриё таржимаси, 1948 йил), С.Қаландарнинг

“Биз Ўролда” (М.Бобоев таржимаси, 1947 йил), чех адиби Ю.Фучикнинг “Қатл олдидаги сўз” (Р.Файзий таржимаси, 1951 йил), румин қаламкаши М.Садовянунинг “Митря Кокор” (К.Йўлдош таржимаси, 1951 йил) асарлари бор.

Шеърый таржима соҳасида эса рус халқининг машхур “Игорь жангномаси” (Асқад Мухтор таржимаси, парча, 1950 йил), А.С.Пушкиннинг “Қизғанчиқ рицар” (фожиа, Асқад Мухтор таржимаси, 1949 йил), “Ўлат чоғидаги базм” (пьеса, Мақсуд Шайхзода таржимаси, 1949 йил), Н.А.Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?” (поэма, Миртемир таржимаси, 1951 йил), Мирза Фатали Охундовнинг “А.С.Пушкиннинг ўлими ҳақида Шарқ поэмаси” (М.Бобоев таржимаси, 1949 йил), татар шоири Ходи Тоқтошнинг “Келажакка хатлар” (1951 йил), В.В.Маяковскийнинг “Жуда соз” (Мақсуд Шайхзода таржимаси, 1948 йил), “Ҳайкирик” (Асқад Мухтор таржимаси, 1952 йил), К.Симоновнинг “Дўстлар ва душманлар” (М.Бобоев таржимаси, 1950 йил) ва бошқа бир қанча поэмалар, шеърый қиссалар, балладалар журнал саҳифаларида ўзбек ўқувчиларига тақдим этилди.

Ўзбек адабий журналлари ўз саҳифаларида, юқорида таъкидланганидек, муҳим муаммоларни кўтариб чиқиш сингари ижодий фаоллик, ташаббускорлик соҳасида бирмунча оқсар эди. Тўғри, “Шарқ юлдузи” журналида 1946 - 1955 йиллар мобайнида Назир Сафаровнинг “Қахрамоннинг туғилиши” (1949 й.), “Ойша кампирнинг овози” (1950 й.), “Олияхон” (1953 й.), Раҳмат Файзийнинг “Раис” (1948 й.), “Улғайиш” (1948 й.), Ҳаким Назирнинг “Тўқувчи достони” (1949 й.), “Механизатор Тўлаган Тошев” (1955 й.), А.Мухторнинг “Жанжалнинг маънисини нима?” (1949 й.), Ёқубжон Шукуровнинг “Камолот” (1947 й.), Ҳабиб Нўмоннинг “Бирлашиш” (1950 й.), Собир Абдулланинг “Талантли раққоса” (1951 й.) каби очерклари нашр этилди. Ёзувчиларнинг публицистик асарлари, хусусан, Ғафур Ғуллом, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Мақсуд Шайхзода, Баҳром Раҳмонов кабиларнинг бадиий-публицистик мақолаларига ҳам кенг ўрин берилди. Қаламкашлар ўзларининг Европа ҳамда Осиё мамлакатларига қилган сафарлари, Жаҳон Тинчлик Конгрессларининг ишида қатнашувла-

ри самараси бўлган очерк ва публицистик мақолаларида, шеърӣ туркумлари ва повестларида воқеликни акс эттиришга интидилар.

Ўзбек адабиётида ҳам янги тарихий шароитда ҳаётни бадиӣ ўзлаштириш томон айрим силжишлар рӯй берди. Ёзувчилар халқимизнинг яқин ўтмиш тарихини ёритиш ва уруш даври материаллари устида фикр юритар эканлар, замоннинг ўткир муаммоларини бадиӣ жиҳатдан таҳлил этишга интилар эдилар. Бу давр ўзбек адабиётида роман ва қисса жанрларида жонланиш юз берди. “Шарқ юлдузи” саҳифаларида эълон қилинган Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор” (1947 йил романнинг сўнгги варианты журналнинг 1951 - 1952 йиллардаги сонларида қайта нашр этилган), Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” (1949 - 1950 йиллар), Парда Турсуннинг “Ўқитувчи” (1951 йил) романлари ва бошқа йирик жанрдаги асарлари адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун метод, типиклик муаммолари, ғоявийлик ва бадиӣ маҳорат каби масалалар ҳақида эстетик-назарӣ йўналишда фикр юритишга имкон берди. Журналларда янги роман, қисса, пьеса, дoston, хикоя, шеър китоблари бўйича Ҳ.Ёқубов, Л.Қаюмов, В.Зоҳидов, А.Алимухамедов, Г.Владимиров, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, М.Нурмухамедов, Ҳ.Абдусаматов, С.Мирвалиев, С.Мамажонов, Б.Имомов каби тадқиқотчиларнинг адабий-танқидӣ мақола ва тақризлари босилди.

Журналларда Алишер Навоӣ мероси, Бобурнинг адабий-илмӣ фаолияти, XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек дostonчилигида халқ руҳи, Навоӣ анъаналарининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилиши, ўзбек мумтоз адабиёти, фольклор ва миллий мусиқа соҳасининг баъзи бир муаммолари хусусида Ойбек, Ғафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Ҳоди Зарифов, Мақсуд Шайхзода, Ғулом Каримов, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаев, Эргаш Рустамов ва бошқа олимларнинг илмӣ асарларига бирмунча ўрин берилди.

Урушдан сўнгги ўзбек адабий танқидчилиги, журналистикаси ва унинг тарихини бадиӣ таржима асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Журналистика, адабиётшунослик ва танқидчилик ҳам умумадабиётимиз билан қадам-бақадам

тўхтовсиз ривожланди. 1956 - 1967 йиллар журналларида чиққан ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги муаммоларига бағишланган кўплаб мақолалар бунга далил бўла олади. Умуман, бу даврда адабиёт янги роман, хикоя, драма, сатира, бадий публицистиканинг айрим жанр ва турлари билан бойиди. Жумладан, Ойбекнинг “Болалик”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртактар”, Назир Сафаровнинг “Узокни кўзлаган киз”, Иброҳим Раҳимнинг “Зангори кема капитани”, Ғайратийнинг “Рустамжоннинг бошидан кечирганлари”, Ҳаким Назирнинг “Ёнар дарё”, Сарвар Азимовнинг “Кўзлари чўлпон”, Саида Зуннунованинг “Олов”, Шукур Холмирзаевнинг “Тўлқинлар”, Ўлмас Умарбековнинг “Одамда ташвиш бўлгани яхши”, “Ўткир Ҳошимовнинг “Шамол эсаверади...”, Саъдулла Кароматовнинг “Бир томчи қон”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сехрли қалпоқча”, Нодир Назаровнинг “Замон” ва бошқа йирик проза асарлари шу даврда чоп этилди. Адабий журналларда проза асарлари билан бирга сценарийлар ва драматик асарлар ҳам босилиб турди. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак”, Ш.Рашидов, Ю.Карасев ва Б.Приваловнинг “Камолот”, Р.Файзийнинг “Сен етим эмассан”, “Ёр-ёр”, М.Еленин ва Г.Марьяновскийнинг “Ўлимдан сўнгги ҳаёт”, “Ҳаётнинг ўн икки соати”, В.Алексеев, О.Агишев, К.Ёрматов, М.Мелкумов ва Н.Сафаровнинг “Осиё тонги”, Н.Кладонинг “Тонгда тинчлик”, Дм.Холендронинг “Сайёд кўнғироғи”, С.Азимов ва Н.Рожковнинг “Ватан фарзандлари” каби киноповест ва адабий сценарийлари; Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Уйғуннинг “Парвона”, Иззат Султоннинг “Номаълум киши”, Б.Раҳмоновнинг “Мардлар кассаси”, С.Азимовнинг “Қонли сароб”, Рамз Бобожоннинг “Тоға-жиянлар”, М.Бобоевнинг “Гўзаллик истаб”, Шукур Саъдулланинг “Икки билакузук”, Шукруллонинг “Табассум ўғрилари”, Туроб Тўланинг “Қари киз”, Зиннат Фатхуллиннинг “Ёшлиқда берган кўнгил”, Ҳ.Шариповнинг “Ота ўғил”, М.Каримовнинг “Қалам қошлигим” ва бошқа адибларнинг драматик асарлари ана шу жумладандир.

Ҳаётини муҳим масалаларни тарғиб қилишда журналистиканинг публицистик кўтаринкилик, хужумкорлик,

жанговарлик, таъсирчанлик каби хусусиятларининг ошишида рус, ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз, қорақалпоқ тилларида чиқадиган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг адабий журналлари ҳамда нашриёт ходимларининг минтакавий кенгашлари (1958 йилда бошланган) ҳам муайян аҳамият касб этди. Уларда адабий журналистиканинг муайян босқичдаги вазифалари, қардош халқлар адабиётлари, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари асарларидан таржималар бериб борилиши, айниқса, журнал ва тўплам(альманах)ларда бадиий очерк жанрини тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар аниқ кўрсатилди.

“Шарқ юлдузи” журналида Ойбекнинг “Улуғ йўл”, Шароф Рашидовнинг “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”, Асқад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси”, “Туғилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, Ҳамид Ғулومнинг “Машғал”, “Сенга ингиламан”, Собир Абдулланинг “Мавлоно Муқимий”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отпунча”, Иброҳим Раҳимнинг “Чин муҳаббат”, “Тақдир”, Мирмуҳсиннинг “Чиникиш”, Саид Аҳмаднинг “Хукм”, “Уфқ”, Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар”, Ҳабиб Нўмон ва А.Шораҳмедовнинг “Ота”, Вали Ғафуровнинг “Вафодор”(игна билан ёзилган роман), Одил Ёқубовнинг “Ота изидан”, “Эр бошига иш тушса...”, Шухратнинг “Олтин зангламас”, Жуманиёз Шариповнинг “Хоразм” романлари босилган. “Звезда Востока” журналида эса, С.Бородиннинг “Самарқанд осмонида юлдузлар”, М.Шевердиннинг “Чўлдаги соялар”, К.Симоновнинг “Тириклар ва ўликлар”, А.Удаловнинг “Костя Спиридоновнинг ҳаёти ва саргузаштлари” ҳамда бошқа кўплаб рус қаламкашларининг романлари нашр этилди.

Аммо журналлар эълон қилган баъзи асарларда ҳаёт ҳодисаларининг ижтимоий-эстетик моҳиятини бадиий образлар воситасида ҳаққоний ва чуқур таҳлил эта олмаслик, бадиий ифода ўрнини декларативлик, риторика, сийқалик каби камчиликлар ҳам мавжуд эди. Чунончи, Ҳабиб Нўмоннинг “Фасллар”, М.Елинининг “Охирги имтиҳон”, Нажимовнинг “Янги ер устида байроқ” повестлари, Суннатилла Анорбоев ва С.Волгиннинг баъзи прозаик асарлари, Назир Сафаровнинг “Ҳаёт мактаби”, Уйғуннинг

“Сўнги пушаймон”, Исҳоқ Ўктамнинг “Кечирилмас гуноҳлар” номли пьесалари шундай асарлар жумласидандир.

Адабий журналистика маълумотларига қараганда, 1956 - 1959 йиллардаёқ ўзбек адабиёти юксалиш палласига кирган. Агар 1951 йили Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишлаб журнал ҳамда нашриётларда ўзбек ёзувчиларининг атиги 3 роман ва 4 қиссаси рус тилида нашр этилган бўлса, 1959 йилги декада муносабати билан 14 дан ортиқ роман, 13 дан ортиқ қисса рус тилида босилган. Агар 1951 йилги декадага 106 номдаги китоб билан борилган бўлса, 1959 йилги декадага 346 асар олиб борилди. Бундан ташқари, Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда чақирилган конференцияси муносабати билан ўзбек қаламкашларининг бир қанча асарлари хорижий тилларга таржима қилиниб, “Ўзбек прозаси” ва “Ўзбек поэзияси” номли тўпламлар, альманахлар шаклида нашр этилди.

Фашизмга қарши олиб борилган урушдан сўнги ўн йил ичида ва ундан кейинги йиллари ўзбек адабиётида наср, назм ва драматургиянинг раванқ топишида журналистика ва адабий танқиднинг ҳиссаси катта бўлди.

1956 - 1967 йиллари ҳар хил йўналишдаги кўпгина журналларнинг янгидан ташкил этилиши ўзбек маданияти, санъати, адабиёти ва журналистикасининг янги йўналишлари учун замин бўлди.

Умуман, республикадаги катта ҳажмли “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари наср, назм ва драматургия тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Журналларда наср, назм ва драматургиянинг ранг-баранг жанрларида янги асарлар босилди. Бирок, мазкур давр мобайнида бошқа тиллардан қилинган бадиий таржима асарлари, маҳаллий ўзбек адибларининг нашр этилган оригинал асарларига нисбатан анчагина кўп эди. Бу фикр ишонарли бўлиши учун қуйидаги рақамларга мурожаат этайлик. Масалан, 1946 - 1955 йиллари “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ўзбекистон хотин-қизлари” ва “Пионер” журналларида ҳаммаси бўлиб 50 дан ортиқ роман (буларнинг 35 дан ортиғи таржима), 55 га яқин қисса (буларнинг 30 дан зиёди таржима), 48 та пьеса (34 таси таржима), 65 дан ортиқ

достон (35 таси таржима) чоп қилинди. Жами 130 га яқин таржима ва 86 оригинал асар, улардан парчалар журналларда эълон этилган. Ўзбек тилига таржима қилиниб, мазкур матбуот органларида босилган ҳикоялар, очерклар, шеърлар бу ҳисобга киритилмади. Кўриниб турибдики, “Шарқ юлдузи” журналида оригинал асарларига нисбатан таржима асарлари ортиқ бўлиб, 60 - 70-йиллари ҳам, ҳатто 80-йилларнинг бошларига келиб ҳам бу кўрсаткич асло пасайгани йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабий журналистикасининг Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги ўн йиллик даврдаги асосий қиёфаси тинч қурилиш, тинчлик учун кураш, замонавий мавзуларга ўтиш жараёнини акс эттирилганлиги билан изоҳланади. Бу жараён кейинги йиллари ҳам давом этди. Ушбу ҳол ўзбек журналистикаси тараққиётида адабиётнинг, қолаверса, публицистиканинг оммага бўлган таъсир кучи ўсганлиги билан изоҳланади.

“ФАН ВА ТУРМУШ” МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА

80-йилларнинг ўрталарига келиб, қайта қуриш жараёни туфайли журналлар саҳифаларида халқнинг дарди, муаммолари, топталиб бораётган кадриятлари акс эттирила бошлади. Сийқаси чиққан, муштарийлар ғашини келтирадиган материаллар ўрнини ўтқир муаммоли, дадил мақолалар эгаллади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-оммабоп нашри “Фан ва турмуш” журналининг фаолияти ибратлидир.

Бу ҳолни турлича изоҳлаш мумкин. Аммо Президентимизнинг 1994 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқидан олинган қуйидаги иқтибос айни ҳақиқатдир: “Ўзингиз ўйлаб кўринг, 70 - 75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяғи ўша тарбия билан қотган. Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб

олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим.

Албатта, эски сиёсатдан воз кечиш жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш - ғоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва катта масъулият керак...

Шунинг учун ҳам жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таянишни мен ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайман. Бу масаланинг ҳаётимизнинг барча тармоқларига, шу жумладан, илму фан соҳасига ҳам бевосита дахли бор”.¹

Тўғриси айтганда, узоқ давр мобайнида “Фан ва турмуш”нинг деярли ҳар бир сонидида ҳаёт муаммоларига тегишли битта-иккита йирик-йирик мақола эълон қилиб келинади. Журналнинг аввалги йиллари чоп этилган сонларини варақлаб кўриб бунга иқрор бўлиш мумкин. Эътибор берадиган бўлсак, кейинги йиллари фаннинг турли соҳаларига журнал саҳифаларида тобора камроқ ўрин берилиб, фан муаммолари бўйича йирик-йирик мақолалар кўзга ташланмайди.²

Аслида журнал, биринчи навбатда, Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг олимлари лабораторияларда олиб бораётган илмий тадқиқотлар, эришилган ютуқлар ва уларни амалиётга татбиқ қилиш ҳақида мазмунли ахборотлар ёритиши лозим эди. Бирок, бу соҳага эътибор анча сусайганлигини тушуниш мумкин. Бир неча йил давомида, аниқроғи, миллий истиқлол арафаларида “Фан ва турмуш”нинг йўналиши кескин ўзгариб, унинг саҳифаларида асосий ўринни Туронзаминнинг ўрта аср ва янги тарихи ҳақидаги мақолалар эгаллай бошлади. Ўзбек халқининг унутилиб бораётган миллий урф-одатларини тиклаш ишлари тарғиб қилинадиган бўлди. Табиийки, бу билан журнал жуда кўплаб муштарийларни ўзига жалб этди.

“Фан ва турмуш” аввало халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш масаласига катта эътибор берди. Дарҳақиқат, Туркистон замини XIX асрнинг 60-йилларида

¹ Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994 йил, 48-бет.

² “Фан ва турмуш” журнали, 1991, 6-сон, 17 - 19-бетлар.

Россия тарафидан босиб олингандан кейин, қолаверса, сўнги етмиш йил ичида кўп кадриятларимиздан ажралиб, моддий тарафдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқлашди. Айниқса, ота-боболаримиз минг йиллар мобайнида яратган илмий ва маданий меросимиздан ажралиб қолдик. Холбуки, Ўрта Осиё заминида яшаган, дунёга донғи кетган машхур мутафаккирлар, шоирлар, олиму фозиллар номини бутун жаҳон билади. Эндиликда уларнинг номлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлимида алоҳида қайд этилган. Бу дегани - улар меросидан нафақат ўзбек халқи, балки жаҳондаги барча халқлар ҳам фойдаланади. Демак, фандан тинчлик йўлида фойдаланиш жуда кўп муваффақиятларнинг гаровидир. Бир томондан, у халқларни умуминсоний ғояларга содиқликка олиб келса, иккинчи томондан, миллат ва элатлар орасидаги халқаро муносабатларни яхшилайти, ҳамкорлик, биродарликка чақиради. Бир-бирига ўзаро ҳурмат, эътибор билан қарашга ундайти.

Бинобарин, Миллий Истиклол туфайли халқимизнинг “буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти, жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шараф манбаи бўлиб қолди. Уларнинг шарафига маҳобатли ҳайкаллар қўйилди, саройлар, мадрасалар ва мақбаралар қайта тикланди, кўпгина шаҳар ва манзилгоҳлардаги майдонлар ҳамда кўчаларга уларнинг номлари берилди. Қадимий шаҳарларимиз яна жаҳон маданияти марказлари сифатида аҳамиятга эга бўлиб қолди, бу жойларда Шарқ ва Ғарбнинг атоқли олимлари иштирокида йирик илмий анжуманлар ва машваратлар ўтказилмоқда.

“Биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тикляймиз. Бу якунни буюк ютуқ деб дадил айтиш мумкин”.¹ Шу ўринда бу ютуққа кўпгина даврий нашрлар қатори “Фан ва турмуш” ҳам ўз ҳиссасини қўшганлигини айтиб ўтишни истардик.

“Ҳамма халқларга тегишли умумий бойликлар ҳам борки, улар даҳолик нишонларини асрлар давомида сақлаб келадиган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк асарларидир.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил, 149-бет.

Бу маданий мерос инсоният учун туганмас булоқдир”,¹ деганди француз олими Фредерик Жолио-Кюри. Аёнки, бобокалонларимиз қолдирган улкан мерос барча халқлар меросидир. Бинобарин, 1941 - 1945 йилларда фашизм билан бўлган уруш даврида Навоийнинг 500 йиллик юбилейи тантанали равишда ўтказилгани бунинг далили. Унда барча миллат вакиллари фаол иштирок этганлар. Бу илм-фан орқали тилларнинг яқинлашуви, дилларнинг яқинлашувидир. Ёки ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин республикамиздаги бошқа миллатларнинг тилларига бўлган эътибор ҳам кучайганлигини олайлик. Шундан сўнг миллий мактабларнинг сони орта бошлади. Жумладан, козок, қирғиз, тожик, туркман мактаблари очилди.

Ўзбек халқининг тарихий маданияти ўзининг ривожидан ғоят мураккаб йўлни босиб ўтди. Халқимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва унинг яратувчилик қуввати намоён бўлган улуғ ижоди - моддий ва маънавий бойликлари баъзан кунпаякун этилди, кули кўкка совурилди. Аммо бу қатағонлардан омон қолган тафаккур уруғларидан яна маданият ниҳоллари униб чиқаверди. Халқимизнинг асл фарзандлари ўзларидан олдин ўтганларнинг мутараққий анъаналарини давом эттириб, бу ниҳолларни авайлаб парвариш қилишди, улар қудратли дарахтларга, бепоён ўрмонга айланиши учун курашишди.

Маданият ҳамisha умуминсоний ақидалар билан йўғрилган бўлади. Шу сабабли, ҳар бир халқ маданияти умуминсоний маданиятнинг узвий бир қисмидир. Ҳатто олис ўтмишда яшаган бобокалонларимиз ҳам маданият мезонини шу нуқтаи назардан туриб баҳолашган. Маданият алоҳида шахслар томонидан эмас, балки уларнинг ижодий иттифоқи томонидан, бир-биридан ўрганиб, бир-биридан таъсирланиб яратилишини таъкидлаб келишган. Бугунги мерос ҳақидаги ҳар бир мавзуимиз йўналиши, албатта, бу меросга нисбатан узоқ давом этган лоқайдлик натижаси ўлароқ, унга жуда катта зарар етганига, келажак авлодлар олдида жавобгар эканимизга бориб тақалади. Бугун “Бу

¹ “Тафаккур гулшани”. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 12-бет.

воқеаларга ким сабабчи?” деган саволга жавоб беришни, тавба-тазарруга қодир одамларни кутиш вақти эмас, балки салмоқли ишларни рўёбга чиқариш, қадимий қўлёмаларни тезроқ нашр этиш, вайронага айланган обидаларни тиклаш, яширин тарихий ҳақиқатларни оммалаштириш, тарихнинг қора доғларини астойдил меҳнат билан ювиш давридир.

Шарқ мумтоз адабиётининг намоёндаларидан бири Умар Хайём фақат шоиргина эмас, балки буюк математик ҳам эди. Унинг назарий ва амалий билимлари олий математикада қўлланиб келинган. Ёки бўлмаса, Абу Райҳон Берунийни олайлик. Бу аллома ўз умри мобайнида 152 та китоб ёзган. Улар орасида математика, астрономия, минералогия, фармакология, география каби фанларга оид асарлар бор. Уларнинг 28 таси сақланиб қолган, лекин улар ҳам тўлиғича қачон ўқиб, ўрганилади?

Номлари илмий рўйхатларда бор-у, аммо ижодидан халқ беҳабар алломаларнинг эса сон-саногии йўқ. Биргина Беруний номидаги Шарқшунослик институтида таржима қилиниши лозим бўлган 80 мингдан ортиқ қўлёзма борлигини айтишмоқда. Умуман, Ўзбекистондаги қўлёзма хазиналарни ўрганиш учун, агар иш шу аҳволда борадиган бўлса, тўрт минг йил керак бўлар экан. Бу фақат ўзимизнинг қўлимизда мавжуд манбалар хусусида. Ҳали бундай китобларнинг минг-минглаб нусхалари чет элларда турибди. Ном-нишонсиз олам кезиб юрган “жаҳонгашта” китобларни қўяверинг...

Бир пайтлари адибимиз Жамол Камол Улан-Батордаги кутубхоналарда бизнинг меросимиз бўлган 4 миллион нусхага яқин қўлёзма асарлар мавжудлигини, ундан беҳабар эканлигимизни афсус билан ёзган эди.

“Қатор халқлар борки, бир неча бетлик асарини аюҳаннос солиб дунё миқёсидаги мўъжизага айлантиришади. Унинг атрофида халқаро илмий анжуманлар ташкил этишади. Бизда эса аксинча. Энг нодир, жаҳон маданияти цивилизациясини белгилаб берувчи асарлар ҳақида ҳам баъзан лом-мим дейилмайди.

Химияга берилган эътиборнинг юздан бирича ҳам шарқшуносликка эътибор қилинмади. Аммо иқрор бўлай-

лик, ўзбек халқига жаҳон жамоатчилигининг иззат-эътибори аввало химия соҳасидаги ютуқлар билан эмас, балки буюк боболаримиз ёзиб қолдирган минглаб, юз минглаб китобларнинг нашри билан ва илмий талқини билан белгиланади. Буни қачон англаймиз, қачон фахмлаб етамиз? Бизга Ҳамид Сулаймонлар керак. Унинг издошлари қани, бормисиз?”¹ - дея фарёд чекади Жамол Камол.

Фақат адабиёт ёки илмий қўлёзмалар эмас, балки диёримиздаги маданий ёдгорликларнинг аҳволи тўғрисида ҳам афсус билангина гапириш мумкин эди. Мисолларга эътибор беринг. Кўқон шаҳрининг ўзидагина 80 га яқин масжид биноларини маҳаллий советларнинг раҳбарлари ўзлаштириб олиб саноат корхоналари, комбинатларига айлантириб юборишган. Натижада халқнинг муқаддас саждагоҳлари, ибодатхоналари вайрон этилган, харобага айланган ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда ажойиб маданият дурдоналари - масжидлар, мадрасалар, қарвонсаройлар ва бошқа жамоатчилик бинолари, ҳатто хусусий уйлар ҳам ажойиб бир ёдгорлик сифатида туриши мумкин эди. Лекин турли замонда, турли фикрлар ва турли ҳолатларда бу ажойиб маданият ёдгорликлари хароб этилди, бузиб ташланди, оёқости қилинди, йўқотиб юборилди. Қанчадан-қанча мадрасалар, тарихий обидалар ёндирилиб, кули кўкка совирилди. Бунга кўпчилик шоҳид. Ўша мадраса, масжидларни, бошқа осори атиқаларни вайрон қилишда қатнашган ва эндиликда ачиниб, ўкинч билан юрган шахслар ҳозир ҳам орамизда. Тарихий ёдгорликларни сақлаш, уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи идораларнинг барчасини қайта тузиш керак, деган фикрдамиз. Бу соҳадаги буйруқбоз, масъулиятсиз ходимлар ўрнини ёдгорликларнинг тилини биладиган, улар учун жони ачийдиган, халқимизнинг маданий меросини сақлаш учун куюнчак кишиларни қўйиш зарур. Ана шундагина бутун маънавий бойликларимизни сақлаб қолиб, келажак авлодларимизга қандай бўлса шундайлигича етказиш йўлини оча оламиз.

Миллий урф-одатларимиз, кадриятларимизнинг топ-

¹“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1988 йил, 26 февраль.

талганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёдингизда бўлса, ҳатто қадимий байрамимиз Наврӯзни нишонлаш ҳам тақиклаб қўйилган эди.

Миллий тил борасида, тилимиздаги бузилишлар ҳақида гапириш эса янада оғирроқ.

Биз тилимизнигина эмас, балки динимизни ҳам унут-гандик. Оқибатда одамлар орасида меҳр-оқибат камайиб кетди. Савоб билан гуноҳнинг фарқига боролмай қолдик. Шу боис одоб, инсонийлик таълимини бериш борасида ўқув юртларимиз, мактабларимиз қоқоқлашиб кетди, десак ошириб юбормаган бўламиз.

Дарвоқе, “Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустақкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган”.¹

“Фан ва турмуш” журнали миллий истиқлол арафасида ва ундан кейинги йиллари ана шу каби муаммоларнинг туб илдизини очиб беришда, республикамизда ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий-маънавий соҳаларда инқирозга юз тутилишининг асосий сабаблари нималардан иборат эканлигини кўрсатиб беришда фаоллик кўрсатди.

Журнал ўтмиш тарихий меросимизга бўлган муносабат қай аҳволда эканлигини, янгиланаётган жамиятнинг инқилобий ўзгартирувчанлик кучи ҳаётимизнинг барча соҳаларига қайта кириб келаётгани ҳақида очиқ-ошкор хикоя қиларди. Бу эса асрлар юқини елкасига ортган, йиллар паст-баландлигидан ошиб ўтган халқ манглайида қуёш порлайдиган кунлар яқинлигини англашиб турарди. Буни журнал саҳифаларида чоп этилган турли мавзулардаги дилга яқин, долзарб материаллар мазмунидан ҳам билса бўлади.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”. “Туркистон” газетаси, 1995 йил, 25 февраль.

Йиллар ўта боргани сари ўтмиш меросимиз ёзма ёдгорликлари устида тадқиқот олиб борувчи мутахассислар сони камайиб кетганлиги сир эмас. Зотан, илм-фаннинг турли тармоқлари тарихига оид манбаларни ўрганувчи ходимларни тарбиялаб вояга етказиш маънавий меросимизга бўлган муносабатнинг бир кўринишидир.

Ўтмиш меросга муносабат, ҳар бир халқ ва миллат маданиятининг даражасини кўрсатувчи муҳим белгилардан саналади. Бу вазифа эса кўп минг йиллик маънавий меросимиз ўз аксини топган давр ёзуви ва тилини ўрганиш зарурлигини талаб этарди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ана шу соҳада қўйилган улкан қадам бўлди. Журнал саҳифаларида эски ўзбек тилини тарғиб қилиш борасида кейинги йиллари бир неча туркум мақолалар берилди. Бу соҳада қилинаётган ишлар, ўзгаришлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Шунингдек, журналда Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, Куръон сураларининг ўзбекча таржималари босилди. Жумладан, “Фан ва турмуш”нинг 1990 йил 12-сонида эълон қилинган, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими Маҳмуд Ҳасаний томонидан ёзилган “Қирқ ҳадис” мақоласида Жомий ва Навоий таржимасидаги пайғамбар ҳадислари ҳақида сўзланиб, улардан намуналар келтирилган.

“Бу қисқа, аммо мазмуни улкан ҳадислар билан танишган киши завқланмай иложи йўқ. Жомийнинг содда ва равон тил билан ёзилган ҳадислари (байтлар) эса хотирада муҳрланиб қолади.

Жомий асарларининг доимо биринчи ўқувчиси бўлган Навоийни ҳам қирқ ҳадис ва унинг таржимаси қизиқтирмасдан қолмас эди. Ҳадислардан завқланган Навоий уни туркий тилга таржима қилишни хоҳлайди, чунки унинг фикрича, форсий тилни билмайдиган кишилар бу ҳикматдан бебахра эдилар”, деб ёзади Маҳмуд Ҳасаний.

Масалан: “ман лам ярхамун-наса ла ярхамухуллоҳ” ҳадиси

Жомий таржимасида:

Раҳм кун раҳм, токи бар руҳи ту,
Дари раҳмати жазо зи ту шакшоянд.
Токи бар бигари на бахшойи,
Архамур раҳимин на бахшаяд.

Навоий таржимасида:

Тангридин раҳм тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас қариму раҳим.

Демак, биз агар Тангридан раҳм истасак, марҳамат тиласак, аввал одамларга нисбатан раҳмли, шафқатли бўлишимиз лозим. Кимдаким раҳмсиз, меҳрсиз бўлар экан, у меҳрибон ва саҳий Тангри таолонинг марҳаматидан йироқ туради, унга меҳр-шафқат нури ёғилмайди.

“Фан ва турмуш”да ўзбек тили муаммолари борасида ҳам бир қанча материаллар эълон қилинди. Журналнинг 1989 йил апрель ойи сонида “Муаллиф мулоҳазаси” рукни остида публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг мақоласи ёритилди. Мақола кенг журналхонлар оммаси томонидан илиқ кутиб олинди. Ўша йил май ойи сонида “Элимиз дарду қувончи - тилимиз” сарлавҳаси остида берилган “Давра суҳбати” ҳам ҳаётийлиги, муаммоларнинг аниқ таҳлили, долзарблиги билан киши диққатини ўзига тортади.

Давра суҳбатида таниқли шоир Абдулла Орипов, филология фанлари доктори Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг етакчи мутахассиси Қўзивой Қорабоев иштирок этган.

“Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши республика-мизда яшаётган барча миллатлар ўртасидаги байналмилал муносабатларга асло раҳна солмайди”, - дея фикр билдиради Абдулла Орипов. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Бироқ, республика-мизнинг 70 фоиздан ортиқ халқи ўзбеклардан иборат. Давра суҳбати катнашчиларининг фикрларига кўра, ҳар

бир инсон мансуб бўлган миллатнинг ўз тупроғи, ўз ошиёни, ўз маскани бор, уни Ватаним деб атайди. Ҳар ким туғилиб ўсган ерини жондан ортиқ суяди. Демак, халқимизнинг ўз ошиёнида, ўз тупроғида ўз тилининг қонуний ҳуқуқларига эга бўлишга ҳаққи бор. Ҳатто кенг жамоатчилик ҳам бу фикрни ёқлаб чиқди. “Тил - эл” демак, “Тилга эътибор - элга эътибор” демак.

Кўп ўтмай ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги Қонун кучга кирди. 1989 йили Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Шу йилдан эътиборан ўзбек тилининг давлат тили мақомини кенгайтириш ишларини амалга оширишда республика газеталари ва журналлари катта ҳисса қўшди. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун республикадаги бошқа миллат ва элатлар тилларини ҳам ҳимоя этишга, уларнинг эркин ривожланишига йўл очди.

Республикада эски ўзбек тилини, Ўзбекистон тарихини, хорижий тилларни ўрганиш ривожлана бошлади, бундан мақсад оммани Ватанимиз ва хориждаги энг яхши маданият намуналаридан баҳраманд этишдан иборат эди.

Журнал саҳифаларида “Янги топилмалар”, “Маданий меросимиз”, “Донолар бисотидан” рукнлари остида ҳам кизиқарли, мазмунан теран материаллар бериб борилган. Бу рукнлардаги материалларни таҳлил қилиш жараёнида шундай фикрга келдик: халқимизнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий-илмий, маданий, сиёсий фаолияти ҳақида кўп ёзилган бўлса-да, биз шоир фаолиятининг барча томонлари етарлича ёритилган, деб айта олмаيمиз. Тарихчиларнинг ёзишларича, Навоий бадиий адабиётдан ташқари, фалсафа, риёзиёт, тарих ва бошқа фанлар билан бирга тиббиётни ҳам ўрганган.

Навоийнинг тиббиёт соҳасига қўшган ҳиссаси у яратган асарлар орқали талқин қилинди, асосли далиллар билан изоҳлаб берилди. Масалан, унинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида табиблар ва тиббиёт ҳақида теран фикрлар баён этилган. Демак, Навоий бошқа соҳаларни ҳам яхши билган. Унинг айниқса табиблар одобига оид фикрлари, табиблар олдига қўйган талаблари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Навоийнинг бу соҳадаги ишлари ҳам чуқурроқ ўрга-

нилса, турмушга татбиқ этилса, саломатлик посбонлари учун дастур вазифасини бемалол ўтай олади.

Кўпгина тарих китобларида, мактаб дарсликларида ўтмишда ўзбеклар саводсиз бўлган, маърифатли кишилар бу ўлкада жуда кам эди, деган фикрларга дуч келамиз. Ҳақиқатан ҳам шундаймиди? “Кейинги вақтларда олимлар, ёзувчилар ва умуман кўпчилик ўртасида ўтган асрларда ўзбеклар саводли бўлганми-йўқми?” - деган масала жуда кўп баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бир неча кишининг хатосини ҳамманинг бўйнига кўйишга ҳам интилишмоқда. Зеро, илмий одобни унутмаслигимиз, окни-ок, қорани-қора демоғимиз лозим. Акс ҳолда...”

Мен бу парчани журналнинг 1989 йил 5-сонидagi тарихчи олим Ҳайдар Бобобековнинг “Ўтмишда ўзбеклар саводсиз бўлганми?” сарлавҳали мақоласидан олдим. У бир қанча илмий манбаларга асосланиб, ўтмишда ўзбеклар энг маданиятли, ўқимишли халқ сифатида танилганликларини исботлаб беради.

Мақолада муаллиф ўзбеклар қадимдан бой маданияти, ўз ёзуви, фани ва адабиёти, улуғ алломалари, мактаб ва мадрасада савод чиқарган халқ бўлганлиги, дини ва иймони бутун миллат эканини тарихий далиллар билан кўрсатиб ўтганки, уни ўқиган ҳар бир муштарий миллий ғурур нафасини туйгандек бўлади.

30-йиллардаги Сталиннинг тазйиклари, қувғин-қирғинлари пайтида халқимизнинг илм-маърифатли кишиларигина эмас, балки илм-маърифат манбаи - ноёб китоблари ҳам оёқости қилинди. Биргина мисол. Уйдан Абдулла Қодирийнинг эски ўзбек алифбосидаги “Ўткан кунлар” романи чиққани учун қамалган кишилар ҳозир ҳам бизларга бу борада гувоҳлик бера оладилар. Илмий қўлёзмалар, ме-росимизнинг бир қисми Россия марказий кутубхона ва музейларида, чет эллардаги музейларда сақланмоқда. Бу маданият дурдоналарини ўз юртига қайтариб келиш вақти етган.

“Фан ва турмуш” ижодкорлари қадимий қўлёзмалар ҳақидаги мақолаларни журналнинг деярли ҳар бир сониди эълон қилиб бордилар, кенг ўқувчилар оммаси эътиборига

ҳавола этишди. Масалан, “Ат-Термизий”¹ мақоласида улут муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ҳақида ҳикоя қилиниб, унинг асарлари таҳлил этилган, диний-фалсафий, ахлоқий қарашлари тўғрисида фикр юритилган. Мақолада Абу Исо ат-Термизийнинг таълим-тарбияга доир ҳадисларидан намуналар берилган.

“Рамзларга яширинган маъно”² мақоласида Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonидаги ов тасвирига сингдирилган теран маънолар таҳлил этилган бўлса, “Розий издошлари”³ сарлавҳали мақолада ўрта асрларнинг қомусий олими, мутафаккири ва буюк табиби ар-Розий ҳақида ҳикоя қилинади. Бу мақолалар ўтмиш аждодларимиз тарихини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, турмушини, маданий-маънавий оламини очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Журнал ижодкорлари асримиз бошида ўлкамизда адабиёт ва маърифат соҳасидаги рўй берган ўзгаришлар оламига ҳам дадил кириб бора олдилар. Бехбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Рафиқ Мўмин, Исмоил Ғаспирали, Отажон Ҳошим каби маърифат фидойилари ҳаётдан ҳикоя қилувчи мақолаларни муштарийлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Халқ ким ҳақ, ким ноҳақ эканини кеч бўлса-да, англаб етди. “Ўтган кунингни унутма”, “Мусибатли йиллар овози” рукнлари остида ана шундай материалларни янада кўпроқ эълон қилиб, халққа яқин ўтмишдаги тарихий ҳақиқатни ойнадек равшан этиш ишига қаттиқ киришилди. Бу ҳам давр, ҳам халқ талаби эди.

“Фан ва турмуш” саҳифаларида худди шу каби меъморий ёдгорликларни асраш, таъмирлашга оид бир қанча мақолалар ҳам эълон қилинди. Чунончи, “Қадимги обод Бухоро”⁴ мақоласида муаллиф академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов Бухоро шаҳридаги тарихий обидалар, қадимий дарвозалар, шаҳарнинг тарихий топографияси ва тарихий топонимикаси ҳақида қимматли маълумотлар беради. “Қадимдан маълум эди” (муаллифи Хайрулла Раҳматуллаев)

¹ “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 12-сон.

² Ўша журнал, 1991 йил, 1-сон.

³ “Фан ва турмуш”, 1989 йил, 2-сон.

⁴ “Фан ва турмуш”, 1991 йил, 6-сон.

мақоласида эса Самарқанд вилояти халқининг ўтмиши ва бугунги турмуши, вилоятнинг тарихий ва географик ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.

Асрлар давомида халқлар ўртасида авлоддан-авлодга, отадан-болага ўтиб келаётган инсоний урф-одатларимиз, ахлоқий қадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз мустабид тузумлар даврида оёқости қилинди ва маънавиятимизга ғоят катта зарар етди. Эндиги вазифа ана шу қадриятларни тиклашдан иборат бўлди. Буни биз Наврўз анъаналари қайта тикланиб, у халққа қайтариб берилганлигидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

“Наврўзни ҳамма соғинди. Ахир куни кеча бу халқ маросими диний сарқит деб катағон қилинган эди. Ваҳоланки, Наврўз янги кун, янги йил деган маънони билдиради ва бу байрам исломдан анча олдин ҳам нишонланган”,¹ - деб бошланади Комил Холмухамедовнинг “Сен Наврўзни соғиндингми?” сарлавҳали мақоласи. Муаллиф унда Наврўз байрамининг аҳамияти, Шарқ алломаларининг Наврўз ҳақидаги фикрлари ҳақида сўз юритган. Мақола сарлавҳаси ҳам ўзининг жонлилиги билан диққатни тортади. “Сен Наврўзни соғиндингми? Мен жуда соғиндим”, - дея яқунлайди муаллиф ўз сўзини.

Маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар ҳам ўтмиш маданиятимизнинг узвий бир қисми ҳисобланади. “Қадимда яшаб ўтган аждодларимиз орасидан етишиб чиққан зукко меъморлар, мохир усталар яратган нодир обидалар эндиликда халқимизнинг маданий мулкига айланган. Тошкентдаги Кўкалдош, Барокхон, Абулқосим мадрасалари ҳам Шайхонтохур меъморий ансамбли ана шундай нодир тарихий обидалардан саналади ва бугунги кунда улар пойтахтнинг нодир тарихий меъморлик меросини ташкил этади”,² - деган сўзлар билан бошланади архитектор Абдужаббор Яҳёевнинг “Тарих таржимони” мақоласида.

Муаллиф Тошкентдаги Шайхонтохур ансамбли ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Эндиликда ана шу ёдгорликларга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни таъмирлаш ишла-

¹ “Фан ва турмуш” журнали, 1990, 3-сон.

² “Фан ва турмуш”, 1989 йил, 1-сон.

рини олиб бориш тўғрисида фикр билдиради. Шайхонтохур меъморий ансамблининг бетакрор услуби, меъморий тузилишидаги ўзига хослик боболаримизнинг юксак даражадаги меъморлик санъатидан, қурилиш соҳасидаги мислсиз заковату иқтидорларидан гувоҳлик беради. Бинобарин, бу обидалар халқимиз маънавий ва маданий тарихининг ўзига хос таржимонидир.

Халқ маросимлари, инсоний ва ахлоқий қадриятлари асрлар давомида авлоддан - авлодга ўтиб сайқалланиб, гўзаллашиб келаётган оғзаки ижод намуналарида ҳам ўз аксини топган. Чунки халқ оғзаки ижоди асарларида халқнинг озод, мустақил ҳаётга интилиши, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши ғзаб ва нафрати фольклорга хос бадиий бўёқларда теран ифодаланган, уларда оила ва бола тарбияси, келин-куёв бахти ва бурчи, дўстлик ва ҳамкорлик, севги-садоқат, ота-онага ҳурмат каби фазилатлар улуғланган.

Журнал саҳифаларида халқ кўшиқлари, лапар ва ўланлардан намуналар ҳам бериб борилган:

Тўрда турган чилимнинг
Бир гулидан ёр-ёр,
Отанг билан онангнинг
Булбулидан ёр-ёр, -

каби мисралар “Ёр-ёр” халқ ашуласидан келтирилган бўлса;

Югуриб юрган кўёндай,
Дугонасига бир салом.
Очилиб турган гулдай,
Қайин сингисига бир салом,
Алик салом, -

мисралари “Ассалом - алик салом, келин салом” халқ кўшиғидан келтирилади. “Ҳай-ҳай ўлан...”, “Дейдиё-дейди” кўшиқлари ҳам халқ орасида энг оммалашган ашулалардан ҳисобланади. Кўшиқлар умрбоқийдир, улар маънавият булоғи бўлиб хизмат қилади.

“Ҳайит қачон бошланган?”¹ мақоласида муаллиф Абдулазиз Мансуров Рамазон ва Қурбон ҳайитлари хусусида батафсил тўхталиб ўтади. Дарвоқе, 1990 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ҳайит байрамларининг биринчи куни барча учун дам олиш куни қилиб белгиланди. Шу кунни эндиликда барча мўмин-мусулмонлар зўр шодиёна билан нишонламоқдалар.

Хусниддин Умарзоданиннг “Дуою фотиҳада на деб илтижо қиламиз”,² Рустам Обидовниннг “Дуонинг кучи”³ мақола-ларида дуонинг аҳамияти, инсонлар нима учун дуои фотиҳа қилишади, деган масалалар хусусида баҳс юритилади. “Қўл теккизмай даволаш”,⁴ “Қўлларимни тинглайман”,⁵ “Халқ табобати”⁶ сарлавҳали мақоалаларда эса халқ табобати соҳасидаги ютуқларимиз, ўзбекистонлик ноёб хислатли кишиларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Хуллас, ўзбек миллий кадриятлари, урф-одатларимизнинг матбуот саҳифаларида ёритилиши ўзликимизни англаш томон қўйилган қутлуғ қадам бўлди. Бу ишга “Фан ва турмуш” ҳам миллий мустақиллигимиз арафасида катта жасорат билан, дадил, енг шимариб киришди. Журнал ижодий жамоаси учун маънавиятимизни кадрламоқ чинакам иймон ишига айланди.

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”ДА МАДАНИЙ ҲАЁТ МУАММОЛАРИ

Бу бўлимда, аввало, республикамызда янги миллий-маданий уйғониш даври бошланиб кетган 1985 - 1991 йиллари “Шарқ юлдузи” саҳифаларида маданий ҳаёт муаммолари қандай ёритилганлиги борасида мулоҳаза юри-тамиз.

Мустақиллик арафасида журналнинг “Қайта қуриш

1 “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 4-сон.

2 Ўша журнал, 1989 йил, 7-сон.

3 Ўша журнал, 1989 йил, 3 - 4-сонлар.

4 Ўша журнал, 1990 йил, 6-сон.

5 Ўша журнал, 1990 йил, 2-сон.

6 Ўша журнал, ўша сон.

ва тарихий мерос”, “Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар”, “Ойдин саҳифалар” сингари махсус рукнлари билан бирга бобокалонларимиз - Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига доир рукнлар ҳам мавжуд эди. Бу рукнлар остида ёритилган материаллар Шарқ маданий мероси, ўзбек халқи тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбек халқининг тарихий маданияти ўзининг ривожда ҳоят мураккаб йўлни босиб ўтди. Халқимиз асрлар мобайнида яратган ва унинг яратувчанлик қуввати намоён бўлган улуг моддий ва маънавий бойликлари мустамлака даврида талон-торож этилди. Аммо ҳар бир давр қатағонларидан омон қолган тафаккур уруғларидан яна маданият ниҳоллари униб чиқаверди...

Демак, эндиликда “Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий кадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас”.¹ Зеро, маданият ҳамisha умуминсоний руҳ билан йўғрилган бўлади. Шу сабабли, ҳар бир халқ маданияти умуминсоний маданиятнинг узвий қисмидир. “Шарқ юлдузи” саҳифаларида муаммонинг бу тартибда қўйилиши асосан 1989 йилдан эътиборан бошланиб, журналдан “Аср садолари”, “Нодир саҳифалар”, “Меросимизни ўрганамиз” каби рукнлар мустаҳкам ўрин эгаллади ва ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бадиий адабиётни ва қўлёзмаларни ўрганиш, айниқса, Шарқ лирикаси ва уни тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Низомий Ганжавий, Абулқосим Фирдавсий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ мутафаккир шоирларининг асарлари ўқувчиларга яхши таниш. Аммо журналхонлар учун Нажмиддин Кубро, Румий, Бедил, Лутфий, Жомий, Машраб, Бердак, Мунис каби донишмандлар яратган Шарқ дурдоналаридан баҳраманд бўлиш ҳам мароқли эди. Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг теран рубоий сатрларига бир эътибор беринг-а?...

¹ Каримов И.А. “Истиқол ва маънавият”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994 йил, 9-бет.

Қаддинг рашкида эй сарви суманбар,
Бўлибдур кўнгли юз пора санавбар,
Беҳишт боғида бўлса бир гўзалқад,
Ўшал жонона сенсан ёри дилбар.¹

Эркин Аҳмадхўжаевнинг “Хусн ичинда қайси дилбар санчадир”² мақоласи XIV - XV асрларда ижод этган мавлоно Лутфийга бағишланган. Журналда босилган Чўлпоннинг “Галдир”, “Бизнинг Ватан”,³ Соғунийнинг “Ватан ва илм ёки етти юлдуз”, “Тил ҳақида”⁴ асарлари ўша пайтда ўзига хос янгилик бўлди.

Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий замондоши Бадриддин Ҳилолий ижоди журналхонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шоирнинг бизга қадар уч достони етиб келган: “Шоҳ ва дарвеш”, “Сифат ул-ошиқин”, “Лайли ва Мажнун”. “Шарқ юлдузи” Ҳилолийнинг гўзал рубоийларини илк дафъа чоп этди.

Кўзларингдан жон торож бўлмоқчидир,
Юз дил куйиб ноилож бўлмоқчидир.
Эй санам, гар истасанг қилмоқни ноз,
Биз томондан эҳтиёж бўлмоқчидир.⁵

Ўзининг энг нодир маънавий мероси Қуръони Каримдан ҳам маҳрум бўлган халқимиз, ушбу дурдона асар билан Абдулазиз Мансурнинг ўзбек тили таржимаси туфайли “Шарқ юлдузи” журналининг 1991 йилги сонларида яқиндан танишишга муяссар бўлди.

“Аср садолари” рукни остида XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида ижод этган шоирлар ижоди билан таништиришда айниқса Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети профессор ва доцентлари фаол қатнашди. Журналхонлар эътиборига 1990 - 1992 йиллари Писандий, Чўлпон, Султонхон Адо, Алихонтўра

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1990, 9-сон.

² Ўша журнал, 1991, 6-сон.

³ Ўша журнал, 1987, 12-сон.

⁴ Ўша журнал, 1991, 12-сон.

⁵ Ўша журнал, ўша сон.

Соғуний, Феруз, Аҳмад Табибий, Юсуф Сарёмий, Гулшан каби шоирлар ижодидан намуналар ҳавола қилинди.

Ўзбек ва форс тилларида шеър битган Нозил Хўжандий (Хўқандий) журналхонларга таниш эмасди. Шоирнинг асарлари адабиётшунос, таржимон ва журналист, Сталин катагон-қирғини йилларининг жабрдийдаси Ғози Юнуснинг шахсий архивидан олиниб, журнал саҳифаларида эълон қилинди. Нозил Хўжандий ёзади:

Кимки, донодир - айбни ёпадир,
Бадҳаволик отин қачон чопадир?
Ҳар ёмонлиғнинг бу мисоли эрур:
Ит қутурса, эгасини қопадир.¹

Нозил Хўжандий каби XVII асрда яшаб, ижод этган Сўфи Оллоёр асарлари билан ҳозирги ўқувчи яхши таниш эмасди. Сўфи Оллоёрнинг илмий-фалсафий, ахлоқ-одобга доир тўртта йирик асари бор. У қалб поклигини, Оллоҳга муҳаббат ва юксак эътиқодни қуйлайди:

Совуғ сўздан бўлур иймон қоронғу,
Зарардин ўзга йўқтур нафъи борму.

Баҳри жойи тилингни сақла зинҳор,
Киши тилини(нг) ёмонидин бўлур хор.

Ёмон тил гоҳ сарғайтурур юзингни,
Тубан бошингни термултурар кўзингни.²

“Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1990, 1-сон.

² “Шарқ юлдузи” журнали, 1990, 1-сон.

яқинлашувига кўмаклашмоғи керак”.¹

Дарҳақиқат, эндиликда улуғ шахслар номи уларнинг ўлмас асарлари каби барҳаётлик касб этмоқда. “Шарқ юлдузи” журнали ҳам шу йўлда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, ўқувчилар қалбига зиё бағишламоқда. Шарқ адабий ёдгорликлари - қўлёзмалар журнал саҳифаларида ўчмас тарихий из қолдираётир.

Филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов “Хоразмнинг олис юлдузлари” мақоласида Туркистонда фан, адабиёт, санъатнинг равнақи ҳақида фикр юритади. Бинобарин, Туркистонда IX асрда - Илк Уйғониш даврида жаҳон фани таракқиётига Мухаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Наср ибн Ирок, Ибн Мискавайх, Маҳмуд аз-Замахшарий кабилар ўзларининг нодир асарлари билан катта ҳисса қўшишган. Бундай мақолалар туфайли эса улуғ зотларнинг номлари эндиликда халқимиз қалбидан жой олмоқда.

Жаҳон маданиятида Туркистон халқлари маданияти салмоқли ўрин эгаллайди. Том маъноси билан ҳақиқий олий ўқув даргоҳлари - ўрта аср дорилфунунлари ҳисобланган мадрасалар Шарқда дастлаб X асрда Туркистон заминида пайдо бўлганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар фикримизга ёрқин далилдир. Чунончи, мусулмон дунёсининг энг йирик илм-фан марказларидан бири бўлган Бағдодда мадрасалар фақат XI асрнинг иккинчи ярмидагина вужудга келган.

1990 йили “Шарқ юлдузи” журналида “Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар” рукни остида Ғайбулла Саломов ва Ҳамидулла Кароматовнинг “Соҳибқирон Темур фожиасининг сарчашмалари” мақоласи босилди. Муаллифларнинг ёзишича, 1402 йили Амир Темур Кўрагон Туркия султони Йилдирим Боязиднинг 200 минг кишилиқ лашкари устидан қозонган оламшумул ғалабаси Европа халқларини янги истилодан қутқаради, ўз даврида насроний динининг маркази бўлган Константинопол(Истанбул)ни таслим бўлишдан сақлаб қолади. Натижада Соҳибқирон Темур ҳаёти ва

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995, 152-бет.

фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ҳамда турли-туман афсоналар тарихий-адабий асарлар орқали европаликларга ҳам етиб боради. Замона зайли билан тарихий шахс афсонавий сиймога айланади. Парижда жаҳонни ларзага солган Соҳибқирон Темурга ҳайкал қўйилиб, пойига “Европа халоскорига” деган ёзув битиб қўйилади.

Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабий-тарихий қўлёзмалар асосида 1587 - 15 88 йиллари инглиз драматургиясининг йирик намояндаси Кристофер Марло (1564 - 1593 йй.) сахна учун “Соҳибқирон Темур” фожиасини яратади. Жаҳонгир тақдирининг улуғворлиги ва қудратли салтанати буюк инглиз адибини ҳайратга солади. Буларнинг барчаси Марло эътиқодига ҳамоҳанг бўлиб, унинг ижодий даҳоси мазкур афсоналардан илҳомланади. Амир Темурнинг жаҳонгирлик сиёсати, ҳокимиятни марказлаштиришга бўлган саъй-ҳаракатлари ўша давр инглиз томошабинларига жуда маъқул тушади (бу ўринда мустамлакачилик сиёсати бўсағасида турган Англия Шарқ давлатларига нисбатан “алоҳида қизиқиш” билан қараганини ҳам унутмаслик лозим).

Тарихий сиймо Амир Темур Кўрагон ҳақида кўплаб илмий-тарихий асарлар ёзилгани маълум. Уларнинг катта қисми асосан Ғарб тилларига икки-уч аср олдин таржима қилинган. Тарих ва тақдирнинг ўйинини кўрингки, бу асарлар биз учун ҳамон “лисоний кулф” остида, ўз вақтисоатини пойлаб ётибди. Бошқача айтганда, биздан асл манбаларни ҳам, уларга бевосита дахлдор манбаларни ҳам яшириб келишганди.

Кристофер Марло Амир Темурни халқларни жазолаш учун ато этилган “Худонинг қамчиси” деб тасвирлайди. Европалик тарихчи олимларнинг барчасида ҳам худди шундай талқинни учратиш мумкин. “Соҳибқирон Темур” умумжаҳон адабий жараёнига катта таъсир кўрсатади. Темур мавзусига олмон адабиётида Гёте, инглиз адабиётида Байрон, Америка адабиётида Эдгар По, Озарбойжон адабиётида Хусайн Жовид, рус адабиётида Иван Бунин, ўзбек адабиётида Абдурауф Фитрат (“Темур сағанаси” номли бир пардали фожа) ва бошқа адиблар мурожаат этишган. Шу тариқа, дунёнинг турли маданий иқлимларида

адабиётлараро жараёнда янгидан-янги муштаракликлар пайдо бўлади. 1961 йили “Соҳибқирон Темур” фожиаси рус тилида нашр қилинди. 1989 йили шу русча матн асосида асарни Маъруф Жалил ўзбекчалаштирди.

“Соҳибқирон Темур” фожиасининг шунча вақт кечикиб, ўзбек тилига таржима қилиниши Темур ва темурийлар тарихини бизда холис ўрганиш ўз вақтида қатъиян ман этилганлиги билан боғлиқ.

“Шарқ юлдузи” журналининг 1989 йил 8-сонида “Темур тузуклари”нинг босилиши катта воқеа бўлди. Чунки Амир Темурнинг ҳаётида ақл-заковат ҳамда ҳарбий истеъдод ҳал қилувчи омил бўлганлигини, бу эса Уйғониш даври маданияти ва санъатининг инсонпарварлик руҳига хос эканлигидан далолат беради. Зеро, тарихий шахслар бадиий тимсол даражасига кўтарилиб, жаҳон адабиёти хазинаси дурдоналарига айланади, дея бежиз айтишмайди. Табиийки, бундай “сайёр сюжетлар” дунё халқларининг адабиётларига кириб боради ва ҳар гал муайян тарихий шароит тақозосига кўра, ё ижобий, ё салбий тус олади.

“Шарқ юлдузи”нинг 1990 йил 12-сонида “Акс садо” рукни остида С.Комиловнинг “Камситилган сиймо” деган хати босилди. Унинг муаллифи 8-сонда “Темур тузуклари” эълон қилингани журнал фаолиятида муҳим воқеа бўлди, дея ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бинобарин, “Темур тузуклари”нинг тўлиқ ҳолда чоп этилиши ўз тарихига қизиққан, томирида ўзбек қони жўш уриб турган ҳар бир инсон учун ғоят қувончли ҳодисадир.

Журналнинг “Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар” рукни остида Маҳкам Абдураимовнинг “Темур ва Тўхтамиш” номли тадқиқоти босилди. Унда муаллиф Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган Шарқ ва Ғарб манбаларини синчиклаб ўрганган ҳамда умумлаштирган. Олим ниҳоятда долзарб масалани - рус князликлари Олтин Ўрда хонлари - мўғул ҳукмдорларининг асоратидан қутулиши тарихини, бунда Амир Темур ўйнаган буюк ролни батафсил тасвирлайди.

Соҳибқирон ҳақида чоп этилган ва эълон қилинмай қолиб кетган барча асарлар миллий кадриятларимизни тиклашда, тасаввуримизни бойитишда ва халқимиз тарихидаги ёрқин даврларни тўғри англашимизда жуда муҳим аҳамият

касб этиши шубҳасиздир. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилиши чоғида сўзлаган нутқида ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довжорак, ғурурли, ўтқир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу-Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳдларига кўрсатган чексиз меҳмуруввати айниқса ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади”¹.

Чуқур таассуф билан айта оламизки, тарихий қўлёзма-ларни теран билиш, улар устида тинимсиз ишлаш, бири-бирига қиёслаб ўрганиш кўпчилик олимларимизга насиб этмай қолаётган бир хусусиятдир. Шу жиҳатдан олганда, “Шарқ юлдузи” ижодкорлари янгиликка интилишлари,

¹ Каримов И.А. “Эхтиром”. “Халқ сўзи” газетаси, 1993 йил, 1 сентябрь.

тарих қатламларидаги номаълум саҳифаларни очиш, излаш руҳи, теран тадқиқотчилик нигоҳи билан ибратли ишларни амалга ошираётганликлари таҳсинга сазовордир.

Масалан, журнал “Меросимизни ўрганамиз” рукни остида “Тарихнависликдаги долзарб муаммолар”¹ номли ғоят қизиқарли мақолани чоп этди. Унинг муаллифи Баҳриддин Маннонов ўз она юртида кадрини топмаган - чоп этилмаган мўътабар қўлёзмалар ҳақида куюниб ёзади. Муаллифнинг фикрича, тарихнавислигимизга оид қўлёзмаларни тадқиқ этишда Ғарб илмий марказлари бизга ўрнак бўларли даражада иш юритмоқда. Бунга мисол тариқасида яқинда Америкада Хоразм тарихнавислигининг шох асари “Фирдавс ул-иқбол” чоп этилганини кўрсатади. Унинг қиёсий-танқидий матни 1988 йили шарқшунос олим Юрий Брегель томонидан тайёрланган эди...

Мазкур асар Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб бўлиб, улар насрий битикларни ҳам бадиийлаштиришга, воқеаларни баён этишда ўзбек тилининг бой имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилишган. Шеърый услубдан кенг фойдаланишган. Брегелнинг ҳисоблаб чиқишича, “Фирдавс ул-иқбол” нинг 767 жойида шеърый парчалар келтирилган.

Баҳриддин Маннонов мақоласи якунида олимларни ҳозир тарихнавислик олдида турган кўпгина муаммоларни ҳал этишга чақиради, Туркистон халқларининг тарихий қўлёзмалари, архив ҳужжатлари ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза билдиради.

Гапнинг индаллосини айтганда, ҳар бир халқ маданий-миллий меросига жуда катта ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлмоғи лозим. Чунки ўтмиш келажакнинг пойдевори саналади. Тўғри, бизда ҳам сўнгги пайтлари бу соҳада йўл қўйилган ва авлодлар кечириши қийин бўлган хатолар, атайлаб чалкаштирилган тарихий-миллий қадриятларни замон тақозоси билан тўғри талқин этиш сари муайян қадамлар ташланмоқда. Аммо ҳали бой ўтмишимизни ақл тарозусига солиб, унга одилона баҳо бериш учун жуда катта ишлар амалга оширилиши даркор. Бунинг учун даставвал

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1991, 11-сон.

ўтмиш ёзма обидаларимизни, айниқса, ўз тилимизда битилган тарихий асарларни кўпчилик ўқий олиши учун шароит яратишимиз керак. Эски ўзбек тилида яратилган барча тарихий асарларни аниқлаш, ҳар бир асарнинг жаҳон қўлёзма хазиналаридаги ҳамма нусхаларини ахтариб топиш ва иложи борича уларнинг кўчирмаларини бир жойга тўплаш зарур. Бу иш билан шуғулланиш учун шарқшунослар, тарихчилардан иборат махсус гуруҳни ташкил этиш, бадиий, тарихий обидалар нашрини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз шунини тақозо қилади.

Журналда 35-40 йилдан бери мавжуд бўлган “Меросимизни ўрганамиз” рукни худди шу муаммоларга жавоб тариқасида вужудга келгандек туюлади ва шу жиҳатдан ҳам улкан аҳамият касб этади. Ушбу рукн остида Аваз Муҳаммад Агтор Хўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамойи” (“Дунёни намоеън этувчи тарих”) китобидан парчалар ўқувчиларга ҳавола этилган. Афсуски, кўқонлик бошқа тарихнавислар каби Аваз Муҳаммад Агторнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам кам маълумотга эгамиз...

Миллий истиқлол арафасида “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида мустамлакачиларнинг халқимизни руслаштириш борасидаги ҳаракатлари ҳақидаги асарларга катта ўрин берилган. Олдинроқ Аваз Муҳаммад Агтор Хўқандий асарлари орқали бу мавзу билан танишган бўлсак, кейинроқ Тоҳир Қаҳҳор ва Хуршид Даврон мақолаларида бу мавзу ўз аксини топди. Аксари ёзувчилар ва журналистлар руслаштиришнинг оқибатларини тил, маданият, тарих соҳасидаги сиёсат билан боғлаб таҳлил қиладилар. Масалан, Тоҳир Қаҳҳор “Жамиятни тоблайдиган куч” мақоласида араб алифбосидан ёппасига лотин, яъни роман алифбосига, сўнгра кирилл алифбосига ўтилиши оқибатида ажлодларнинг маданий меросидан бебаҳра қолганимиз тўғрисида қайғуради.

Гулшан Раҳимованинг “Улуғларнинг этагидан тутиб...”¹ мақоласи ҳам “Меросимизни ўрганамиз” рукни остида босилган бўлиб, унда муаллиф Султонхон Адонинг рубойи-мустаҳзодлари ҳақида фикр юритар экан, Э.Шодиевнинг

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1991, 2-сон.

мулоҳазаларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Ўз даврида адабиёт аҳли ўртасида, Умархон саройида “Малик уш-шуаро” деб расман ном қозонган Султонхон Адонинг инсоний, теран маъноларга тўлиқ сатрларини ўқир экансиз, шуурингиздаги “сарой шоири” тушунчаси ўзининг тор ўзанини яқсон этиб, умумбашарий иборалардан бирига айланади:

Ким истаса салтанат, саходир анга шарт,
Эҳсон қилсун.
Хар ваъдага айласа, вафодур анга шарт,
Йўқ топилсун.
Ким фақр талаб қилса, фанодир анга шарт,
Кечсун ўздин.
Айтгониким келса: ризодир анга шарт,
Ҳақдин билсун.

Султонхон Адо номи билан боғлиқ бой адабий мерос ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Ўтмиш маданиятимизга меҳрни кучайтириш учун босилган Адо рубоий-мустаҳзодлари адабиёт илмида, шоирликда камтару хокисор улуғларнинг этагидан тутишга даъват этади. Рубоий-мустаҳзод яратиш аслида мумтоз адабиётда кам учрайдиган ҳол бўлиб, шоир рубоийсига иккинчи бир ижодкорнинг мустаҳзод битиши демакдир.

Неъматулла Отажонов “Мукамал нашр йўлида”¹ мақоласида Бобур ижодининг ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратади. “Меросимизни ўрганамиз” рукни остида “Бобурнома”нинг 460 йиллиги муносабати билан Бобур Мирзонинг вафотига доир маълумотлар эълон қилинди. Дарҳақиқат, беназир ижодкорнинг XV - XVI аср ўзбек тилининг ноёб обидаси, ўзбек насрининг нодир ёдгорлиги, тарих, география, этнография ва фаннинг бошқа соҳалари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи машҳур “Бобурнома” асари жаҳон халқларининг ўнлаб тилларига таржима қилиниб, турли миллат китобхонларининг кўнгил мулкига айланган.

Журнал саҳифаларида илк бор “Бобурнома” рукни

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1990, 10-сон.

остида Жавоҳарлаъл Нерунинг “Бобур”¹ мақоласи, Нерунинг “Ҳиндистоннинг очилиши” китобидан “Шоҳ Бобур” бўлими ва Фаридун Фозил Тулбентчининг “Ҳиндистонда буюк турк императорлиги”² китобидан парча эълон қилинди. Тохир Қаххор сўнг сўзида: “Юқорида келтирилган икки мақола ҳам юртимизда биринчи марта эълон этилмоқда. Гап тарихий шахсга тўғри ва самимий баҳо беришда. Ўзи ва салтанати дунё юзидан йиқилган ва йиқитилган бир улуғ инсон ҳақида ёзиб, катта бир тарихий давр, бир неча миллатларнинг ўтмишига назар ташлаб, ҳақиқатни айтмоққа, бугуннинг кишиларига етказмоққа уринмоқнинг ўзи хайрлидир”, - деб ёзади.

“Шарқ юлдузи”нинг “Навоийхонлик”, “Бобур” рукнлари адабиётшуносларнинг янги изланишларидан хабардор қилиб боради.

Журналнинг “Тарихнинг оқ доғлари” рукни асосан Сталин қирғин-қатағонларининг қурбони бўлган шоир, адиб, ёзувчилар ижоди ва фаолияти билан таништиради. Ана шу рукн остида мунаққид Муртазо Қаршибоевнинг “Мухит эркидаги туткунлик” мақоласи эълон қилинган бўлиб, у шоир Чўлпон ижодига 30-йиллардаги муносабатни ёритган, Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимларининг маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатларни ўрганиш асосида ёзилган.

Озод Шарафиддиновнинг “Отажон Ҳошимов: шахсияти, тақдири, ижоди” номли мақоласида, мунаққид адабий-танқидий фаолиятида ўзбек халқининг бой адабий меросини сақлаб қолиш ва халққа қайтариш учун дадил курашгани ёритилади. Чунончи, муаллиф: “Отажон Ҳошимов фавқулодда иқтидор соҳиби, билимдон, масаланинг моҳиятига чуқур кириб борадиган тахлилий тафаккур эгаси эди, адабиётимиз осмонида унинг ҳам юлдузи милт-милт ёниб турибди”,³ деб ёзади.

Тарихчи Ашраф Аҳмедовнинг “Турон” номли мақоласи она Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

¹ Ўша жойда.

² “Шарқ юлдузи”, 1990, 10-сон.

³ “Шарқ юлдузи”, 1991, 2-сон.

Агар тарих сари айлагунг майл,
Муни билгачки, не иш қилди ҳар хайл...
Не ишдин мамлакат обод бўлди,
Қаю ишдин улус барбод бўлди, -

дея шоир бизни хушёрликка даъват қилади. Айниқса, ёшларда тўғри дунёқарашни шакллантиришда она Ватан тарихининг айрича ўрни бор. Тарихчиларимиз Ватан тарихи қандай бўлса, уни шундайлигича тиклашлари ва баён этишлари шарт.

Биз ўзбеклар “Ватан” сўзида қандайдир мўъжизакор ва сеҳрли маъно сезамиз, ундан қандайдир узоқ ва ноаниқ ўтмишнинг нафаси уфуриб туради. Дунёда Ватан дардидек оғир дард ҳам, Ватан қувончидек нурли қувонч ҳам йўқ.

Биз ўз тарихи тонгидаёқ ўз ёзуви (Ўрхун ва уйғур ёзувлари)га эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қавм сифатида яшаб келдик ва шундай яшажакмиз. Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли тараққиётнинг айрим йўналишларида бошқа халқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳол бизни миллий-маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга ундайди...

Буни биздан халқимизнинг тарихи, тақдири талаб этади. Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан қўрқмаслик керак. Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни вояга етказди.

Зотан, юртбошимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” асарида: “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади”, деб ёзади.¹

Олдимизда турган муҳим масалалардан бири, бу - миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдан иборатдир. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига,

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1992, 34-бет.

руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга, бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли, муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

80-йилларнинг охирларига келиб, кўп ҳаётий анъаналаримиз, урф-одатларимиз қаторида Аҳмад Яссавий ижодиётига ҳам муносабат ўзгарди. Эндиликда унинг ҳикматларини тўплаш, нашр этиш, тадқиқ қилиш, шахсияти хусусида фикр юритиш, таржимаи ҳолини тиклаш имконияти туғилди. Бажарилган ишлар орасида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов томонидан нашрга тайёрланган Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” тўплами эътиборга лойиқдир.

“Шарқ юлдузи” Абул Бозоров ва Тожи Қораев томонидан ёзилган “Яссавий ихлоси”¹ мақоласида Яссавийнинг таҳаллуслари ҳақида, ислом оламининг буюк мутафаккири сифатида умр бўйи қалам тебратгани, жаҳон адабиётида биринчи марта ҳикматлар китобини яратишга муяссар бўлгани ўзининг муносиб баҳосини олди. Муаллифлар Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат”ининг Туркистон ва Қозон нашрлари ҳақида фикр билдирадилар.

Ҳикматларда Аҳмад Яссавий 125 ёшда ҳам ҳаёт бўлганлиги эътироф этилади:

Ер устида ўлмас бурун тирик ўлдум,
Олтмиш учда суннат деди, ерга кирдим,
Ер остида жоним била қуллик қилдим,
Эшитиб, ўқуб, ерга кирди Хожа Аҳмад.
Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим,
Ҳақ Мустафо суннатларин қилолмадим.
Одамлардан файзу футуҳ ололмадим,
Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим.

Аҳмад Яссавий ўзи шеърда баён қилганидек, 4400 атрофида ҳикмат битган:

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1992 йил, 1-сон, 8-10-бетлар.

Кул Хожа Аҳмад, ҳар бир сўзинг дардга дармон,
Толибларга баён қилсом, қолмас армон,
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим, ҳақдин фармон,
Фармон бўлса, то ўлгунча сўзласам ман.

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мақсади ва моҳияти мана бу парчада ўз ифодасини топган:

Манинг ҳикматларим дардсизго айтманг,
Баҳосиз гавҳарим нодонго сотманг.
Манинг ҳикматларим ҳар ким ўкуса,
Ўқиб ихлос ила ё хатга битса,

Агар ихлос билан ўзида тутса,
Тутиб доим ўзида вирдин айтса,
Дуойи хайр этай дунё ва динда.

Буюк одамларнинг ҳар бири ўзига хос оламдир. Аҳмад Яссавий оламига биз энди-энди кириб бораётирмиз. “Шарқ юлдузи” журналида босилган “Яссавий ихлоси” мақоласи эса ана шу илми уммондан руҳланиб ёзилган илмий изланишлар ҳосиласидир. “Ҳикматлар куллийети”дан саралаб олинган Яссавий шеърӣ сатрлари журналхонда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни қуйлаган улуғ мутафаккирларга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эътиқод уйғотади.

Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадёр”¹ хикоясини Сирожиддин Аҳмад ва Улуғбек Долимов нашрга тайёрлашган.

Америкалик юртдошимиз Булоқбошининг “Порлоқ топар истиқболнинг, Туркистон”² шеърлар туркуми “Назм” рукни остида босилди. Бу асарларнинг босилиши журналхонларга гуноҳсиз қатл қилинган Чўлпон ва ўз юрти дардини ёниб қуйлаган Булоқбоши ижоди билан яқиндан танишиш имконини берди.

Миллий истиқлол фақат бизнинг ҳаётимизгагина эмас, балки бутун дунёга тарқалиб кетган ватандошларимиз ҳаё-

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1992, 1-сон.

² Ўша жойда.

тига ҳам ёғдуларини сочди. Чунки инсон Ер юзининг қайси бурчагида яшамасин, Ватан биттадир. Халқимиз ушбу ижод намуналарига ўзлигини англаш жараёни туфайли эришди.

Журнал саҳифаларида етук адиблар қатори ҳар йили ёш қаламкашларнинг 100-150 атрофидаги асарлари - шеър ва дostonлари, ҳикоя ва киссалари, драмалари, публицистик ва адабий-танқидий мақолалари эълон қилиб бoрилади.

70 йил мобайнида камситиб келинган адабий ва маданият меросимиз, ниҳоят, халққа қайтариб берилмоқда. Куръони Карим таржимаси, “Темур тузуклари”, “Ўғузнома”, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Муҳаммад Содик Кошғарийнинг “Яхши кишилар одоби”, Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарлари, “Аср садолари” рукни остида босилган шеърлар ҳам бунга мисол бўла олади.

Туркистон ўлкасининг Россия томонидан ваҳшийларча босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши ҳақидаги бор ҳақиқат муайян даражада “Шарқ юлдузи” журналида ҳам ўз аксини топди. Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”, Ҳамид Зиёевнинг “Чоризм истилоси”, Фозил Отабек ўғлининг “Дукчи Эшон воқеаси”, Абдулла Авлонийнинг “Афғон саёхати” асарлари, Верешчагин хотиралари даҳшатли ҳаяжон уйғотгани бежиз эмас.

Шу ўринда ошкораликка шукроналар айтиб, журнал саҳифаларида қатағон қилинган қаламкашлар ва уларнинг асарларига кенг ўрин берилганини таъкидламоқчимиз. Бу эзгулик сари қўйилган қадам эса, азалий анъаналар давом этаётганлигидан нишондир. Масалан, Чўлпоннинг шеърлари, “Кеча ва кундуз” романи, Фитратнинг “Абулфайзхон”, “Ҳинд ихтилолчилари” асарлари, Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси, Тавалло шеърлари “Шарқ юлдузи” да илк марта замондошларимизга етказилгани журналхонларни беҳад мамнун қилди.

Шу ўринда бир мисолни алоҳида таъкидлашни истардик: “Шарқ юлдузи” журналининг 1995 йилги 3 - 5-сонларида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг форсийда битилган “Фиҳи мо фиҳи” асари “Мохият сири” номи билан туркчадан Улуғбек Абдуваҳҳоб томонидан ўзбекчага таржи-

ма этилиб, эълон қилинди. Бу асар, шубҳасиз, Шарқ донишмандларининг асарларига ташна ўзбек китобхонлари учун ноёб бир тухфа бўлди.

“Моҳият сирӣ” - Жалолиддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлик ҳақидаги қайдлари, дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳаза-муқоясалари тўпламидан ташкил топган бир асардир. “Муиниддин Парвона” китоби ҳам дейишларига сабаб - унда Амир Парвона номи кўп марта тилга олиб ўтилганидир. Чунки Муиниддин Парвона Жалолиддин Румийнинг мухлисларидан бўлиб, Мавлоно билан қилган суҳбатларини ёзиб жамлаган. Бундан ташқари, китобга Румийнинг дўстлари ва шогирдлари Ҳисомиддин Чалабий, Соҳиб Фаҳриддин Хуросоний ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларида айтган гаплари ҳам киритилган.

“Шарқ юлдузи” журналида ўзбек тилида илк дафъа эълон қилинган Жалолиддин Румийнинг “Моҳият сирӣ” асарини ўқир экансиз, улуғ ва ноёб бир тафаккур хазинаси устидан чиққандек бўласиз. Саратонда саҳрода толиқиб, ташна қолган одам шарқираган булокни кўрганда қандай хурсанд бўлса, мусаффо чашма сувидан ичиб қанчалик роҳатланса, маънавиятга ташна одам ҳам Румий асарини ўқиб шундай туганмас ҳузур топади. Бунда жуда кўп масалалар устида баҳс боради: тажрид ва тавҳид, сурат ва маъно, таваккул ва иттиҳод, ғайб асрори ва ладуний илмлар моҳияти, яна қанчадан-қанча муаммолар ёритилади. Энг муҳими шуки, Румий мураккаб сўфиёна мулоҳазаларни оддий турмуш тафсилотлари орқали тушунтириб беради, интиҳосиз қудратга эга инсон ақлининг, руҳиятнинг мўъжизаларини ҳайратомуз бир тарзда намойиш этади. Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта этолган, тасаввуф ва фалсафани уйғунлаштириб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирор бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва хушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз

сезмаган қонунлар, заруриятларни кўрсатиб беради. Шу боис “Моҳият сири”ни ботиний илмлар баённомаси, ўз-ўзини, ўзликни ва илоҳни таниш китоби деб айта оламиз. Чунки унда инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида нуқсонлари - нафси, хирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликлар таҳлил қилиниб, улардан қутулиш, покла-ниш йўллари баён этилади.

“Шарқ юлдузи” журнали тарғиботчи сифатида халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни мустаҳкамловчи кўплаб вазифаларни бажариб келди. Унинг саҳифаларида энг яхши асарлар имкон қадар мунтазам босилди, юрти-мизда юз берган катта-кичик ўзгаришлар ёритилди.

Айтиш мумкинки, “Шарқ юлдузи” замондошлари-мизни маданият ва адабиёт намуналари билан ошно этишда ғайрат кўрсатмоқда. Журнал миллий мустақиллик шароитида халқимиз ва мамлакатимизнинг адабий, ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, маданиятимиз, адабиётимиз, миллатимиз равнақиға муайян ҳиссасини қўшиб келаётганига гувоҳимиз.

“Шарқ юлдузи” босиб ўтган тарихий 60 йил ҳақида журнал бош муҳаррири Ўткир Ҳошимовнинг “Изланишнинг машаққатли йиллари”¹ номли мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф замонамизнинг энг долзарб масалаларига фаол аралашиб, журналхонларга журнал тарихи, муҳаррирлари, муаллифлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб, ўз хулосалари, фикр-мулоҳазалари билан бойитади.

“Шарқ юлдузи” журнали 1992 йил 1-сонидан бошлаб “Ўзбекистон ёзувчилари ойнамаси” деб аталадиган бўлди. Таҳририят бу ҳақда шундай деб ёзади: “Ойнома бундан сўнг ҳеч қандай уюшма ёки партиянинг органи бўлмайди. Бирон бир гуруҳ ёки оқимға бўйсунмайди, унинг манфаатини ҳимоя қилмайди. Жумҳуриятимиздаги барча шоир, адиб, драматург, олим ва мақоланависларнинг сара асарларини мунтазам ёритиб боради. Асар танлаш ҳуқуқи таҳририят ва жамоат кенгаши ихтиёрида қолади. “Шарқ юлду-

¹ Ҳошимов Ў. “Изланишнинг машаққатли йиллари”. “Шарқ юлдузи” журнали, 1991, 6-сон.

зи”нинг эшиги ҳаммага очик! Ҳамкасбларимиздан маҳорат билан ёзилган янги асарларни кутамиз!”

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умминсоний кадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос - ўтмишнинг ютуғи. Гап бой маданий меросга эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги, юксак боскичга кўтарила олишдадир.

Ўз маданий меросини билмаслик ёки менсимаслик манкуртликдир. Ўз маданиятини бойитиб, юксак даражага кўтара олмаслик эса миллат учун катта фожедир. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқлол, чин мустақиллик учун курашга ўзида куч ва қудрат топа олади.

Хуллас, 1991-1995 йиллари “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида ўзига хос қизиқарли, мазмунли адабий-бадий, оммабоп аҳамиятга молик мақолалар эълон қилинди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси журналистикасида катта салоҳиятга эга бўлган “Шарқ юлдузи” да шу даврда эълон қилинган адабиёт ва санъат асарларини, илмий-танқидий мақолаларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, журналда ўзбек миллий анъаналарининг тарғиб этилиши, унда билдирилган кўпдан-кўп ўринли мулоҳазалар янгича фикрлашга, топталган кадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор қаратишимиз сари ундайди.

Иккинчидан, “Шарқ юлдузи” фақат аҳли илм ва зиёлиларнинг балки оддий журналхоннинг, қўйингки, барча-барчанинг зарур нашрига айланди. Айниқса, журнал миллий истиқлол руҳидаги фикрларни ўртага ташлаганида бу хол аниқ намоён бўлди.

Учинчидан, “Шарқ юлдузи”нинг энг катта ютуғи - тарихга, халқимизнинг маънавий кадриятларини тиклаш масалаларига алоҳида эътибор бериб, бу соҳага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Тўртинчидан, журналнинг кейинги бир неча йил мобайнида, айниқса, миллий мустақиллик шароитида, яъни 1991 - 1995 йиллари йўналиши кескин ўзгариб, унинг саҳифаларида асосий ўринни Ўзбекистон, Туркистон

ўлкасининг ўрта аср ва янги тарихига, йўқолиб кетаётган миллий кадриятларига, буюк асарларимиз тарғиботига тўғри ва холисона ёндашиш эгаллади.

Бешинчидан, журнал Туронзаминда дунёга донғи кетган мутафаккирлар, шоирлар, олиму фозиллар - Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Амир Темур Кўрагон, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа ўнлаб алломаларнинг илмий, бадий меросидан ўқувчини бохабар этишга ҳисса қўшди.

Олтинчидан, миллий кадриятларимиз, анъаналаримизнинг тикланиши катта воқеа бўлди албатта, аммо ҳозирда Ўзбекистон жаҳонга юз тутган даврда жаҳон адабиёти намуналаридан ҳам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Зеро, “Шарқ юлдузи” журнали ижодий жамоаси, ҳеч шубҳасиз, бундай салоҳиятга эга.

III БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЙ-БАДИИЙ ЖУРНАЛЛАРИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч ҳачон ОАВ ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда ОАВга ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти энг аввало мустақил мамлакатимиз ва инсонларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур, фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратни улуксиз ошириб боришни тақозо этади.

И.А.Каримов

Мана, ўн йилдирки, Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл - очик, эркин бозор иқтисодиётига, умумжаҳон цивилизациясига, миллий анъаналарга, ижтимоий кадриятларга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан сўнг матбуот, жами оммавий ахборот воситалари ўз ишини янги йўналишда ташкил эта бошлади. Чунончи, аввало, Ўзбекистон Республикасида “Матбуот ва оммавий ахборот

воситалари тўғрисида” Қонун ишлаб чиқилди. Сўнгра Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси ташкил қилинди.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан журналистика соҳасида пайдо бўлган иқтисодий кийинчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича республика оммавий ахборот воситалари жамоаларининг таклифлари инобатга олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 август фармонида биноан “Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси” (МДФ) ташкил қилинди. Биринчи навбатда болалар, ўсмирлар ва ёшлар матбуотига ёрдам берди.

Жамғарма тузилишининг ўзиёқ ижтимоий-сиёсий ислохотлар янги йўналиш касб этаётганлигидан далолат беради, яъни у газета ва журналлар давлат тасарруфидан чиқишига кўмаклашади. Албатта, бу масалани, аввало, тахририятлар ва муассислар ихтиёрий равишда ҳал қилади.

“Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси” томонидан биринчи галда “Мулоқот”, “Мушгум”, “Саодат”, “Гулхан”, “Ғунча”, “Бир сафда” каби журналларга ёрдам кўрсатилди.

Истиклолият шароити ўлароқ “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг, “Ўзбекистон матбуоти” Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг, “Тафаккур” Маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг журналлари сифатида нашр этиб келинмоқда.

1991 - 1995 йиллар давомида мустақиллик даври журналларидан ҳисобланмиш “Мулоқот” саҳифаларидан ўрин олиб келаётган маданий меросимизга оид, миллий ва умуминсоний кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга доир, миллий истиқлол мафқурасининг яратилиши билан боғлиқ материаллар, хориждаги юртдошларимиз билан суҳбатлар, шу куннинг долзарб иқтисодий муаммоларига бағишланган мутахассислар мулоҳазалари ва бошқа мақолалар жамоатчиликда катта кизиқиш уйғотди.

Маълумки, 1993 йили улуғ ватандошларимиз, мусулмон Шарқидаги буюк мутасаввуф донишмандлар -

Яссавия тариқати асосчиси, туркий мумтоз шеърятининг улуг вакили Хожа Аҳмад Яссавийнинг 900 йиллик ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд хазратларининг 675 йиллик юбилейлари нишонланди. Шу баҳонада улар қатори номлари унутилаёзган яна қанчадан-қанча валий аждодларимизнинг хурматлари бажо келтирилди.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда чиқаётган журналлар орасида “Мулоқот” мазкур мавзуни ёритишда салмоқли ўрин тутиб келмоқда. Журналда “Буюк мутасаввуфлар” рукни остида 1991 - 1995 йиллари эълон қилинган Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Занги ота Ҳимматий, Хожа Али Ромитаний (Азизон), Хожа Бобои Самосий, Сайид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Аттор, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Аҳрор Валий, Мавлоно Абдурахмон Жомий, Маҳдуми Аъзам каби Туронзаминдан чиққан ўнлаб валий зотлар тўғрисидаги мақолалар фикримизнинг далили бўла олади.

Шу жиҳатдан “Мулоқот”нинг 1991 йил 6-сонида журналхонлар ҳукмига ҳавола қилинган таниқли шарқшунос олим Ориф Усмоннинг “Ваҳдат шаробин ичдим(Яссавия тариқати)” деб номланган мақоласи диққатга сазовордир. Бу мақолани ёзишда муаллиф Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат”, Фаҳриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Фуод Кўпрулузоданинг “Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар”, Е.Э.Бертельснинг “Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт”, Николсоннинг “Ислоҳ ва тасаввуф” каби қўлёзма, тошбосма ва нашрий асарларига, Эргаш Рустамов, Тоҳир Қаҳҳор, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқаларнинг айрим мақолаларига асосланади.

Мақолада ёзилишича, Хожа Аҳмад Яссавий ҳижрий V аср ўрталарида Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўлёзма манбаларда ҳижрий 562 (милодий 1166-1167 йй.) йил деб аниқ ёзилган. Аҳмад ёшлигида онасидан, 7 ёшга кирганда отасидан ажралади, уни бобоси Арслон бобо тарбиялаб вояга етказди. Аҳмад отаси Иброҳим шайх халифалари-

дан (ўринбосарларидан) бири Мусо шайхнинг қизи Ойшага уйланади. Аввал улардан Гавҳари шаҳноз исмли киз ва кейин Аҳмад номли ўғил туғилади. Аҳмад Яссавийнинг ота-боболари силсиласи Муҳаммад Ҳанафий авлодларига бориб тақалади. Аҳмад дастлабки таълимни Яссидда олади. Сўнгра бобоси Арслон бобо кўрсатмаси билан Бухорога бориб таълим олишни давом эттиради. Бу пайтда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг машҳур мутасаввуф олими Хожа Юсуф Ҳамадоний мазкур муқаддас шаҳарда яшаб, жуда кўп форсийзабон ва туркийзабон шогирдларига диний-мазҳабий, тасаввуфий-фалсафий илмлардан таълим бериш билан машғул эди. Аҳмад Яссавийнинг ўзи устоз Юсуф Ҳамадоний хузурига 23 ёшда борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлганлигини айтади.

Ориф Усмоннинг ёзишича, ривоятларга кўра, Яссавий 63 ёш (пайғамбар ёши)га етгач, ер остида хужра ясашиб, “чилла”га кирган, қолган умрини тоат-ибодат билан, риёзат чекиб ер остида ўтказган. Бир ривоятга кўра, у 125 йил, бошқа ривоятга қараганда, 133 йил умр кўриб, ҳижрий 562 йили вафот этган.

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий туркий-ислом оламидаги тўқсон тўққиз улўғ мутасаввуф донишмандлар шайхи, жумла Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг валийсидир. Бинобарин, унинг хайрли фаолияти каби, серкирра ижоди ҳам деярли мана саккиз асрдан буён бутун туркий-ислом дунёси халқларини ҳаяжонлантириб, уларни ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, художўйлик, Куръон ва ҳадисларга ҳамда шариятга садоқат, инсоф ва иймондорлик, ҳуллас, барча умуминсоний олий маънавият руҳида тарбиялаб келмоқда.

Беҳишт, дўзах толошур,
Толошмоқда баён бор.
Беҳишт ойтур: ман ортик,
Менда ҳуру гулмон бор, -

каби мусиқий, равон, халқчил байтларни ёддан билмайдиган одам туркийзабон халқлар орасида топилмаса керак.

Тасаввуфшунос Ориф Усмон “Мулоқот” журнали-

нинг 1991 йил 12-сонида эълон қилган “Баҳовуддин Нақшбанд” мақоласи ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Мақолада келтирилишича, Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд томонидан асосланган нақшбандия таълимоти Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта аҳамият касб этган. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиршни, текин-хўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка), бойларнинг зулм-истибдодига қарши бўлишган, одамларни фақат ўз кўл кучи, манглай тери билан ҳалол меҳнат қилиб, кун кечиршга чақиришган. Нақшбандийлар савдосотик, дехқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, мини-атюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этишган. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули Фирӯғий сингари Шарқ заминидagi юзлаб улкан инсонпарвар шоир ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлашган, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаб, баракали ижод қилишган.

Мақолада нақшбандия ва яссавия тариқатларининг ўзаро яқинлиги, келиб чиқишидаги айрим умумий жиҳатлар ҳақида ҳам сўз боради.

“Мулоқот” журнали 1991-1995 йиллари тасаввуф таълимоти, тариқатлар, мутасаввуф донишмандлар, валий зотлар ҳақида мунтазам равишда мақолалар чоп этиб келди. Ботир Валихўжаевнинг “Ҳожа Аҳрор: уйдирма ва ҳақиқат”, Ориф Усмоннинг “Шайх Юсуф Ҳамадоний”, “Ҳаким ота”, “Занги ота силсиласи”, Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг “Аҳмад Яссавий: “Шажараи саодат”, “Улуғ Яссавий йўллари”, Омонбек Жалиловнинг “Офокхўжа”, Омонулла Бўриевнинг “Ҳожа Аловуддин Аттор”, Тожи Қораев ва Абул Бозоровнинг “Яссавий издошлари” мақолалари ҳамда Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг “Тасаввуф таълимотининг илдизлари” рисоласи шулар жумласидандир.

Истиқлол шарофати ўларок, жаҳон тарихидаги ёрқин

сиймолардан бири, буюк ватандошимиз, қудратли миллий давлатимиз пойдеворини тиклаган Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини 1996 йили муносиб нишонлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Маълумки, “Мулоқот” журнали ташкил топган кундан бошлаб буюк Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига янгича ёндашиб, унинг жаҳон тарихида, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини холис ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича анча хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Алишер Навоий туғилган кунининг 555 йиллиги муносабати билан ҳам журнал саҳифаларида мутахассисларнинг мақолалари эълон қилиниб борди, бошқа фозилу фузалоларимиз, мутафаккир ва донишмандларимиз тўғрисидаги материалларга ҳам кенг ўрин бериб келинаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақил мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришган, жаҳон афкор оммаси кўзи ўнгида порлоқ келажак йўлида дадил илгарилаб бораётгани, шубҳасиз, халқимиз маънавиятини кўтарадиган, руҳиятини, ғурурини оширадиган, ғайрат-шижоати, истеъдодини юксак мақсадлар сари йўналтирадиган чинакам миллий мафкура яратиш заруриятини илгари сурмоқда.

Айни шу мафкура муаммоларини ёритишда республикамызда чиқаётган нашрлар ичида “Мулоқот” журнали алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

“Мулоқот” саҳифаларини кўздан кечирар эканмыз, унда кўплаб муаллифларнинг миллий мафкура муаммоларига алоҳида аҳамият бериб, ижодий изланаётганликларини кузатиш мумкин. Аниқроғи, “Мулоқот” журнали Ўзбекистон хали мустақиллик остонасида турган пайтдаёқ миллий истиқлол мафқураси масаласига кенг ўрин берганди. Ўшанда журнал таҳририяти миллий мафкура масаласи, унинг пайдо бўлиши, шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари ҳақида мақола ёзиб беришни Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳайдар Пўлатовдан илтимос

қилганди. Олимнинг мақоласи журналнинг 1991 йил 6 - 7-сонларида босилиб чиқди. Шундан сўнг миллий мафкура, унинг асослари ва истиқболи хусусида ушбу журнал таҳририятига турли мазмундаги мақолалар, таклифлар кела бошлади. Журналнинг ўша йилги 12-сонида файласуф Абдуқодир Зоҳидовнинг “Миллий мафкура: дастлабки сабоқлар”, 1992 йилнинг 7-8-сонларида Ҳасаноҳун Мусаевнинг “Мустақиллик иншоиси” мақолалари босилди. Бир-бирини тўлдирувчи ҳар икки мақола Ўзбекистонда миллий мафкурани вужудга келтириш муаммоларини муайян даражада ойдинлаштириб берди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатида миллий мафкура масаласи тобора катта маъно касб этаётган бир пайтда журнал бир қанча фан, маданият, сиёсат ва жамоат арбобларига мурожаат қилиб, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва шакллантириш хусусида фикрлашди. Натижада журналнинг кейинги йиллардаги турли сонларида ЎзРФА ҳақиқий аъзоси Азиз Қаюмов, жамоат арбоби Бектош Раҳимов, профессор Комил Юсупов, Бухоро давлат дорулфунуни ўқитувчиси Шокир Болтаев, ЎзРФА мухбир аъзоси Абдулҳай Валиев, филология фанлари доктори Лазиз Қаюмов, фалсафа фанлари доктори Исо Жабборов ва бошқа муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари босилиб чиқди.

Бу мақолаларнинг мазмуни билан танишиб, уларда баён этилган фикр-мулоҳазалар мағзини чақар эканмиз, муаллифлар ўз мамлакати, халқининг бой тарихий кечмиши, бугунги ташвиши, орзу-умидлари билан ҳамнафас ҳолда унинг эртанги ойдин йўли, ёрқин келажагини кўриш иштиёқида қалам тебратганларига шоҳид бўласан, киши.

Бинобарин, миллий истиқлол мафкураси моҳият эътибори билан маърифат, илм, зиё ёғдуси ила йўғрилмоғи керак. Зеро, барча фуқаролар онги, шуури, тафаккури савияси юксакликка кўтарилмас, маърифат, маънавият сарчашмаларидан етарли даражада баҳра олмас, илғор ғоялар билан озиқланмас экан, бунда, шубҳасиз, бирон-бир куч жамиятни ҳаракатга келтириши даргумон. Зотан, халқнинг халқлиги, унинг маърифати ва онглилик даражаси

билан белгиланади. Маърифат - жасорат, кураш, ҳаётга онгли муносабат, журъат ва қатъият асоси. Маърифатсиз халқ ўзлигини англай олмайди. Ўтмишини унутган, истиқболни кўролмайдиган одамлар гуруҳи оломонга айланади. Оломонда эса мақсад, орзу-ҳавас, интилиш бўлмайди.

Шу боис ҳам “Миллий истиқлол мафқураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Шу билан бирга, бу мафқура халқимизда, ўзининг қудрати ва химоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак”.¹

Алоҳида таъкидлаш зарурки, эски тоталитар тузумнинг фалсафий ақидалари оғушидан қутулаётган мамлакатимиз учун янги, миллий истиқлолимизга хос фалсафий тафаккур, миллион-миллион кишиларнинг ҳаётий тақдирига дахлдор амалий муаммоларни ҳал этишда фалсафий-назарий фикр нақадар зарур эканлигининг эътироф қилиниши республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази (1994 йил 23 апрелда) ташкил этилишига олиб келди. Бу эса “Тафаккур” журнали чиқарилишини тақозо этди. Журналнинг ташкил топиши юртимиз олдида турган барча муҳим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни айнан юксак маънавият, ахлоқийлик, илғор дунёқараш, илм-фан тараққиёти заминидagina адо этиш мумкинлигига мустақиллик шароитда алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир. Зотан, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаларини бажариш бизда мустабид тузумдан мерос бўлиб ўтган кескин муаммоларни бартараф қилиш, диёримизда инсоний, демократик, адолатли жамият, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилмоғи лозим.

“Тафаккур” - ижтимоий-фалсафий, маънавий-маъри-

¹ Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994, 82-бет.

фий, рангли-безакли журнал бўлиб, нишона сони 1994 йили жонажон Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб чоп қилинди. Журналнинг биринчи саҳифасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Тафаккур” журнали ўқувчиларига табриги ўрин олган. Унда, жумладан, шундай дейилади:

“Барчангизни мустақил Ўзбекистоннинг янги фикр минбари - “Тафаккур” журналининг нашр этилиши билан чин дилдан табриклайман.

“Тафаккур” журналининг нишона сони Истиклол байрамининг уч йиллиги арафасида ўқувчилар қўлига тегаётганида катта рамзий маъно бор. Зеро, фақат озод ва хур Ватандагина инсон эркин фикрлашга қодир бўлади, мутелик ва журъатсизлик туйғуси бегона шахсина ўзлигини намоён қила олади.

Биз тарих майдонида уни кеча пайдо бўлган миллат эмасмиз. Аксинча, ўрта асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонида юлдуздай порлаб турган буюк аждодларимизнинг ворисларимиз. Бинобарин, биз ана шу улуг аждодларимизнинг шаъну шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш, қутлуғ меросига ҳамиша муносиб бўлмоғимиз керак. Фикрда, илму ижодда, дунёни идрок қилишда, Ватанни иймон билан севишда мумтоз боболаримиз анъаналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор.

Бу олижаноб ниятларга эришмоқ учун халқимизнинг беназир тафаккур хазинасини, умуминсоний тажрибаларини теран ўрганиш ва навқирон давлатимиз манфаатларига уйғун ривожлантириш зарур. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази ҳамда унинг нашри бўлмиш “Тафаккур” журнали ана шу муҳим вазифаларга хизмат қилмоғи лозим.

Янги журналимизнинг ижодий жамоаси ва унинг барча муаллифлари нузли қаламлари билан ҳар бир ўқувчи-муштариий кўнглига, ҳар бир хонадонга тафаккур ёғдуси олиб кирадилар, деб умид қиламиз. Ўйлайманки, улуг мақсадлар сари сафарбар этилаётган “Тафаккур” журнали доимий маънавий йўлдошимиз бўлиб қолгусидир”.

Агар журналнинг мақсади ва йўналишини кузатадиган бўлсак, тадқиқ этиш имконияти жуда кенг эканлигини кўрамиз. Зеро, тафаккур тарихи инсоният тарихи билан чамбарчас боғланиб кетгандир. Бинобарин, республикамининг истиклолга қадам қўйиши халқимизни озодлик неъматидан баҳраманд бўлиш сари чорлади.

Шу боис “Тафаккур” журналида эълон қилинаётган мақолалар миллий мустақиллик ғоялари, маънавият ва маърифат нурлари билан чулғангандир. Журнал Амир Темури, Алишер Навоий каби улуг зотларнинг ҳали биз англаб улгурмаган ибратли жиҳатларини вазминлик ила ўз муҳиблари онг-шуурига етказди.

“Тафаккур” журналининг чоп этилиши, энг аввало, ҳақиқий тафаккурнинг бепоён манзиллари сари тийрак илмий назар ташлашга ундади.

Журналнинг “Башорат садолари” рукни остида Фридрих Ницшенинг “Зардушт таваллоси (Аъло одам ва охириги одам хусусида)” фалсафий асарининг босилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Журнал башариятни ларзага сола оладиган, тафаккур кудрати ила машҳур саналган алломалар меросини тарғиб қилар экан, ўз ўқувчиларини мафтун эта олди, десак муболага бўлмас. “Зардушт таваллоси”нинг таржимони Иброҳим Ғафуров муаллиф ҳақида шундай ёзади: “Ницшенинг ҳикматлари инсон ва унинг эртаси, олам ва унинг келажак ҳақидаги ўтли башоратлар билан лиммо-лим. Чиндан ҳам, Ницше ижоди - бошдан охир башоратдир. У бежиз, Мен Оврупонинг Буддасиман, демаган.

Ницше ҳикматларини бир бор ўқиган одам ундан бош кўтара олмайди. Зотан, озодликни, ахлоқийликни ва ғайриахлоқийликни Ницшедек тушунтира олган одам йўқ.

Оврупо фалсафасини, Ницше таълимотини ўрганмай туриб, бугунги дунёнинг сир-синоатини англаб бўлмайди”.¹

Иброҳим Ғафуров журналнинг 1994 йил 1-сонида босилган “Фикр замони” деб номланган мақоласида мустақилликнинг ўзи буюк ва безавол маънавият эканлигини таъкидлаганди. Демак, миллий маънавият асосини ташкил

¹ “Тафаккур” журнали, 1995 йил, 1-сон, 90-бет.

этувчи кадриятлар бир талай. Аммо бош асос мустақилликдир.

Улуғ файласуф Ницше: “Юксак маданият ҳамиша улуғ эҳром каби бино этилади”, дейди. Бениҳоя теран гап! У бизга ҳам тўла даҳлдор, десак янглишмаймиз.

“Эҳромни қуриш нечоғли мушкул ва сермашаққат иш эканини тасаввур қилсангиз, миллий маънавият ва маданиятни тиклаш ва юксалтириш масъулиятини ҳам ҳис этасиз. Эҳромнинг тузилиши бежирим, унда ҳамма нарса ҳисобга олинган, демак, у коинотнинг мўъжаз сурати сифатида боқий яшайди. Айтишларича, эҳромда бир олтин нуқта бўлармиш. У ерга қўйилган тиг ўткирлашиб қолар, гўшт мутлақо бузилмас, айнимас экан.

Маънавият, маърифат, маданият - халқ эҳромидаги олтин нуқтадир. Қайси миллат шу нуқтани топа олса, келажаги порлоқ, эртаси саодатли бўлади.

Биз эҳром қура бошладик. Насиб этса, халқни ва миллатни покиза тугувчи олтин нуқтани ҳам топамиз. Бунинг ягона йўли - мияда илоҳий қобилиятларни ишга солмоқдир”¹

Шухрат Ризонинг “Маърифатпарварликдан маърифатчиликкача” мақоласи далилларга бой, маърифатчиликнинг уч даври тўғрисида батафсил ҳикоя қилади. Унда бу йўналишнинг мазмуни давр намояндалари фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади ва шундай якуний хулосага келинади: “Ҳар қалай, янги ижтимоий-тарихий даврга эндигина кириб бораётирмиз. Изланиш, тажриба, интилишларимиз қай йўсинда кечади ва қандай натижаларга олиб келади, буни келгуси кўрсатади”²

Журналнинг 1994 - 1995 йиллардаги сонларида умрбоқий маънавиятга мурожаат этган қуйидаги рукнлар мавжуд: “Миллат ва маънавият”, “Ҳуқуқий тафаккур”, “Улуғбек йили - маърифат йили”, “Боқий сарчашмалар”, “Рухият сабоқлари”, “Мозийга қайтиб...”, “Истиклол дарди”, “Маърифат боғбони”, “Сўзни суйган султонлар”, “Буюклик тимсоллари” ва ҳоказо. Журналнинг шу каби рукнлари остида босилган мақолалар, аввало, кишини маърифатга

¹ “Тафаккур” журнали, 1994 йил, 1-сон.

² “Тафаккур” журнали, 1995, 1-сон.

чорлайди, иккинчидан, мустақил Ўзбекистон фарзандларини маънавий жиҳатдан тарбиялаб, тафаккурнинг юксак мақоми заминининг қарор топишига хизмат қилади.

Бинобарин, маънавий покланиш замирида эркин тафаккурнинг қудрати ила қадам ташлаш ҳаёт ҳақиқати бўлиб қолмоқда. Шу маънода журналнинг “Тирик сўз” рукни остидаги Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ёшларга мурожаат”, “Икки эмас, тўрт тил лозим” каби мақолаларини “Ойна” журналининг 1914 йил 21-сон ва 1913 йил, 1-сонидан Шухрат Ризо нашрга тайёрлагани таҳсинга сазовордир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб тўртга тилни эгаллаш ҳаёт талаби бўлиб қолди.

Ўз даврида “Маърифат боғбони” (Маҳмудхўжа Бехбудий) бундай деганди: “Бугун бизларга тўрт тилга таҳриру тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий...”.

Табиийки, бундай буюк маърифатчиларнинг ижоди барча даврлар учун ҳам ҳозиржавобдир.

Маънавиятимизнинг мумтоз вакиллари - Ойбек, Ғафур Ғулوم, Мақсуд Шайхзода ижодидан намуналар ҳам “Тафаккур” журналидан муносиб ўрин эгаллаган. “Улуғбек йили - маърифат йили” рукни остида “Темурхон наслидин...” номли кириш сўзида журнал Мақсуд Шайхзода-нинг “Мирзо Улуғбек” тарихий фожиасидан айрим кўчирмаларни босиб чиқарган.

Улар олим ва шоҳ лафзи билан айтилган парчалардир:

Султонларнинг ҳам кўксида ўтли қалби бор.
Шоҳнинг қалби - тош, деганлар ғоят хатокор.

Ёки:

Илм инсон кўзин очар, қулоғин очар,
Фан мияга идрок билан ёруғни сочар.
Фан мияга кирган жойда, билинг, муҳаққак,
На шайтонга ўрин бордир ва на фолбинга.¹

¹ “Тафаккур” журнали, 1994 йил, 1-сон.

Журнал саҳифаларидан Ўзбекистон халқ шоирлари - Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан суҳбатларга ҳам муносиб ўрин берилган. Уларнинг фикрлари доимгидек уйғок, тийрак ва ўткир. Масалан, Эркин Воҳидов билан суҳбат охирида шоирнинг қуйидаги, мутлақ янги руҳдаги “Сўзлар чамани (Уч шаклу бир маъно)”¹ шеъри босилган:

Сенга Оллоҳ, ёр, тангрим
 Чирой, кўрку жамол бермиш.
Чирой, кўрку жамолинг
 Менга орзу, ўй, хаёл бермиш.
Жафо бирлан вафо ингра
 Жаҳону очуну олам
Сену менга етуклик,
 Сарбаландлик, камол бермиш.
Сени кўрмишди айну чашму кўз
 Туш, хоб, маномида,
Лабинг, лаълинг, дудоғинг
 Бу на дарё, деб савол бермиш.
Кўлинг, дастинг, ядингда,
 Май, шароб, соғар тутиб масрур,
Лисонинг, тил, забонингким,
 Асал, шахд ила бол бермиш.
Ўзинга, васлу дийдорингга етмоқ
 Гар насиб эрмас,
Менга тақдир, менга ёзмиш,
 Менга рўзи завол бермиш.
Сенга Эркин ғазал битмишки,
 Шарт - уч шаклу бир маъно,
Дарий, туркий, аробийда
 Сухан, сўзу мақол бермиш.

Шу ўринда “Тафаккур” журнали чинакамига воқеа бўладиган асарларни чоп қилиб келаётганлигини эътироф этиб ўтиш керак. Жумладан, журналнинг “Рухият сабоқлари” рукни остида берилган адабиётшунос, тасаввуф илми билимдони Нажмиддин Комиловнинг “Мардлик тариқа-

¹ “Тафаккур” журнали, 1995 йил, 2-сон.

ти”¹ мақоласи ана шундай дурдоналардандир. Муаллифнинг таъкидича, умрни дўстлар хизматига бағишлаб, мудом яхшилик хаёли билан яшовчи, тили ва дили пок, саховат-пеша, мурувватпеша аждодларимиз қадимда жавонмардлар деб аталган. Бу сифатлар асл исломий сифатлар бўлиб, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда кўп бора улуғланган. “Жавонмард” - мард йигит демақдир. Бундай инсонларнинг тариқати - маслаги жавонмардлик ёки футувват деб юритилган. Қадим Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида Х асрдан бошлаб жавонмардлик ҳаракати анча кенг тус олган. Бу ҳаракат иштирокчилари муайян қоидаларга амал қилиб, жисмоний ва маънавий етукликка интилар, қаерда ва қандай иш устида бўлмасин, мардлик ва олижаноблик фазилатларини кўрсатар, адолатни ҳимоя этар эдилар. Улар инсон қадрини моддий бойликдан аъло билганлар. Жавонмардлар наздида, дунё зебу зийнатлари маънавий тараққиёт учун бир воситагина, холос.

Қолаверса, футувват асослари билан тасаввуф ғоялари аксар бир- бирига мувофиқ келади. Чунки футувват ҳам, тасаввуф ҳам исломий тариқатлар бўлиб, инсонни поклашга, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик фазилатларини эгаллашга даъват этади. Шу жиҳатдан илоҳ ишқида дунёдан юз ўтирган, жисмини маънавий камолот йўлига бахшида этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик туйғусига содиқ жавонмарднинг мақсади муштарак эди. Жавонмардлар тасаввуфнинг тавба, сабр, қаноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талабларини маъқул топиб, уларни ҳаётларининг амалий қоидаларига айлантирдилар.

“Жавонмард одам ижобий хислатларни эгаллаб, салбий хислатлардан сақланиши даркор.

Вужудий - ижобий хислатлар қуйидагилардир: биринчиси - ислом, иккинчиси - иймон, учинчиси - ақл, тўртинчиси - илм, бешинчиси - ҳилм(ҳалимлик), олтинчиси - зуҳд(тақво), еттинчиси - карам, саккизинчиси - вараъ(парҳез), тўққизинчиси - сидқ, ўнинчиси -мурувват, ўн биринчиси - шафқат, ўн иккинчиси - эҳсон, ўн учинчиси - вафо, ўн тўртинчиси - ҳаё, ўн бешинчиси - таваккул, ўн олтинчиси - шижоат, ўн еттинчиси - ғайрат, ўн сакки-

¹“Тафаккур” журнали, 1994 йил, 1-сон.

зинчиси - сабр, ўн тўққизинчиси - истиқомат, йигирманчиси - насихат, йигирма биринчиси - нафс таҳорати, йигирма иккинчиси - олийҳимматлилик, йигирма учинчиси - сирни яшириш, йигирма тўртинчиси - раҳмдиллик, йигирма бешинчиси - шариат риояси, йигирма олтинчиси - амри маъруфни бажариш, йигирма еттинчиси - ота-она хурматини бажо келтириш... йигирма тўққизинчиси - устоз хизматида бўлиш, ўттинчиси - ҳамсоя ҳаққини адо этиш, ўттиз биринчиси - фақат савоб келтирадиган сўзни тилга олиш, ўттиз иккинчиси - кўп билиб, оз гапириш, ўттиз тўртинчиси - салом одобини сақлаш, ўттиз бешинчиси - яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш, ўттиз олтинчиси - оқиллар билан суҳбатлашиш, ўттиз еттинчиси - шукур қилиш, ўттиз саккизинчиси - мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, ўттиз тўққизинчиси - етим-есирлар ва ёлғиз кишилар ахволини сўраб туриш, қирқинчиси - фикрат ва ибрат кўрсатиш, қирқ биринчиси - ихлос билан амал қилиш, қирқ иккинчиси - омонатга хиёнат қилмаслик, қирқ учинчиси - шайтоний нафсга қарши туриш, қирқ тўртинчиси - инсоф чизифидан чиқмаслик, қирқ бешинчиси - ризо-розилик ҳиссини йўқотмаслик, қирқ олтинчиси - касалларни кўришга бориш, қирқ еттинчиси - ножинс ва нокаслардан узоқ туриш, қирқ саккизинчиси - доимий зикр билан банд бўлиш, яъни худонинг исмларини тилдан қўймаслик...”.

Демак, футувват сермева дарахт. Бу дарахтнинг илдизи - пок муҳаббат, танаси - тавозе, шохлари - сабру тоқат, япроқлари - парҳез, пўстлоғи - одоб ва ҳаёт, гуллари - хушфеъллик ва марҳамат, меваси - карам ва саховатдир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикри ҳам пок бўлган. Улар халқимиз орасида исломий ахлоқни шакллантиришда катта хизмат қилдилар. Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак. Чунки, футувватга хос кўпдан-кўп ақида, расм-русумлар то хануз яшаб келмоқда. Чунончи, кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, мардлиги ўша аждодлар удунининг мантиқий давомидир,¹ - дейди Н.Комилов.

¹ “Тафаккур” журнали, 1994, 1-сон, 69 - 70-бетлар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли ҳажвчи Неъмат Аминовнинг “Тафаккур” журналининг 1994 йил 1-сонида босилган “Бир аср ҳикояти” асари ҳам адабиётимизда янгилик бўлди. У қадимий маноқибларни эслатади. Дарвоқе, бу жанр инқилобдан кейин адабиётимизда умуман унутилган эди. Бизнинг ота-боболаримиз “Мақомати Шайх Абдулқодир Желоний”, “Мақомати Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомати Шоҳи Нақшбанд”, “Маноқибӣ Саъдия” ва бошқа мумтоз асарлар руҳида тарбия топганини унутмаслигимиз лозим. “Мақомат”ларнинг Ғарб адабиётига ҳам улкан таъсири бўлган.

Неъмат Аминовнинг бу асари ҳам мақоматнавислик анъанасида ёзилган экан-да, деган фикрга келмаслик керак. Балки, муаллиф қадимий адабиётимизда бор бўлган жанр-ни, муайян даражада қайта тирилтириб, янгича услуб, янгича оҳанг, янги тароват, янги фикр билан бойитди.

“Бир аср ҳикояти”даги ҳикоятлар ихчам, пурмаъно ва ибратлидир. Улар ҳикматли сўз каби хотирада муҳрланади, шунингдек, ўқилиши ҳам раван.

Маълумки, Шарқий заминда яратилган “Мақомат”ларда тариқат пирларининг одоб-ахлоқи, қарашлари, ҳикматли сўзлари, таржимаи ҳоллари, кароматлари, халққа қилган хизматлари қисқа-қисқа нақлларда, тарихий шахслар, гувоҳлар оғзидан баён қилинган. Мазкур жанрнинг қисса ё ҳикоядан фарқи шуки, биринчидан, фикр ғоят лўнда, ихчам ифодаланиб, қисқа нақлларда ўз аксини топган. Иккинчидан, тўқима образлар, ясама воқеалар бўлмайди. Учунчидан, тасвир этилган ҳар бир воқеа-ҳодисадан ибратли хулосалар чиқарилади. Тўртинчидан, бош қаҳрамон гарчи ўрнакли инсон сифатида тасвирланса-да, лекин у ўзининг хато камчиликларини, бандалик билан этган қусурларини асло яширмайди.

“Бир аср ҳикояти”нинг бош қаҳрамони Ота(Уста Амин Нуриллобой ўғли) ботинидаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, донишмандлик, соддалиқ, босабру боқаноатлилик, мардлик қисқа нақлларда ўз тажассумини топган. Асар мутолааси давомида бир умр “Дил ба ёру, даст ба қор”, яъни юракда Оллоҳ зикри билан темирчилик қилган, қалб кўзи очиқ, бир назар ташлаганда, истаган одам-

нинг сийратини кўра оладиган, зиндадил шахс кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Оддий меҳнаткаш фарзанди ҳисобланган оддий темирчи устанинг хоҳ давлат сиёсати, хоҳ дину диёнат, хоҳ ахлоқ-одоб борасида билдирган фикрлари сиёсатдон учун ҳам, уламо - олим учун ҳам, педагог - муаллим учун ҳам ибратлидир.

Мутолаа вақтида Уста Амин Нуриллобой ўғлининг ер устида ишончли қадамлари товуши эшитилиб туради, содда-доно сўзлари қалбни иситади, нуроний чехралари тафаккур оламингизни ёритади.

Нега энди оддийгина одам бизга шунчалик яқин бўлди, унинг гаплари, ҳикматлари, суҳбатлари бизнинг ботинимизни ўзгартириб юборди? Биз адашган, адашишга мойил бандани тўғри йўлга бошлай олди?! Бунда ҳикмат не? Бунинг боиси шуки, Уста Аминбобо ҳар бир айтган гапига ўзи амал қилувчи зотдир. Бундай инсонларнинг нафаси таъсирли, дуоסי ижобат бўлар экан. Жилд-жилд китобларни ёдлаб, кўша-кўша дипломларни олиб, лекин айтадиган гапига, ўрганган илмига заррача ҳам амал қилмовчи “олим”, “уламо”, “пир”лар борки, уларнинг гапи бетаъсир, нафаси номуборақдир.

Ёзувчининг мақсади ўз насабини кўз-кўз қилиш ёхуд бошқаларга отасини намуна сифатида кўрсатиш эмас. Зеро, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд айтганларидек, “Киши насаби билан ҳеч бир мақомга эришмас”.

Дарвоқе, бундай мавзуда ёзиш осон эмас. Айниқса, ўз Отанг, ўз Онанг тўғрисида ёзмоқ мушкулдир. Лекин асарни мутолаа этгандан сўнг муаллиф бундай “ўзлик” қобикларидан ёриб ўтганлиги ва умумбашарий кенгликларга чиққанлигига гувоҳ бўласиз. Асардаги муаммолар, ҳикматлар, фикрлар сизни тор оила доирасидан кенгликларга олиб чиқади. Бош қаҳрамон кўзи билан бешафқат тарихни кўрасиз. Истибдод, зулм, мутелик исканжаларини татиб кўрасиз ва мустақиллик учун Оллоҳ таолога беҳад шукроналар айтасиз.

“Бир аср ҳикояти”да шундай нақл келтирилган: “- Бир гап айттайми, Неъмат? Шариф Нурхоннинг кўп шеърлари дилининг тубидан чиқади, гаплари эса тилининг

учидан. Шунинг учун ҳам шеърда ёлгон кам. Лекин тили замонасозликка ўрганган. Бечорани кўп ари чокқонга ўхшайди, кўзига оддий капалак ҳам ари бўлиб кўринади. Илон чокқонни арғамчидан хавотири бўлади”.

“Тили замонасозликка ўрганган” бутун бир адиблар авлодига, қолаверса, мустабид тузум касофатидан ёлгончилик касалига чалинган, ёлгончиликни ўзига касб қилган бутун бир авлодга берилган баҳоку бу!

Қахрамоннинг Файзулла Хўжаевга берган баҳоси нақадар рост ва ибратли!

Уста Аминбобо ўз қариндоши Бухоро тумани ҳокими Э.Шомуродовга дейдики: “- Сизга бир гап айтаман, ёдингизда тутинг. Қаранг, Оллоҳ Президентимиз кўнглига солибтики, сизга туман ҳокимлигини ишониб топшириб қўйибди. Кўлингиз истаган нарсага етади. Аввало, икки нафса эҳтиёт бўлинг. Кейин товукнинг тухумини енг-у, зинҳор ўзини ейишга одатланманг. Сиздан олдингилар нафақат товукнинг ўзини, балки эгасини ҳам қўшиб еб юборганлар. Кўриб турибсиз-ку уларнинг аҳволини...”.

Бу ҳикмат барча замон ҳокимларига дастуруламал бўлиши зарур.

“Бир аср ҳикояти”да ортиқча сўз, аниқроқ қилиб айтганда, сохта сўз, сохта воқеа йўқ. Ёлгон воқеа, тўқима, ясама образ йўқ. Ҳаммаси табиий, равон ва ҳайратангиздир.

Буюклар кўзи билан кўрилган ҳар бир воқеа ибратли экан. Чунки ҳаётда шунчаки жанжал, шунчаки дўстлашиш, шунчаки муҳаббат, шунчаки ибодат йўқ. Буларнинг барчаси замирида бир қонуният борки, уни фақат донишмандгина илғай олиши мумкин.

Шунчаки латифа деб қабул этадиган нарса, аслида одамларни “ҳиринглатиб” кулдириш учун тўқилган ҳикоят эмас, балки қалб кўзи очиқ кишилар учун ҳар бир латифа буюк сабоқ, ибрат мактабидир.

Қисқаси, Неъмат Аминовнинг “Ибратнома” рукни остида босилган “Бир аср ҳикояти” асарида барча миллат вакиллари учун, бутун бани башар учун ибрат бўлгулик ҳикматлар мавжуд. Шунингдек, бунда жилд-жилд тарихий китобларга кирмаган ҳақиқий тарих бор. Бешафқат, ростгўй тарихнинг бадиий инъикоси бу! Ўзбек адабиёти хазинасига

“Тафаккур” журнали тухфаси, яна бир дурдона - Нёъмат Аминовнинг “Бир аср ҳикояти” асари қўшилаётгани қувончли воқеадир.

Дарҳақиқат, “Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олдида турган вазифаларни ҳамда уни ривожлантириш истикболларини ҳисобга олиб, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги Марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги эътиборга лойиқ. Ҳамма жойда унинг бўлимлари иш бошлаб юборди; тобора кўпроқ маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси маънавий-маърифий ишга жалб этилмоқда. Китоб нашр қилиш ва оммавий ахборот воситалари сақлаб қолинди ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилибди. “Тафаккур” ойномасининг дастлабки, қизиқарли сонлари ўқувчилар қўлига етиб борди”.¹

Умуман олганда, миллий мустақиллик шароитида чоп этилиб турган бир неча ижтимоий-сиёсий ва адабий журналлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар фаолиятида истиклолизмизга хос муҳим ижодий бурилиш руҳи етакчилик қилади, яъни асосан маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтариш туйғуси, умумбашарий ва миллий кадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтириш руҳи устувордир.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил, 149 - 150-бетлар.

ХОТИМА

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши халқимиз тарихий тараққиётида оламшумул аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида улкан муваффақиятлар билан нишонланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик ўтмиш маданий меросимизнинг тарихий тақдирида ҳам янги даврни бошлаб берди. Жамиятда янгича фикрлашнинг шаклланиши билан маънавият, маданий мерос, маданий алоқаларни ҳақиқий илмий асосда тушуниш, таҳлил этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, ҳозирги миллий истиқлолият муҳитида Ўзбекистон (кенг маънода Туркистон) маданияти тарихини ўрганиш бўйича илмий, назарий-методологик тадқиқотларга эҳтиёж ҳар қачонгидан кучлидир. Тоталитар-мустамлака тузуми даврида деярли унутилган, сохталаштирилган, маломат қилинган бой тарихимиз, табаррук аждодлар мероси, илохий-руҳий, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз - миллий маданиятимизга бўлган бугунги фавкулудда кучли қизиқиш, уни танишга, чуқурроқ билишга бўлган чанқоқлик ҳаёт талаби, давр тақозосидир. Чунончи, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар ва уларнинг тарихий-тадрижий таснифи масалаларига бағишланган тадқиқотимизда ҳам тарихни қандай бўлса, шундайлигича ёзиш ва ҳозирги кун нуктаи назаридан эътиборга лойиқ анъаналарни ривожлантириш лозимлигини кўрсатиб ўтишга интилдик. Айни чоғда, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов илгари сурган қуйидаги назарий-методологик йўл-йўриқларга асосландик: “Сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳадаги ҳар қандай, энг катта ўзгаришлар ҳам яратувчанлик аҳамиятига эга бўлмоғи лозим. Энг асосийси - олдин ўтган авлодларнинг меҳнати, пешона тери ва қони эвазига вужудга келтирилган барча нарсаларни бузиш эмас, балки сақлай билишдир. Жамият биносини асосларигача обдон бузиш билан уни обод қилиб бўлмайди”.¹

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил, 169-бет.

Журналистика тарихи фани, қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ҳам, тарихий-таснифий муаммоларни ҳам республикамизда рўй бераётган ислохотлар билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон журналистикаси тарихини ўрганиш жараёни серқиррадир. Бунда бой тарихий манбаларга, архив материалларига, газета ва журналларнинг таҳламларига суяниб, миллий журналистикамиз тамал тошини қўйган устоз қаламкашларнинг қолдирган меросига ҳамда замондош етук публицист ва ёзувчиларнинг ижодига бевосита эътибор қаратиб, изланиб ишлаш пайти етди.

Мамлакатимиздаги мафкуравий муҳит ҳаёт ва ижоддаги маҳдудликка ҳамда фикр қашшоқлигига қарши баҳсмунозара, танқид ва таҳлил йўли билан эришиш сари йўналтирди. Миллий мафкура жамоатчилиги онги ва қалбига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдириб борилди. Мафкура жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевордир. Демак, миллий мафкура ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидagi бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Миллий истиқлол мафкураси одамларимиз, айниқса ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-этикоддини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратишда, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Фахрулбанот Сулаймоний айтдики, “Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, у ер қурук ёки тошлоқ жой кабидир”.

Иродаси тобланган, ақлий ва маънавий камолотга эришган инсон қийинчиликлар, қарама-қаршиликлардан чўчимай, эзгу нияти сари дадил интилаверади. Бу ҳаёт мазмуни, маърифатнинг куч-қудратидир. Чунки, донишмандларимиз айтганидек, “Ақл шундай бир кўзгудирки, агар у баднафс-

лик, ҳасад ҳамда бахиллик чанги билан қопланмаса, барча нарсани мушоҳада қила олади”.

Миллий истиқлол мафқурасининг шаклланиш ва таракқиёт жараёнлари ниҳоятда кенг маъно ва мазмунга эга. У барча фуқаролар онг-шууридан чуқур ўрин олмас экан, ҳеч бир кучнинг жамиятни ҳаракатга келтириши даргумон. Бунинг учун жамиятимизнинг барча ижодий кучлари: фан арбоблари, оммавий ахборот воситалари камарбаста бўлиб, халқнинг маърифат ва онглилик даражасини ошириш учун хизмат қилмоғи лозим.

Демак, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида тарихчи олимлар ёнида журналистлар ҳам дадил туриб ишга киришгани ҳам давр тақазоси.

Тарихни англаш ва тарихга муносабат, тарихий тафаккур ва тарихий хотирот ўта зарур олий қадриятлар бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Миллий мафқурамининг теран томирлари эса, кўхна тарихимизга, унда ўчмас из қолдирган мутафаккир зотлар бунёд этган маънавият булоқларига бориб туташади.

Ўша мусаффо булоқдан баҳра олиб, юксак маънавият, маърифат чўққисига кўтарилиб, эл-юрт олдида муносиб ўрин эгаллаш Она Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқатнинг сидқидилдан бажарилишидир. Бунда адабий-бадиий журналлар алоҳида аҳамиятга эга.

“Ўзлигини англамаган, ғурусиз миллат ҳар қанча моддий бойликларга эга бўлмасин. Кул бўлиб яшайверади”. Демак, манавияти буюк халқни кул қилиш, абадий истибодда сақлаш мумкин эмас. Бинобарин, маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун истиқлолни мустақамлаш лозим бўлади. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов “мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучли” деган иборани қўллаганларидан мақсад, ғоявий кудратнинг кучига ишора қилганлигидир. Бунинг сабаби, бу мафкура инсонпарварлик мафқураси бўлиб, унинг мақсади мустақил Ўзбекистонда чинакам инсонпарвар жамият куриш ва ижтимоий маънавият нуқтаи назаридан ижтимоий фаол кучга эга бўлган инсон шахсини буюк маънавий ва сиёсий қадрият сифатида улуғлаш мақсадларидан келиб чиққанлигидир.

Истиклол мафкураси хусусида фикр билдирилганда уни халқнинг туб манфаатини кўзлайдиган, унинг фаровонлик даражасини ошириб борадиган ва ниҳоят, бахти ва иқболини таъминлайдиган, адолатли жамият сари йўналтирадиган катта маърифий куч деб тушунмоқ лозим.

Ғоявий қудратнинг кучи, яъни мафкура полигонлари ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, давлат, маърифатли давлатлар бир-бири билан тил топишиб янада қудратлироқ кучга айланадилар, оламшумул, умуминсоний тафаккур янада раванқ топишга эришадилар. Ана шунда аъмолу эътиқодимизни ҳеч қандай куч енголмайди.

И.А.Каримов сўзи билан айтганда “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” (“Тафаккур” журналининг бош муҳарририга берган жавобларида).

“Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъиназар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ғоя - мафкура бўлиши керак”¹.

Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар кураши, баҳсу мунозаралардан иборат. Ҳамма гап кураш ва синовларга тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.

Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига ишонган инсон фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди. Балки, юртбошимиз сингари ғояга қарши ғоя билан, таҳдид ва ғаразли ҳасадгўй, ғаламис кимсаларнинг макру хийлаларига мардона жавоб қайтаради.

Ислоҳ Каримовнинг шахс сифатидаги қатъияти, масалага ёндошишда юксак даражада инсонпарварлиги, маънавийлиги ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри англаши

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. (“Тафаккур” журналининг бош муҳаррирининг саволларига жавоби). “Тафаккур”, 1998. №2.

ва тўғри баҳолай билишида намоён бўлади. Унинг ғояларида маърифат, мафкура ҳар қандай қурол-яроғдан устун бўлган энг ҳозиржавоб, энг қудратли қурол сифатида ифодаланлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда нашр этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналларни тадқиқ этишдан мақсад ҳам чоризм мустамлакачилиги даври, совет мустабид тузуми изтироблари, қайта қуриш даври, мустақиллик, хурлик ва эркинлик даври ҳақида тасаввурга эга бўлишгагина эмас, балки онг ва тафаккуримиздаги эврилишларни қалб кўзимиз ила илғаб катта маърифий қудратнинг кучига яна бир бор ишонч уйғотишдадир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар тизимини биринчи марта тадқиқ этиш натижасида:

- Туркистонда XIX аср охири ва XX асрда нашр этилган журналларга илмий-тарихий тасниф бериш орқали уларнинг тадрижий ривожини гавдалантиришга эришиш мумкин бўлди.

- Истиқлол туфайли янгилавиш сари юз тутган жамиятимизнинг маданий тараққиётида журналларнинг роли ва ўрни, табақаланиши илмий таҳлил қилиб кўрсатиб берилди.

- Ўзбекистонда журнал тизимидаги адабий-бадиий тўплам (альманах)лар фаолиятини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон яратилди.

- Истиқлол журналларининг маданий-маърифий йўналиши муаммолари, уларнинг публицистик ечимларини излаш билан боғлиқ фаолияти далиллар асосида комил инсонни тарбиялаш муаммоси ила узвий ўрганиб чиқилди.

...Давлат сиёсати халқнинг ўй-ташвишларига қанчалик яқин бўлса, уларнинг хошиш иродасини қанчалик кенг ифода этса, маърифий тараққиётга шунчалик кўп имконият яратилади.

Бугун ҳаёт ҳар биримиздан ўз тақдиримиз, ўз оиламиз, ўз Ватанамиз ҳақида жиддий қайғуриш, эртанги кун учун астойдил ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Юрагимиздаги орзу-умидлар, эзгу ниятлар хатти-ҳаракатларимиз билан уйғунлашиб, ибратли фаолиятга айлансагина кўзланган мақсадларимизга эришмоғимиз мумкин бўлади.

Маърифатга асосланган, унинг ёрдамида амалга ошириладиган давлат сиёсатигина ҳар қандай тажовузларнинг олдини олишга қодир.

Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ халқни маърифий уйғоқликка чорлаб келдилар. “Куч - билим ва тафаккурда” деган тамойилга амал қилиб яшаш ҳам мустақиллигимизни ҳимоя қилишга бўлган ишонч эканлигини уқтириб келдилар.

Ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши, озод ва обод Ватан равнақи йўлида тинмай изланиши, меҳнат қилиш, ўзлигини англаши, юртимизни буюк маърифат мамлакатига айлантиришдек ғояларга садоқати, қисқаси, кенг кўламдаги ўзгаришларнинг стратегик йўналишларини белгилашнинг барчаси Президент И.А.Каримов фаолиятидаги мақсадли бошқариш тамойили туфайли юзага келди.

Жамиятимиз аъзолари умумий мақсад йўлида ўз тақдирини жамият тақдири билан боғлиқ деб тушунса, яхлит ижтимоий бирлик вужудга келади.

Мустақилликнинг қадрига етиб, онгли яшаш, атрофимиздаги соғлом муҳитга, воқеликка онгли муносабатни қарор топтириш барча фуқароларнинг бурчидир.

Йўлбошчимизнинг давлат арбоби сифатидаги қарашлари акс этган тўққиз томдан иборат асарлари халқимиз ҳаёти ва буюк келажакка ишончининг ифодаси. Ватанимиз тарихидаги муҳим бир давр - Мустақиллик йиллари тарихи акс этган Ўзбекистонимизнинг босиб ўтган йўли муқаддас истиқлолнинг ишончли йўлидир.

ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР:

1. Туркистонда рус тилида чоп этила бошлаган дастлабки журналлар - “Средне-Азиатский вестник”, “Средняя Азия”, “Туркестанский кара-курт”, “Туркестанский скорпион” ва “Степные миражи” ўлкамизда ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар типига асос солди. Бу журналларда мусулмон Шарқ халқларининг ҳаётига, мумтоз адабиётига бўлган қизиқиш яққол сезилиб туради. Ҳар ҳолда, ўзбек халқ эртаклари, мумтоз адабиёт намуналари рус тилида илк дафъа шу журналлар саҳифаларида босилди.
2. Кейинчалик Туркистонда миллий (тил, маданий-маърифий, диний жиҳатдан) йўналишдаги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар - “Ойина”, “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Кенгаш”, “Ҳуррият” ўзбек тилида чоп этила бошлади. Бу журналлар саҳифаларида жадидлар катта маърифий ишларни амалга ошириш учун курашдилар. Бироқ уларнинг миллий-маданий, маънавий-маърифий кадриятларни тарғиб қилишдаги хайрли ишлари Октябрь тўнтариши ва қатағон-қирғинлари тўфайли барҳам топди. Оқибатда, миллий адабий-бадиий журналлар чиқмай қолди.
3. Октябрь тўнтаришидан сўнг нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали уларнинг тарихий-тадрижий тизими, ривожланиш принциплари мантиқан асослаб берилди. Бу даврда “Инқилоб”, “Маориф ва ўқитғувчи”, “Ер юзи”, “Қурилиш”, “Аланга”, “СААПП”, “Китоб ва инқилоб”, “Социалистик фан ва техника”, “Янги йўл” каби илмий, касб-корга доир, ахборот, оммавий ва бошқа турли тармоқларга оид янги журналлар нашр этилди.
4. Тадқиқотда 1941 - 1945 йиллари чиққан ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий нашрларга, жумладан, “Ўлим ёвга”, “Ватан учун”, “Ўзбек ўғлонларига”, “Шонли

Ленинград”, “Ғазаб ва муҳаббат”, “Ғазабли Украина”, “Армуғон”, “Ватан жонбозларига”, “Зафар” каби тўплам(альманах)ларга алоҳида эътибор қаратдик. Бундан мақсад:

Президент И.А.Каримовнинг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” ва “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” номли китобларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 мартдаги Фармонида биноан 1941 - 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги мамлакатимизда жуда катта тарихий аҳамиятга молик сана эканлигини эътиборга олиб, Иккинчи жаҳон урушидек улкан мавзу ҳали кўп илмий, фалсафий ва бадий тафаккур учун битмас-туганмас маънавий озиқ бера олишини кўрсатишдан иборат бўлди.

Шуни таассуф билан таъкидлаш лозимки, матбуотимиз тарихи бўйича ўқув кўлланмаларида¹ даврий нашрлар ўрнини босган бу тўпламларнинг ҳатто номлари ҳам қайд этилмаган. Шу боис 1941 - 1945 йиллари юртимизда чиққан нашрларни ўрганар ва илмий таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон журналистикаси тарихидаги шу бўшлиқни тўлдириш ва ушбу давр нашрлари хусусида махсус курсни журналистика факультети талабалари учун тавсия этамиз.

5. 1946 - 1985 йиллар ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журналларида рус тилидан қилинган таржималарнинг адабий жараёнда ҳам, маънавий ҳаётда ҳам устувор ўринга чиқиб олганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, коммунистик сафсатага берилиш ҳам шу давр журналларига хос хусусиятлардандир.
6. 1986 - 1990 йиллари ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журналлар саҳифаларида янгича фикрлаш руҳи яққол сезила бошлади. Социалистик мафқурани хаспўшлаш каби баъзи чиқишларнинг ўрнини тарихнинг ўрганилмаган саҳифаларини ёритиш эгаллади. Барҳаёт сиймолар

¹ Чунончи, қаранг: Т.Э.Эрназаров, А.И.Ахбаров. “История печати Узбекистана”, Т., изд-во “Ўқитувчи”, 1977.

номлари тикланиб, улар асарларини қайта нашр этишга киришилди. Бу ҳолни, айниқса, “Шарқ юлдузи” ҳамда “Фан ва турмуш” журналлари мисолида кўриш мумкин.

7. Республикамиз мустақил, эркин, демократик ривожланиш йўлига ўтгач, истиқлол ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалар эканлигини яна бир бор англаб етдик. Чунки қудратли давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қудратли маънавият заминидида вужудга келади. Ҳар бир шахснинг ва бутун миллатнинг камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг чуқур ижтимоий-сиёсий, назарий-методологик негизга эга бўлган асарларида маърифат ва маънавиятга доимий эътибор бериб келинаётганлиги бежиз эмас. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини танимоқда. Маданий-маънавий қадриятлар, бой меросимизни ўзлаштириш асосида миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиш жараёни ҳам аниқ кўзга ташланиб бормоқда.
8. Миллий истиқлол мафкураси муаммоларини ёритишда республикамизда чиқаётган “Мулоқот” ва “Тафаккур” журналлари алоҳида ўрин тутаяди. Хусусан, “Мулоқот” журнали саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, ундаги кўплаб муаллифларнинг мақолаларида миллий истиқлол мафкураси масалалари, муаммоларига алоҳида аҳамият берилиб, уларнинг ечимини топиш борасида изланишлар олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Журнал миллий истиқлол мафкураси масаласига биринчилар қаторида эътибор бера бошлади ва кенг жамоатчиликни шу муаммони ҳал қилишга чорлади.
9. Миллий истиқлол шароитида ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журналлар асосий диққат-эътиборни топган миллий қадриятларимизни тиклашга, илм-фаннинг сўнгги янгиликларидан хабардор этиб боришга, тарихга муносабат борасида теран фикр юритишга қаратди. Хусусан, “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Мулоқот”, “Тафаккур” журналлари янги фикр минбарига айланди.

10. Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний журналлар тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, юртимиз олдида турган барча муҳим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни айнан юксак маънавият, пок ахлоқийлик, илғор дунёқараш, илм-фан тараққиёти заминидоғина адо этиш мумкин бўлади. Қолаверса, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш бизда мустабид тузумдан мерос бўлиб ўтган кескин муаммоларни бартараф қилиш, диёримизда инсоний, демократик, адолатли жамият, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши давр талабидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I Раҳбарий ва расмий адабиётлар

1. Каримов И.А. Абу Исо Мухаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман иштирокчиларига. “Совет Ўзбекистони”, 1990 йил 14 сентябрь.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон журналистларининг VIII съезди. “Совет Ўзбекистони”, 1991 йил 25 январь.

3. Каримов И.А. “Шарқ юлдузи” ойномасининг 60 йиллиги муносабати билан табрик. “Шарқ юлдузи”, 1991 йил, 6-сон, 2-бет.

4. Каримов И.А. Демократия - қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир. “Рабочая трибуна” рўзномаси саволларига жавоб. “Совет Ўзбекистони”, 1991 йил 4 июнь.

5. Каримов И.А. Дўстлик алоқалари ривожланаверади. “Таймс оф Индия” рўзномаси учун мухбирнинг саволларига жавоблар. “Совет Ўзбекистони”, 1991 йил 16 август.

